2.Поликлиника, касалхона, санаторий, мехмонхона, дам олиш масканлари, мотел, кемпинг биноларини интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №5

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда фазовий шакллантириш?
2.Техник хизмат кўрсатиш бекатларини интеръер ва жихозларини лойиҳалаш асослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №6

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда фазовий шаклланнтиришни асосий факторлари?
2.Гаражларни интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №7

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда шаҳарсозликнинг ўрни?
2.Авиавокзалларнинг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига ҳос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №8

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда ободонлаштириш (кўкаламлаштириш, сувлантириш) нинг ўрни?
2.Темир йўл вокзалларининг интерьери ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №9

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда атрофидаги майдони ахамияти?
2.Автовокзалларни интеръер ва жихозларини лойиҳалаш асослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»

кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №10

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда ҳажм-лойиҳавий ечимлар?
2.Вокзалларнинг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №11

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда экстерьернинг ўрни?
2.Метрополитеннинг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №12

1.Интеръерни лойиҳалашда коммуникацияларни (зиналар, пандуслар, эскалаторлар, лифтлар) ўрни?
2.Ер ости ўтиш жойларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш асослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
Кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №13

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда девордаги эшик ва деразалар ўрни?
2.Транспорт иншоатларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №14

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда чегарадош хоналарнинг ўрни?
2.Хаммом, кир ювиш биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №15

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда тўсувчи юзалар (девор, шифт, пол)?
2.Ижодий устахоналар биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №16

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда асосий конструцияларнинг таъсири?
2.Коммунал биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №17

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда материаллар (табиий, сунъий)?
2.Ошхона биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №18

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда безак материаллари?
2.Бозор биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.
.

Билет №19

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда эстетик ўзига хосликлар?
2.Супермаркет биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш асослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №20

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда шакл, пропорция, масштаб, тектониканинг психофизиологик таъсири?
2.Савдо марказлари биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №21

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда бадиий акс эттириш воситалари?
2.Дўкон биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №22

1.Интеръерни лойиҳалашда ёруғлик, ранг эмоционал таъсир сифатида?
2. Тижорат-маиший биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш ўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №23

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда саънатларнинг синтези (монументал, декоратив) моҳияти ва ўрни?
2.Бассейн биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №24

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда визуал ахборот (кўрсаткичлар, пиктограммалар, номлар, матнлар)?
2.Спорткомплекс биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №25

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда экология ва микроклимат?
2.Спортзалли биноларнинг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш асослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №26

1.Интеръерни лойиҳалашда табиий-климатик факторлар (релъеф, кўкаламлаштириш, сувлантириш, офтоб, шамол, ёғингарчиликлар, сейсмика, табиий офатлар)?
2. Жамоат овқатланиш биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №27

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда санитар-гигиеник ўзига хосликлар (инсоляция, газланганлик, шовқин, вибрация)?
2.Кўргазма зал биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №28

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда микроклимат (иссиқлик, вентиляция, кондиционирлаш, шамоллатиш, ёруғлик)?
2.Музей биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №29

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда социал факторлар (автоматизация, механизация, техник жихозланиш, униформа)?
2.Цирк биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №30

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда иқтисодий характеристикалар (вақт, майдон, ресурслар)?
2.Клуб биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №31

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда кам харакат ахоли ва ногиронларни шароитлар билан таъминлашнинг асосий талаблари?
2.Концертных заллари биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №32

1.Интеръер ва жихозларни лойиҳалашда техник хавфсизликнинг ўрни?
2.Театр биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №33

1.Жамоат биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашва уларнинг характеристикаси?
2.Кинотеатр биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №34

1.Ўқув-тарбиявий биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?
2.ИТИ биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашасослари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №35

1.Томоша биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?
2.ОЎЮ биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №36

1.Туризм ва дам олишнинг даволаш-профилактика биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?
2.Коллеж биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №37

1.Тижорат-маиший хизмат кўрсатиш биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?
2.Лицей биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №38

1.Саноат биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашасослари?
2.Мактаб биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

Билет №39

1.Бир қаватли, кам қаватли турар жой биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?
2.Мактабдан олдинги тарбиялаш биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалашўзига хос тарафлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

*Билет №40*

1.Кўп қаватли турар жой биноларининг интеръер ва жихозларини лойиҳалаш?
2.Ясел биноларининг интеръер ва жихозлари?

«Архитектуравий лойиҳалаш»
кафедраси мудири Уралов А.С.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси**

# *ИНТЕРЬЕР ВА ЖИХОЗЛАШ*

**ФАНИДАН**

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ ВА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ХАРИТАСИ

**Тузувчилар:** : ТАСИ “Архитектуравий лойихалаш” кафедраси кат.ўқит.Магомедова Ф.Х.

Сам ГАСИ “Архитектуравий лойихалаш” кафедраси катта укитувчи Заиров Р.З.

**.Самарканд – 2017**

| | |
|---|---|
| **1-МАВЗУ** | Кириш |

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | *1. Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш.*<br>*2. Ўқув курсининг мазмуни.*<br>3. *Интерьер ҳақида тушунча* |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни фан музмуни билан таништириш, интерьер ҳақида умумий тушунча шакллантириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| *Ўқув курси ва машғулот мавзуси билан таништириш* | *Ўқув курси ҳақида умумий тушунчага эга бўладилар* |
| *Ўқув курсининг мазмун-моҳиятини очиб бериш* | *Ўқув курсининг мазмун-моҳиятини, келажакдаги касбига аҳамиятини тушунадилар* |
| *Интерьер ҳақида тушунчани шакллантириш* | *Интерьер ҳақида умумий тушунчага эга бўлади* |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, синквейн* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Кириш” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Ўқув курси бўйича маълумот беради, ўқув курси структураси билан таништаради (1 – илова)<br>1.2.Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова) | Тинглайдилар<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (3 - илова).<br>2.2.Таянч иборалар билан таништириш (4-илова).<br>2.3. Интерьер ҳақида умумий тушунча беради (5-илова).<br>2.5. Интерьер сўзига синквейн тузиш топшириғини беради (6-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар<br><br>Синквейн тузадилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (7-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1 илова**

### Курс давомида ўтиладиган мавзулар (курс структураси)

1. Кириш
2. Интерьернинг шаклланиш жараёнлари.
3. Интерьер муҳитини ташкил этишнинг асосий факторлари.
4. Жамоат бинолари интерьери.
5. Жамоат бинолари турлари.
6. Ўқув,тарбия ва илмий муассасалар.
7. Томоша кўрсатиш бинолари.
8. Спорт иншоотлари.

9. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва иншоотлари.
10. Маъмурий ва коммунал бинолар.
11. Транспорт иншоотлари.
12. Даволаш-профилактика бинолари.
13. Турар жой бинолари турлари ва интерьери.
14. Хонадонларнинг интерьери ва жиҳозлари.
15. Квартира хоналарининг интерьерларини шакллантириш.
16. Саноат бинолари ва корхоналари интерьери.
17. Кам ва ўрта қаватли турар жой бинолари интерьери.
18. Кўп қаватли турар жой бинолари. Ётоқхоналар интерьери.

**2 илова**

***Жорий назораларни баҳолаш мезонлари***

"Замонавий жиҳозлаш ва интерьер" фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг назарий билимларини ўзлаштиришини ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун қўлланилади ва умумий рейтинг баллининг 35% ни ташкил қилади.

Жорий назорат оғзаки савол-жавоб ва амалий топшириқларни бажариш, педагогик топшириқларни ечиш билан амалга оширилади. Ҳар бир амалий машғулотда талаба томонидан саволларга берган жавоблари, мустақил бажарган топшириқлари баҳоланиб борилади ва рейтинг жадвалида кўрсатилган ҳафталарга мос равишда ўқитувчининг журналида белгиланади.

Семестр давомида жами 7 та жорий назорат ўтказилади. Ҳар бир жорий назорат учун максимал 5 балл белгиланади.

***Оралиқ назоратларни баҳолаш мезонлари***

Оралиқ баҳолаш "Замонавий жиҳозлаш ва интерьер" фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлинганидан сўнг амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларини билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади.

"Интерьер" фани бўйича 2 та оралиқ баҳолаш ўтказиш режалаштирилган.

**Биринчи оралиқ баҳолаш** реферат ҳимояси шаклида ўтказилади ва максимал 10 балл билан баҳоланади.

**Иккинчи оралиқ баҳолаш** тест назорати шаклида ўтказилади ва максимал 25 балл билан баҳоланади.

**Тестни баҳолаш**да ҳар бир тўғри берилган жавоб ҳисобга олинади. Ҳар бир талабага алоҳида вариант тайёрланади ва 25 тадан иборат бўлган тест саволлари берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади.

***Якуний назоратни баҳолаш мезонлари***

"Замонавий жиҳозлаш ва интерьер" фанидан якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади. Якуний назоратга 30 балл ажратилади. Ҳар бир талаба учун 5 та саволдан иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб алоҳида максимал 6 балл билан баҳоланади.

**3 илова**

**Режа**

1. Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш.
2. Ўқув курсининг мазмуни.
3. Интерьер ҳақида тушунча

**4 илова**

**Таянч иборалар**

Замонавий жиҳозлаш, интерьер, архитектуравий режавий ечим

**5 илова**

Замонавий жиҳозлаш ва интерьер фанининг мақсади талабаларга турар жой, жамоат, саноат биноларининг замонавий интерьерлари ва жиҳозларини лойиҳалаш асосларини ўргатиш, уларга интерьерларнинг ижтимоий воқелик билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш ва ушбу аспектда олиб борилаётган амалий ижтимоий изланишларнинг мазмун-моҳияти ва методларини тушунтириб беришдан иборат. Интерьерларнинг архитектуравий режавий ечимлари асосларини ишлаб чиқишга қаратилган курснинг йўналиши замонавий турар жойлар,жамоат ва саноат биноларини архитектуравий лойиҳалаш соҳаларининг ижтимоий дастурини ишлаб чиқиш ва Ўрта Осиё учун хос бўлган конкрет шароитларда регионал замонавий турар жой биноларини яратиш бўйича бўлажак меъморларнинг келгуси фаолияти нималардан иборат эканлигини тушунтириб беришни ўз ичига олади.

Интерьер французча *интерьериус* сўзидан олинган бўлиб, ички ёки ичкари деган маънони англатади. Архитектура мақулроқ ва қулайроқ бўлган ҳаётий муҳитни яратишга хизмат қилади ва шу билан бир қаторда у инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Техникавий тараққиёт ҳамда турмушда ва маданият соҳасида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар инсонлар жамият ҳаётида янгидан янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси моддий муҳит сифатида архитектурага қўйиладиган талабларнинг сонини ҳам оширяпти. Моддий муҳит яратишда бино ва иншоотларнинг ички фазовий кенглигини ташкил этиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Интерьер ташкил этилган кенглик сифатида инсоннинг жисмоний ва руҳиё ривожланишида, болаларни тарбиялаш учун энг яхши қулайликлар яратишда,одамларнинг ижтимоий ҳаётини ташкил этишда ўз аксини топади. Интерьер иншоотнинг структураси, функционал ва ҳажмий фазовий композициясидан келиб чиққан

ҳолда қурилади. Турар жойларнинг интерьери улардаги квартираларнинг режавий структураси ва ўлчамларига боғлиқ бўлади. Архитектура ва инсон фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик одамларнинг бино ичидаги шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги эҳтиёжларини инобатга олувчи ижтимоий турмуш жараёнида намоён бўлади. Бу ўзаро боғлиқлик шаҳарсозлик шароитларни,моддий техник имкониятларни, иқтисодни, идеологияни ва эстетикани ўз ичига олади.

Шундай қилиб, интерьерни лойиҳалашнинг мақсади инсоннинг хотиржам яшаши учун қулай шароитларга эга бўлган ва аниқ функцияларни бажарадиган ички фазовий кенгликни лойиҳалашдир.

**6 илова**

**“Синквейн” тузиш**

1. Безаш.
2. Чиройли, кўркам
3. Яхши кайфият бағишлайди
4. Мутахассислар томонидан ижодий жараёнда яратилади
5. Чирой

**7 илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. Замонавий жиҳозлаш ва интерьер фанининг мақсади нимадан иборат?
2. Интерьер нима?
3. Интерьер инсонларга қандай таъсир этади? Нима учун?
4. Интерьер қандай ишлаб чиқилади?
5. Замонавий жиҳозлаш нима?

| **2-МАВЗУ** | ИНТЕРЬЕРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Қадимги дунё архитектураси.<br>2.Ўрта асрлар архитектураси. Услублар шаклланиши.<br>3.ХХ аср охири ХХ аср бошлари архитектураси.<br>4Марказий Осиё меъморчилигида декоратив безак |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни интерьерни шаклланиш жараёнлари билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Қадимги дунё архитектураси билан таништиради | Қадимги дунё архитектурасини билади |
| Ўрта асрлар архитектурасининг услублар шаклланиши ҳақида маълумот беради | Ўрта асрлар архитектурасининг услублар шаклланиши ҳақида фикр юрита олади |
| ХХ аср охири ХХ аср бошлари архитектураси ҳақида гапириб беради | ХХ аср охири ХХ аср бошлари архитектураси ҳақида саволларга жавоб беради |
| Марказий Осиё меъморчилигида декоратив безак ривожланиши ҳақида гапириб беради | Ўрта Осиё архитектурасининг ривожланиш босқичларини таққослай олади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Интерьернинг шаклланиш жараёнлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Ўтилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Конспект дафтарларига ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова).<br>2.3. Қадимги дунё архитектураси таништиради (4-илова).<br>2.4. Ўрта асрлар архитектурасининг услублар шаклланиши ҳақида маълумот беради (5-илова).<br>2.5. XIX аср охири XX аср бошлари архитектураси ҳақида гапириб беради (6-илова).<br>2.6. Марказий Осиё меъморчилигида декоратив безак ривожланиши (7-илова). | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (8-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**“Эркин ёзиш”**

Ўқитувчи талабаларга беш минут вақт давомида “Интерьер” ҳақида билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1.Қадимги дунё архитектураси.
2.Ўрта асрлар архитектураси. Услублар шаклланиши.
3.ХХ аср охири ХХ аср бошлари архитектураси.
4.Ҳозирги давр архитектураси.
5.Ўрта Осиё архитектурасининг ривожланиш босқичлари

**3-илова**

**Таянч иборалар**

Қадимги Миср архитектураси, Жосер пирамидаси, Гизадаги пирамидалар, Хефрон храми, Луксордаги Амон храмлари, қадимги Юнонистон ва Рим архитектураси, антик давр архитектураси, ХХ аср охири ХХ аср бошлари архитектураси, хозирги давр архитектураси.

**4 илова**

**Қадимги дунё архитектураси**

Хоналарнинг интерьерини ўрганишда инсон ҳаёти ва фаолияти ўтадиган муҳитнинг ташкил этилиши ва унинг ривожланишини характерли жиҳатларини тушуниб олиш архитекторлар учун ғоят фойдалидир.

Илк даврларда инсонлар ўз ҳаётини табиий кенгликларда кечира бошлаганлар. Инсонлар ҳаёти давомида табиий иқлим ва табиат уларга ўз таъсир кучини ўтказишни сезганлар. Улар йиртқич хайвонлардан ва табиий иқлим шароитларининг нохуш ҳолатларидан ҳимоя қилиш учун ўзи учун ташқи муҳитдан изоляцияланган кенгликни яратишдан иборат бўлган.

Инсон жамиятининг бошланғич даврларида асосан табиий тўлалар ва тоғ чўққиларидаги ғорлардан бошпана сифатида фойдаланган.Чунки уларга кўпроқ сондаги одамлардан ташкил топган жамоа жойлашиши мумкин бўлган. Бундай жойлар маълум бир даражада хавфсиз ва қулай бўлган. Кейинчалик оилавий структура шаклланишининг бошланиши билан оддий яшаш ячейкалари пайдо бўла бошлади. Инсон шинамлик ва қулайликларга эга бўлган маданий муҳит ярата бошлади. Ички фазовий кенглигидаги деворларни йиртқич хайвонлар ва ов жараёнини ташкил этувчи расмлар билан бойитиш орқали эстетик комфорт беришга интилишди.

Жамият структураси ўзгарган сари инсон яшаб турган муҳити ҳам шакллана борди.

Қадимги Миср архитектураси эрамиздан 3000 йил аввал бошланган.У бир неча этапларга бўлиниб, жуда кўп вақт оралиғини ўз ичига олади. Қулдорлик ривожланган Нил дарёси бўйида дин ривожлана бориши билан мақбара ва храмлар қурилиши асосий ўринга эга бўлди. Масалан, Жосер пирамидаси, Гизадаги пирамидалар, Хефрон храми, Луксордаги Амон храмлари шулар жумласидандир. Бу даврда очиқ фазолар ва ҳажмий объектлар ўртасидаги муносабатлар бироз мураккаблашади,яъни ташқи ва ички фазолар ўртасида оралиқ фазовий структуралар пайдо бўлади. Хефрон

ибодатхонасида маълум томонга йўналтирилган ҳаракат давомида фазовий ҳиссиётлар алмашиниб боради кўндаланг жойлашган биринчи зал симметрия марказига нисбатан қисқарган иккинчи залга уланиб кетади.Бу зал яна тор йўлак орқали кўндаланг жойлашган катта ҳовлига олиб чиқади. Ёпиқ ва қоронғи залдаги бирданига қуёш чарақлаб турган кенг ҳовлига чиқиш инсон ҳиссиётига кучли таъсир этади. Дейр эль Бахридаги ибодатхоналарда архитектуравий воситалар орқали Фиравннинг буюклик ғояси ифодаланган. Ички интерьерга асосий бадиий урғу берилди. Ҳайкаллар ва пандуслар асосий ўқ чизиғининг аҳамиятини янада кучайтирди,рельеф ва ҳайкаллар билан безатилган, деворларга сайқал берилган.

Қадимги Юнонистон ва Рим қулдорлик давлатлари бўлгани учун уларнинг мафкурасида дин, яъни инсон кўринишдаги худоларга,афсонавий қаҳрамонларга ва император шахсига сиғиниш устун турар эди. Бу даврда архитектура янаям ривожланди. Бу даврнинг асосий биноси ибодатхона ҳисобланган. Ибодатхонанинг функционал маркази “целла” хонаси бўлиб,унда илоҳий ҳайкал қад кўтаради.Ички устунлар галареяси целланинг интерьерини 3 қисмга, яъни учта “неф”га ажратди. Тантанавор равоқлар,ҳайкаллар,устунлар галереяси ҳаракат йўналишини янада бўрттириб кўрсатган. Зиналар билан кўтарилган “подиум” устига жойлаштирилган ибодатхоналар шаҳар марказида қурилган. Масалан, Пантеонни олсак, унинг ички фазоси бир мунча кенгайтирилган, яъни катта цилиндр шаклидаги зал ва ярим сфера шаклидаги  гумбаз барча худолар ҳайкалларини ва кўп сонли одамлар гуруҳини бир вақтнинг ўзида мужассам эта олган. Гумбаз осмон рамзи сифатида талқин этилган.Диаметри ва баландлиги 43,5 метр. Рим архитектурасида томошабоп бинолар оммавийлашади. Уларга Римдаги Колизей, Афинадаги Дионис театри, Эфесдаги театр ва бошқалар. Антик давр архитектурасида кўп бурчак, айлана, цилиндр, ярим сфера каби янги шакллар қўлланилди. Девор юзаларини ордер тизими билан безаш услуби пайдо бўлди. Ордерлар ҳам конструктив элемент, ҳам декоратив элемент сифатида қўлланила бошланди.

**5 илова**

## Ўрта асрлар архитектурасининг услублар шаклланиши

Европада ўрта аср даври минг йилдан ортиқроқ давом этди.(5 17 асрлар)Феодал тузум ер эгаларини ҳукмрон синф сифатида белгилаган эди.Черков руҳонийлари биринчи ўринда турарди.Черков фақат Оллоҳга ибодат қиладиган жой эмас, балки ҳукмрон ва жамият ҳаётининг бошқа томонларини, масалан, қиролга тож кийдириш, тантанали ибодат маросимлари, диний қўшиқлар айтиш,роҳибликни қабул қилиш каби фаолиятларини амалга оширадиган жамоат биносига айланди. Христиан дини 2 кўринишдаги эътиқодга бўлинади: православ ва католик. Бу ибодатхоналар шаклланишида ўз ифодасини топган. Православ эътиқоди Византия империяси ва Шарқий Европа мамлакатларида кенг тарқалган.11

12 асрларда Россияда черковларни 3та нефли бинолардан фойдаланилган. Ўртадаги неф кенгроқ ва баландроқ бўлган. Горизонталга нисбатан вертикал йўналишда кўпроқ ривожлантирилган. Ўртада крест ва гумбазга кўпроқ урғу берилган.Киевдаги София собори ичидаги деворлар тож бўйича диний мазмунни ифодалайдиган сюжетли тасвирлар билан безатилди.Тошдан ишланган тўсувчи конструкциянинг массивлиги интерьерга оғир вазнлилик таъсуротини беради. Бино ва иншоотлар интерьерларининг ривожланиш тарихида Европада бошланган янги замон (XV-XIX асрлар) архитектураси анча сезиларли ва ўчмас из қолдирди. Бу давр жамиятнинг ижтимоий ҳаётида капиталистик иқтисодий муносабатларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Шунгача бўлган беш аср давомида бадиий стилли изланишларнинг умумий асосини антик архитектура тажрибаси ва унинг ордерли системаси ташкил этди. Бундай ҳолат XV-XIX асрлар архитектураси учун “ўтмишдаги антик архитектура” деб номланган умумий атама (термин) билан ифодаланади. Аръхитектура тарихида бу давр бир нечта босқичлар билан боғланган, бу босқичларда ўзига хос фазовий характеристикаларнинг ишлаб чиқилиши билан улар бир-биридан фарқланган ва бу характеристикалар ренессан, барокко, классицизм ва эклектизм стилларида аста-секинлик билан бир-бирларини алмаштирган ҳолда намоён бўлган. Архитектурада антикликнинг қайта туғилишини образли гўзалик (кўркамлик)ка эришишнинг умумий бадиий принципи сифатида тушуниш мумкин.

Бой яшаш уйи қайта туғилиш давридаги иншоотларнинг етакчи типига айланди. Хусусий уй яшаш ва кўплаб ижтимоий функцияларни бажариш билан билан уй эгасининг ижтимоий характеристикасини белгилайдиган мулкка айлана борди. Уйда қабул қилиш хоналари, девонхона, баллар ўтказилиши ва артистларнинг чиқишлари учун заллар, картинали ва ҳайкалтарошлик (скульптуравий) галереялар ва шунга ўхшаш хоналар жойлаштирилди. Яшаш уйининг яъни турар-жой биноси функциональ мазмун-моҳиятининг мураккаблашиши унга мос келувчи фазовий структуралар ва унинг бадиий ечимини қидириб топиш учун туртки бўлди. XVII асрдаги баракко бадиий принципларининг таъсири ўзига хос тарзда палаццо структурасининг шаклланишида ўз аксини топди. Функциональ жиҳатдан мустақил ҳажмий-фазовий гуруҳлар бўйича хоналарнинг кардиналь чегараланиши рўй берди, бунда хоналар тантанали, хизмат кўрсатувчи, яшаш хоналарига гуруҳланди.

Композицион – фазовий ядро тантанали хоналар гуруҳини ташкил этди, улар бош ўққа нисбатан симметрик тарзда жойлаштирилди. Турли фазовий шаклдаги звенолардан ташкил топган бу гуруҳ хоналарининг занжири томошабиннинг ҳаракатланиши давомида очилиб берди.

А Б





В



Барокко стилидагипалоццо структураси. Барберин палаццоси. А – итерьер фрагменти, Б – тантанавор зинапоя, В – бино режаси

Бинонинг интерьерида алоҳида хоналарнинг “давомий” чизиқлардаги овал, эллипс, деворларнинг эгри чизиқли бурчаклари ва плафонлар ҳамда бошқа фаол пластик шакллари (формалари) муҳим роль ўйнади. Шакли (формаси)нинг динамиклиги (ўзгарувчанлиги), зинапоя йўлак (марш)ларининг турлича уйғунлашуви, ҳаракат йўналишининг алмашинуви ва оғмалиги (горизонталь текисликка нисбатан оғиш бурчаги)нинг катталиги билан ажралиб турувчи “тантаъновар” зинапоялар ҳаракатланиш рамзи сифатида алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Зинапоялар мавзусига оид савол ва масалалар баракко стилида архитектуравий нуқтаи-назардан жуда яхши ечилган ва ҳаттоки у бадиий ҳайкалтарошлик (скульптура) даражасигача етказилган.

**6 илова**

## XIX аср охири XX аср бошлари архитектураси

XIX асрнинг охирларида Европа қитъаси мамлакатларида янги архитектурага ўтишда кескин бурилиш содир бўлди. Вақт ўтиши билан рационалистик анъаналар янги конструктив системалар, самарали қурилиш материаллари ва қурилишда ишлаб чиқаришнинг ва уни ташкил этишининг янги методларининг ихтиро қилинишига олиб келди.

Архитектуравий асарларнинг шакл ҳосил қилувчи асоси эстетик талқинларни олиб ташлашга эмас, балки функция, материал ва шаклнинг органик боғланиши ҳақидаги ғояларни олдинга сўриш билан юзага чиқди. Бунда инсоннинг тўлақонли ҳаётий фаолият юритиши учун функция тушунчаси оптималь психологик иқлим шароитига янада кенгроқ киритила бошланди.

Архитектура ривожланишнинг бу даври, айниқса, янги йўналиш-модерн стилининг киритилиши билан алоҳида характерланади. Бу стиль янги архитектуравий йўналиш сифатида биринчи бўлиб, аввалги анъаналар билан бўлган алоқаларни ўзди ва “замонавий” архитектуранинг вужудга келишига замин тайёрлади. Бу йўналишда иншоотларнинг янги типлари (кўргазмалар, савдо-сотиқ бинолари ва бошқалар)ни яратишда функциональ-технологик ташкил этиш жараёнлари ҳал этувчи таъсир кўрсатди. Универсаль дўконлар,

банклар, вокзалларнинг заллари кенг ва ёруғ қилина бошланди, вокзаллардаги перронлар ва йўловчиларнинг ўтиш жолари, вагонларга чиқиш олдидан тўрадиган жойлари ойна билан қопланадиган металдан ишланган сводлар билан тўсилди. Элементларнинг ўзаро бўйсинишини талқин этадиган чизиқли-перархик принципи ўрнига фазовий архитектуравий ташкил этишнинг асоси сифатида композицияда элементларнинг тенг бўлиш мумкинлиги ҳақидиги хоналарни мантиқий-функциональ гуруҳланиши тўғрисидаги таъсуротлар кириб келди. Янги материаллар: - металл, ойна, керамика ва интерьерни пардозлаш бўйича бошқа материаллардан фойдаланиш доираси принципиаль кенгайди.

Модерн стилида декор (пардозлаш, безаш)нинг икки тури мавжуд. Биринчиси- “функциявий”-конструктив ва утилитар элементлар билан: дераза ва эшиклар оралиқларини рамалаштириш, зинапояларни тўсиш, потолокларнинг фермалари ва конструкцияларининг таянчлари билан ифодаланади. Уларнинг шакллари бадиий-пластик ва рангли ечимларнинг вариацияси учун асос сифатида қўлланилди. Декор (пардозлаш, безашнинг) иккинчи тури-бу тасвирий, график ва ранг-тасвирдан иборат бўлиб, улар ёрдамида девор, потолок, деталларнинг ташқи сирт юзалари безатилади. Орнамент одатда текисликка тасвирланиб, унинг фактураси ри-вожлантирилади ёки ташқи пардоз сифатида намоён бўлади, ҳамма ҳолларда (вазиятларда) модерн декори устунликка эга бўлган равишда орнаментлидир ва у архитектуравий муҳитнинг ягона стилистик бус-бутунлигини тасвирлашга йўналтирилган.



Пухта тузилган режавий структурали бино намунаси. Роттердамдаги биржа режаси.

Тўсувчи конструкциялар текислигининг композициясида битта ёки ҳар хил материаллар (штукатура, ёғоч, тош, метал, ойна ва ҳ.к.) фактурасининг контрастли таққосланиши фаол қўлланилди. Рангли уйғунлаштириш ҳам бойитилди.



Мебеллар ва эшикларнинг биргаликдаги стилистикасига мисол



Джестер уйининг лойиҳаси (Ф.Райт)

Ривожланишнинг кейинги босқичида (30-йиллар) иқтисодий ташкил этиш масалалари (муаммолари) ечилиши ички кенгликларнинг ягона ҳажмга концентрация қилинишга (бирлаштиришга) олиб келди. Колонналар билан боғланмаган ҳолда яъни анча эркин тарзда перегородкаларнинг қўйилиши, улар жойлашиш текислигининг чузилишидаги ўзгаришлар ўтган асрнинг бошларида қуйилган стилнинг янгилиги сифатида эътироф этилди.

“Эркин режа” хоналар шаклларида бўлган аввалги бир хиллиликни бартараф этди, ички кенгликларни “оқувчан” бириктириш уларнинг пластик сифатларини кенгайтириш имкониятини очиб берди.

Кейинги боқичларда шаклига кўра битта ҳажмли бўлган структураларнинг ривожланиши рўй берди, бундай ривожланиш айниқса жамоат биноларида яққол намоён бўлди. Замонавий архитектурада янги қурилиш ва пардозлаш материалларининг кенг ассортиментда жадал суръатлар билан ишлаб чиқарилиши интерьерларнинг пардозлаш приёмлари ва методларининг сезиларли даражада кенгайишига катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда яшаш уйларида интерьерларнинг пардозланиши ва безатилиши кўп жиҳатдан уларни барпо этувчиларнинг



А



Б

Маданият маркази.
А-режа, Б -интерьер

дидлари ва ғояларига боғлиқ бўлиб, бунда уларни шакллантиришнинг етарлича мантиқий (логик) асосланганлиги ва уларнинг худди шу тарзда асосланган кўплаб вариантлари кўзатилди.

**7 илова**

## Марказий Осиё меъморчилигида декоратив безак

Марказий осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар хам хона декоратив безагига алохида эътибор берилган. Декоратив безак кўпроқ монументал тасвирий сахналар остида деворнинг изора қисмида ишланган. Илк ўрта асрларда ёғоч ва ганч ўймакорлиги декоратив безакда кенг қўлланилган. Панжикент, Варахша саройларида ёғоч, ганч юзага қахрамонликларни ифодоловчи сахналар ромб, доира, тўртбурчаклар ичига олинган. Улар нафақат бир сахна эпизодини чегараловчи хошия вазифасини бажарган, шунингдек, бир хил мавзудаги ўсимликсимон нақшли юзани бойитиш учун, ўша нақш юзасида ора-орада ёки унинг марказида жойлаштирилган холда хам келган.

Ўрта асрларда гулганчдан мураккаб нақшлар ишланган. Бунга Термиздаги шоҳлар саройи девор ва устунларининг сақланиб қолган қисмлари гувоҳлик беради.Унда геометрик ва ўсимликсимон композициялар жойлашган ўрнига қараб, бир неча қатор нақш ва безаксиз кенг чизиқ каби ҳошиялар билан турли тузилишдаги рамкаларга олинган.

Бу тадбир девор юзасидаги нақшли паннонинг композиция жиҳатидан тугатилишини таъминлаган ва турли мавзудаги нақшин юзаларни яратиш имкониятини беради. XII-XIII-асрларда, хусусан маъмурий, диний обидалар интерьерида ғиштин безак кенг қўлланилган. Ғиштларнинг турли композицияда, жуфт-жуфт, оралиғида тик ҳолда, арчасимон, яъни бир қатор ўнг томонга, иккинчи қатор чапга қия йўналишда қаланиши, обида интерьерида майин безакка эга бадиий композицияни ташкил қилади.

Марказий Осиё меъморчилиги декоратив безагида XIV-асрдан бошлаб ганч,ёғоч ўймакорлиги,рангли безак билан бир қаторда мозаика,майолика кенг қўлланилади.Мозаика, майолика, мармар юзалар мадраса, сарой, хонақоҳ, масжид, мақбара интерьери безагида кўпроқ ишлатилади. Мармар тошли юзалар деворнинг изора қисмини пардозлашда ва интерьерда декоратив устунчалар,ҳамда шарафалар ишлашда қўлланилган. Бухородаги XVI-асрга оид Баланд масжиди бадиий безагини ўрганган олима И.Ф.Бородина, масжид интерьери деворида ишланган нақшларнинг жойланишини,анъанага айланган схемага биноан безатилган,яъни деворнинг пастки қисми изора,ундан юқорида токча ёки декоратив бўлинма ва девор билан шифтни боғловчи кенг ёғоч эгаллаган,деб таъкидлайди. Нақшлар хона деворига қуйидаги тартибда жойлаштирилган: 1 хона интерьерида яхлит юзани эгаллаган бўлиб, 2 тўртбурчак ёки равоқ ичига олинган юзага

ишланган; 3 кириш равоқлари, равоқ қанослари ва меҳроблар ичига олинган ҳолда, 4 изора сифатида ишланган ҳолда учрайди.



Хона девори баланд бўлган тақдирда токчага монанд баланд бўлинма юзага келган. Бундай бўлинма учга тақсимланган, яъни унинг пастки қисми тўртбурчак тузилишидаги токчага ажратилган, бўлинманинг юқори қисми эса баланд шарафа қаторлари билан тугатилган. Пастки токча девори юзасига ён томонларга кенгайтирилган бутоқ ёки гулдаста тасвири ишланган. Баланд бўлинма девори рангли чизиқ билан иккига тақсимланган. Пастки баланд қисмида узун гулдаста тасвири,юқори қисмидаги юза рангли чизиқлар ёрдамида 7-8 юзачаларга тақсимланиб,ҳар бирига биттадан гулдаста гул туваги билан ёки бутоқ тасвири ишланган.

Бундай тартибдаги нақш тақсимотини В.Л. Манакова ўрганган XIX асрга оид Бухоро турар жойининг ёзги хона деворида кўрамиз. Турли ҳажмдаги токчаларга тақсимланган девор композициясини бадиийлаштириш учун деворнинг 23 жойида симметрик тузилишда текис бўлинма ёки катта токча қолдирилган ва уларга гулдасталар тасвири ишланган.Бу тадбир билан девор юзасидаги майда токчалар нақшли катта юзалар ёрдамида композиция жиҳатидан умумлаштирилган.

Халқ турар жой меъморчилигида нафақат девор юзасидаги нақшларни,балки хона умумий кўриниши нақшу нигорини композиция ва бадиий жиҳатидан умумийлаштиришга катта эътибор берилган.Токчабанд ва нақшу нигорланган тўрдаги девор ўзининг бой бадиий безаги билан хонанинг икки ён томонидаги деворларини бир композицияга боғлашга эришилган. Умуман, девор юзаси нақшларининг ҳошия билан турли ҳажмда томонлари тенг тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, ромб, учбурчак, доира каби қисмларга бўлиниши ва улардаги нақшларнинг бир юиридан фарқ қилиниши, эгилган гулларга қараб арикча ёки йўлак билан чаманларга ажратилган гулзорни эслатади. Хонанинг ҳар бир деворида нақшлар яхлит яхлит бир биридан фарқли, лекин умумий композицияга бўйсунган юзани ташкил қилади.



231-расм. Бухоро. Деворий нақш (С.Е Качурина, М.Н.Полетаева ўлчови ва чизмаси).



232-расм. Бухоро. Деворий нақш (С.Е Качурина, Н. Кузьменко ўлчови ва чизмаси).

Хона интерьери композициясида ранг баранг нақшу нигорли деворлар, нафис безакли шифт ва полга тўшалган сербезак гиламлар биргаликда хона интерьери композициясини бадиий жиҳатдан мутаносиблигини ва ҳамоҳанглигини таъминлаган.

Халқ амалий бадиий санъати ва меъморчилигида гул ҳамда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мевалар ҳам ўз аксини топган.Анор билан лола тасвири қадимий Панжикент деворий суратларида ,аноргул ва анор нақши XIX-XX аср уй жой меъморчилигида кўп ишланган.Анор ичидаги доначалари (меваси) ҳосилдорлик,анор билан лола табиатнинг уйғониши,баҳор рамзини билдирган. Марказий Осиё халқ амалий санъати буюмларида, деворий нақшларда доира, гириҳ, учбурчак,ромб каби нақшлар кенг қўлланилган. Уларда ҳам рамзий маънолар бўлган. Жумладан, доира,гириҳ,учбурчак сингари шакллар кўпинча хонадонни, кишини ҳар хил инс жинслардан асровчи рамзий белги вазифасини ўтаган.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам тирик мавжудотлар тасвирлари обидаларда ишланганлиги гувоҳи бўламиз.Жумладан, Самарқандда Шердор мадрассаси (1636 й.), Бухорода Нодир Девонбеги мадрассаси (1622 й.), Термизда шоҳлар саройи (XII аср), Самарқанднинг Хўжа Аҳрор мажмуасидаги мадрасада шер тасвири бўлганлиги сабабли уни Шердори Берун (XVII аср) деб аташган. Олимларимиз мазкур даврларга оид тасвирларда ҳам жанрли саҳналарга бағишланган мавзулар бўлганлигини таъкидлайдилар. Жумладан, Г.А.Пугаченкова, Л.И. Ремпель Самарқандда Амир Темур, Ҳиротда Шоҳруҳ, Исфахонда Абу Саид саройларида шоҳ сарой амалдорлари портретлари, сарой ҳаёти, кўнгилхушлик, ҳарбий юришлар каби саҳналар услуб жиҳатидан Марказий Осиёнинг XV – XVII асрга оид миниатюралари мактабларига хос услубларда ишланган деб таъкидлайдилар. Тасвирларнинг аксарияти бир, икки ёки уч персонажлардан ташкил топган.Меъморий

обидалар пештоқларида, халқ амалий санъати буюмларида, хона деворларида, бадиий матоларда шер ва қуёш, бир мавжудотнинг иккинчисига ҳамла қилиш саҳнаси, дарахт, тоғ эчкиси, қўчқор, паррандалар, йиртқич хайвонлар сурати ишланган. Ранглар ҳам ўзига хос рамзий маънони бажарган. Жумладан,кўк ранг мовий осмонни билдирганлигидан,мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатилган.Қизил ранг ҳам обидалар деворларида кенг қўлланилган.Ўрта Осиёда қизил ранг ғалаба рамзи ҳисобланган. Оқ ранг ёруғлик ва яхшилик, эзгулик рамзи бўлган.

Интерьернинг салобати, бадиий безак даражаси қандай турдаги иморатда бўлишидан қатъий назар, қурдираётган ёки мутасадди шахснинг маънавий дунёқараши, жамиятдаги мавқеи ва иқтисодий шароитига боғлиқ бўлган.Шу жиҳатдан турли турдаги иморатлар интерьерларини асосан уч: оддий, ўрта ва мураккаб турларга бўлиш мумкин.

Марказий Осиё турар жойлари интерьери билан танишар эканмиз, уларда асрлар давомида ҳаёт кечириш учун зарур шароит яратишга ҳаракат қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида таъкидлаб ўтилган далиллар хоналар тузилишида қулайлик, безагида бадиийлик, хона композициясида баҳаволик, тантанаворлик, мутаносиблик бағишлаган ижобий анъаналарнинг асрлар давомида силлиқланиб, узоқ ўтмишдан бизнинг давримизга қадар етиб келганлигидан далолат беради.

**8 илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Қадимги Миср архитектураси эрамиздан неча йил аввал бошланган?
2. Қадимги Миср архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
3. Дейр эль Бахридаги ибодатхоналарда архитектуравий воситалар орқали нима ифодаланган?
4. Қадимги Юнонистон ва Рим қулдорлик давлатлари архитектурасида қандай ғоялар ифодаланган?
5. Европада бошланган янги замон (XV-XIX асрлар) архитектураси қандай аҳамиятга эга?
6. Модерн стилидаги декорнинг қандай турлари мавжуд?
7. Марказий осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар хам хоналар қандай безатилган?
8. XIV-асрдан бошлаб Марказий Осиё меъморчилиги декоратив безагида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

| 3-**МАВЗУ** | ИНТЕРЬЕР МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ФАКТОРЛАРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асослари.<br>2.Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик.<br>3.Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатлари.<br>4.Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари.<br>5.Интерьер муҳитида эстетик талаблар |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни интерьер муҳитини ташкил этишнинг асосий факторлари билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асослари билан таништиради | Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асосларини билади |
| Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ҳақида тушунча беради | Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ҳақида тушунчага эга бўлади |
| Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатларини очиб беради | Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатларини билади |
| Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари билан таништиради | Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари ҳақидаги саволларга жавоб беради |
| Интерьер муҳитида эстетик талабларни тушунтиради | Интерьер муҳитида эстетик талабларни тушунади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эркин ёзиш* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Интерьер муҳитини ташкил этишнинг асосий факторлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Ўтилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун эркин ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Баъзи талабаларнинг эркин ёзишларини эшитади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Конспект дафтарларига ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова).<br>2.3. Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асослари билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ҳақида тушунча беради (5-илова).<br>2.5. Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатларини очиб беради (6-илова).<br>2.6. Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари билан таништиради (7-илова).<br>2.7. Интерьер муҳитида эстетик талабларни тушунтиради (8-илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (9-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**“Эркин ёзиш”**

Ўқитувчи талабаларга беш минут вақт давомида “Декоратив безак” ҳақида билганларини дафтарларига ёзишни сўрайди. Вақт тугагач, баъзи талабалардан ёзганларини ўқиб беришни сўрайди. Вақтдан ютиш учун

қолган талаблар аввал ўз ёзганларини ўқиб берган талабларникига ўхшамаган фикрларини айтишлари мумкин.

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1.Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асослари.
2.Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик.
3.Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатлари.
4.Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари.
5.Интерьер муҳитида эстетик талаблар.

**3-илова**

**Таянч иборалар**

Интерьерни лойиҳалаш, ички фазовий кенглик, интерьернинг ижтимоий жиҳатлари, экологик шарт-шароитлар, эстетик талаблар.

**4 илова**

**Интерьерни лойиҳалашнинг назарий асослари**

Ички фазовий кенгликни ташкил этиш масалалари ва интерьернинг шаклланишини тугаллаган архитектуравий композиция сифатида қатор талаблардан ажратиш мумкин эмас, чунки шу талабларнинг бажарилиши эвазигагина бу кенглик вужудга келтирилади. Катта маблағ ва кўп ҳажмли инсон меҳнатини талаб қиладиган қурилиш соҳаси ҳамиша маълум мақсадларни олдиндан кўзда тутади.

Оила ҳаёти кечадиган турар жой, ёш авлод шаклланадиган даргоҳ мактаб, хордиқ чиқариш ва маданият маскани бўлган театр ва клуб ва ниҳоят меҳнат қилиш жойи бўлган саноат бинолари ҳар сафар алоҳида кенгликнинг яратилишини талаб этади. Бу кенглик бинонинг бажарадиган вазифасига боғлиқ ҳолда,унинг ичида содир бўладиган жараёнларга мувофиқ равишда ҳосил қилинади.

Архитектурада қулайлик ва гўзаллик бир-биридан ажралмайдиган тушунчалар қаторига киради, шунининг учун ҳам ички кенгликни яратиш қўйилган топшириқнинг жиддий ўрганилишини, у ёки бу жараёнларнинг ўтказилишига боғлиқ равишда алоҳида бажариладиган барча талабларни ўрганишни, алоҳида хоналарни ўзаро боғланганлиги ва ҳаракатланиш графикларни ҳамда оптималь режим критерийларини пухта ва чуқур ўрганишни талаб етади. Фақат қўйилган саволни комплекс тарзда ечиш натижасидагина оптималь фазовий структурани топиш мумкин.

Хоналарнинг ўзаро боғлиқлиги, жиҳозлар ва уларни жойдлаштиришга доир саволлар, зарур бўлган кенгликнинг ўлчамлари ва шакли(формаси), ёритиш ва ақустика-буларнинг ҳаммаси илмий асосланган талаблар бўлиб, улар жамоат ва турар-жой биноларининг ҳар бир тури учун алоҳида қўйилади.

Қуёш нурларидан химоя килувчи панжаралар,акустик потолоклар, юқоридан ёруғликни ўтказишга мўлжалланган фонарлар, амфитеатрли залларнинг чизилиши(сиртқи чизиқлари) каби интерьернинг кўп сонли замонавий архитектуравий шакллари такомиллашган пластик ва фазовий бўлиб,улар тасодифан пайдо бўлмайди, балки у ёки бу жараён ўтказилишининг функционал талабларига жавоб тариқасида юзага келади.

Замонавий илмий билимлар орқали аниқланадиган хонанинг функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги унга биринчилар қаторида қўйиладиган энг муҳим ва албатта бажарилиши лозим бўлган талаблардан биридир.

Зарур бўлган фазовий кенгликни ва хоналарнинг параметрларини аниқлаш.Бунинг учун биноларда амалга ошириладиган жараёнларнинг алоҳида стадиялари ҳар томонлама таҳлил қилинади,жиҳозлар танланади ва уларни кенгликка жойлаштириш масалалари ечилади.

Жараённинг ўтказилиши учун зарур бўлган оптимал шароитларни яратиш.Бунинг учун микроиқлимга тегишли талаблар, ёруғлик ҳамда акустик комфортга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши, психологик мослашиш талаблари ва уларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш зарурдир.

Алоҳида хоналар ва хоналар гуруҳлари ўртасидаги функционал ўзаро боғлиқлик схемасини ечиш. Бунинг учун кенгликдаги ҳамма боғланишлар ва ҳаракатланиш графиклари ўрганилади, одамлар оқими ва зарур бўлган коммуникациялар аниқланади.

Хоналар системасини жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлик талабларига ва эстетик талабларга жавоб бера оладиган вариантларини аниқлаш. Бинолар композициясини танлаш ва уни ишлаб чиқиш учун асос бўлган хона параметрлари ва хоналар орасидаги боғликликлар схемаси айнан битта жараённи унинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда турли фазовий комбинацияларда ташкил этиш имкониятини беради.

**5 илова**

## Функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлик

Замонавий илмий билимлар орқали аниқланадиган хонанинг функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги унга биринчилар қаторида қўйиладиган энг муҳим ва албатта бажарилиши лозим бўлган талаблардан биридир. Ички фазовий кенгликка қўйиладиган бу мураккаб ва кўп сонли талабларни умумий ҳолда лойиҳалаш жараёнида кетма кет ечиладиган алоҳида савол ва масалалар қатори сифатида тасаввур қилиш мумкин. Архитектурада ички фазовий кенгликни яратиш у ёки бу жараённинг ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма алоҳида талабларнинг жиддий ўрганилиши, ҳаракатланиш графиклари ва алоҳида хоналарнинг ўзаро алоқадорликларини ўрганиш, мақбул мезонларни ўрганишни тақозо этилади.

Фақатгина комплекс саволлар ечимини топгандагина мақбул фазовий структура яратилиши мумкин.

Қатъий фунционал ечимли интерьернинг мисоли сифатида кутубхона интерьерини келтириш мумкин. Электроника институти кутубхонасининг ўқув зали жуда рационал ечимдаги интерьерга эга.Деразаларнинг бўлмаганлиги туфайли горизонтал йўналган қуёш нурлари хоналарнинг ичига тушмайди. Бу билан кўзни қамаштирувчи қуёш ёруғлиги ва китобларнинг ёниш эҳтимоли бартараф этилган. Деворлар периметри бўйлаб ва ўқув залининг ўртасида очиқ стеллажларнинг жойлашганлиги китобхонларнинг бемалол китоб олишлари учун қулайдир. Бу ерда табиий ёритиш системаси марказий фонарь шаклида ечилган бўлиб, у интерьернинг енг ёрқин характеристикаси ҳисобланади. Залнинг ўртасида китоб ўқиш, дарс қилиш учун столлар жойлаштирилган. Қуёш нурларидан ҳимояловчи панжаралар, акустик шифтлар, юқори қувватли фонарлар,амфитеатрли заллар каби интерьердаги замонавий архитектуравий шаклларнинг кўпчилиги пластик ва фазовий характеристикага эга ва улар эстетик таъсуротларнинг ифодаси сифатида тўсатдан пайдо бўлмайди,балки у ёки бу жараённинг ўтказилишига қўйиладиган функционал талабларга жавоб тариқасида ҳосил қилинди.Шундай қилиб, замонавий тасаввурлар мавқеи билан аниқланадиган функционал мақсадга мувофиқлик унга қўйиладиган бажарилиши лозим бўлган энг муҳим талаблардан биринчисидир.

**6 илова**

## Интерьер яратишнинг ижтимоий жиҳатлари

Турар жой ва жамоат биноларининг ички кенглигига қўйиладиган талаблар обьектнинг бажарадиган вазифасига,яъни унинг нимага мўлжалланганлиги билан аниқланади ва бу талаблар доимий ёки ўзгармас деб ҳисобланилмайди.Бу талаблар бутун тарих давомида объектларнинг ижтимоий моҳиятининг ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради ва янги талаблар билан тўлдирила борди.

Объектнинг нимага мўлжалланганлиги ёки объектнинг бажарадиган вазифалари орқали аниқланадиган турар жой ва жамоат биноларининг ички кенглигига қўйиладиган талаблар ҳамма вақт ҳам доимий бўлавермайди.Улар объектнинг ижтимоий моҳиятига боғлиқ равишда вақт ўтиши билан ўзгаради ва янги талаблар билан тўлдирилади. У ёки бу жараёнларнингбажарилишини таъминлаш ва маълум комфортни яратишга қодир бўлган ички кенглик жамият ривожининг иқтисодий ва моддий техник даражасига тўғридан тўғри боғлиқдир. Ижтимоий талаблар ички кенгликнинг муҳим ташкил этувчиларини аниқлаб беради. Ички кенгликка қўйиладиган амалий талаблар объектнинг ижтимоий жиҳатлари билан ҳам узвий боғлангандир. Шунинг учун ҳам антик уй ва ўрта асрлар саройи, хориждаги замонавий турар жой уйлари ва биздаги жамоавий турар жой уйлари бир биридан кескин фарқ қилади. Демак, халқ турмуш даражасининг маънавий ва моддий жиҳатдан ўсиб боришига мувофиқ равишда турар жой уйлари ҳам

такомиллашиб бораверади. Шундай қилиб, турар жойга қўйиладиган амалий талаблар бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилувчиларнинг ижтимоий моҳияти ва турмуш тарзини акс эттириб беради.

XIX аср охирлари XX аср бошларида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши,фан,техника ва жамият ҳаётидаги умумий тараққиёт,халқаро ҳамда ички ижтимоий алоқаларнинг янада ортиши биноларнинг янги типларини яратишни талаб этади, шунингдек, янги хил ва мураккаб ҳаётий талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ташкилий муҳитни яратиш долзарб масалалардан бирига айланди. Майда растали савдо қаторлари ўрнига турли бўлимларни бирлаштирган, кенг фазовий кенгликка эга дўконлар, йирик савдо фмрмалари вужудга келди. Халқаро кўргазмаларнинг йирик заллари,темир йўл вокзаллари, ёпиқ бозорлар каби йирик иқтисодий талабларга жавоб берадиган иншоотлар барпо етилди.

Ягона фазовий кенглик ва эркин режа(план) принциплари XX асрнинг илғор архитекторлари томонидан ишлаб чиқилди ва улар бу принципларни ўзларининг лойиҳаларда амалга оширишга уринишди. Қатьий чегараланган алоҳида хоналар ва жойлар ўрнига ягона узлуксиз фазовий кенгликни яратиш архитектуранингетакчи принципларидан бири ҳисобланади.Бу принципга кўра кенгликнинг изоляция қилиниши фақат зарур бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Фақат шу принципга асосланган ягона фазовий кенглик орқалигина горизонталь йўналишда бўлгани каби вертикал йўналишда ҳам хоналардан хоналарга эркин ўтишни таьминлаш мумкин. Табиатга, майдонга, шахарга кенг очиқ ҳолларда фазовий кенглик, ташқи мухитдан ажратилган, ёриқ хоналардан фарқли ўлароқ жамоат бинолари архитектурасиниг энг умумий характеристикаси ҳисобланади. Турар-жой ва жамоат биноларинииг интерьерининг ижтимоий асослари ўзининг саволлар доирасига иқтисодий масалаларни ҳам киритади.

Кенг маънода иқтисодий муаммо жамиятнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари билан характерланади, бунда асосий мақсад инсон ҳаётининг фаровон бўлиши учун барча қулайликларни яратиш, бош мақсад эса инсон ҳақида қайғуришдир.

**7 илова**

## Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитлари

Иқлимий ва табиий шароитлар, ландшафт шунингдек шаҳарсозлик концепцияси ҳам ички кенгликнинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, баъзан эса улар ҳамма талаблар ичида ҳал қилувчи талабга айланади.Қурилиш жойининг мавжуд шароитлари интерьер шаклланишининг аниқловчи асосларидан бири сифатида кўриб чиқилиши лозим.Иқлим қатор вазиятларда интерьернинг шаклланишида ҳал қилувчи фактор бўлади, айниқса чекка Шимол ёки Жанубда у катта аҳамият касб этади,чунки бу ҳудуддаги оптимал шароитларни таъминлайдиган сунъий микроиқлим яратилиши орқали яратиладиган қулай шароитлардан кескин

фарқ қилади. Чекка Шимол районларида доимий музлик бўлиб, Норильск, Якутскда ва бошқа жойларда ҳарорат 60Сгача етади, шамол тезлиги 5м/сек. ва ундан юқори бўлади, шунинг учун яшаш комплексларнинг максимал компактли бўлиши, жамоат биноларининг яшаш жойларига яқинлаштирилиши, уларни бир ҳажмда бирлаштириш орқали битта ёпилма остида ташкил этиш ёки ҳеч бўлмаганда галереялар бўйича жамоат биноларига ёйилиб боришини таъминлаш талаб этилади. Бу галареялар одамларнинг 50 60 С совуқда кўчага чиқмасликларини таъминлайди.
Узоқ қиш ойларида қор остида яшириниб ётган бир зумлик шимол ўсимликлари инсонга жанубдаги табиатдек ижобий таъсир кўрсата олмайди.Бу масала интерьерда сунъий ландшафтни яратиш, табиат бурчакларини ҳосил қилиш билан ўз ечимига эга бўлади.

Жануб шароитларидаги қурилиш ҳам ўз талабларидан ҳоли эмас, бу талаблар ичида тўғридан тўғри тушадиган қуёш нурларидан ва радиациядан ҳимояланиш энг муҳимларидир, шунингдек ҳароратни пасайтириш мақсадида шамоллатишнинг зарурлиги ҳам жуда долзарбдир. Интерьерни шакллантирадиган етарли даражада ёруғ ва ёрқин бўлишини ҳамда кўркамликни таъминлайдиган жалюзалар ва махсус қуёшдан ҳимоялайдиган панжаралар мавжуд.Жанубда ички кенгликни ташкил этишнинганъанавий ечимлардан бири ўз атрофида алоҳида хоналарни ташкил этувчи ҳовли бўлиб, у шамоллатиш ва қуёшдан яхши ҳимояланишга яхши шароит яратади.Ҳозирги замон архитекторлари бу муаммоларнинг ечимини топмоқдалар. Масалан, ички кенгликка тўғри тушадиган қуёш нурларидан ва юқори ҳароратдан тўлиқ ҳимоялаш мумкин. Шамоллатиш учун махсус қурилмалар,ёритиш учун эса нурларни қайтарувчи махсус мосламалар қўлланилмоқда.

Бинолар интерьерида табиий элементлардан фойдаланиш интерьерни кўркамлаштириш, гўзаллаштиришнинг энг кучли воситаларидан биридир.Мовий осмоннинг, тошқин дарё соҳиллари, яшил ўтлоқлар, адирлар ва салобатли тоғлар, ўсимликлар ва гулларга бурканган тоғ ён бағирлари, дераза олдида гуллаб турган дарахт ва шу каби жонли алоқаларнинг ичкарига кириб бориши табиатнинг бундай яқинлашуви инсонга маълум ижобий эмоцияни туҳфа этади, кайфиятини ва руҳиятини кўтаради. Хоналарнинг табиат ва шаҳар пейзажига очиқ турган кўриниши интерьернинг органик қисмига айланмоқда.

Табиатни бино ичига олиб киришнинг композицион воситаси бўлган ички ҳовли ички ва ташқи кенгликни бирлаштиради.Бунда ҳовли пропорцияси ҳамда унинг яшил ўсимликлар билан тўлдирилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

**8 илова**

## Интерьер муҳитида эстетик талаблар

Ички кенгликка ва унинг интерьерига қўйиладиган эстетик ва манъавий талаблар ҳам амалий талаблардан узилмаган ҳолда у билан биргаликда вужудга келади ва ривожланиб боради. Ғорлардаги турли туман тасвирлар, ўрта аср саройидаги ажойиб безаклар инсоннинг ҳамиша ўзини қуршаб олган гўзаллик ҳақида қайғурганлигини ва уни эъзозлаганлигини кўрсатади.

Бадиий тушунчалар қурилиш соҳасида турар жойларнинг типиклашуви, унинг ташқи муҳитдан ажралиб қолиши, массивли деворларнинг оғирлиги, индустриал уй қурилишининг монотонлиги ва бир хиллиги каби зиддиятларни бартараф этиш билан уйғунликка интилиб, ривожлана бошлади.

Бадиий воситалар ичида санъатнинг декоратив-амалий турлари энг кучли таъсир кўрсатишга қодирдир. Фазовий кенгликнинг эмоциональ тўлдирилганлигига эришиш учун тасвирий воситаларнинг қўлланилиши зарур бўлади. Монументал рангтасвирдан панно, тасвирлар сифатида фойдаланишда такт, меъёрни ушлашга риоя қилиш, алоҳида асарларнинг энг яхши жойлашиш вариантларини танлаш талаб этилади.

Интерьернинг безатилишида архитектура, рангтасвир, скульптура графиканинг ўзаро алоқадорлиги гармониянинг қонуниятларига асосланади, интерьернинг безатилиши эса унинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади.

Қадимги керамика энг оммабоп бўлиб қолаверади. Бу – декоратив тақсимчалар, панно, ҳажмли скульптуралар ва рельефларнинг ҳамда вазалар, коса-товоқлар, гул туваклар, кашно, утварьларнинг декоратив безак сифатида интерьер фазовий кенглигига қўйилишидир. Замонавий интерьерларда ёғочдан ишланган буюмлар кенг қўлланилмоқда – бундай буюмларга пардеворлар, деворлар, панно, мебель, плафонлар киради. Ёғочнинг қайта ишланиш имкониятлари турличадир: куйдириш, ўйиш, силлиқлаш, локлаш, турли лак-бўёқли таркиблар билан бўяш. Интерьердаги алоҳида шинамликни мато яратади. Уни гобеленлар, пардалар, шторлар, гиламли йўлакчалар, мебель қопламалари кўринишида интерьерга киритиш мумкин.

Кенг ойнали оралиқларни ёпиш учун ва умуман бутунлай бир томонни қоплайдиган пардалар кенг қўлланилмоқда. Томоша залини безайдиган саҳнадаги парда марказий ролни бажаради. Алоҳида тасвирий асарлар интерьерли муҳитда янада кенг қўлланилмоқда. Уларнинг табақаларини танлашда фазовий кенглик билан мос ўлчамларини эътиборга олиш жуда зарурдир. Яшаш муҳитида – меҳмонхоналар, квартиралар, ётоқхоналар, дам олиш уйларида – эстамплар, литографиялар, офортлар ҳамда оринал акварелли расмларнинг қўлланилиши жуда ўринлидир. Яшаш бурчагига гулдасталардан ясалган ишланмалар бетакрор ҳусн бағишлайди.

**9 илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Ички фазовий кенглик деганда нимани тушунасиз?
2. Архитектурада қулайлик ва гўзаллик тамойилига риоя қилиш қандай амалга оширилади?
3. Хонанинг функционал жиҳати нима?
4. Бинолар композициясини танлаш жараёнида нималарга эътибор қаратиш керак?
5. Кутубхона интерьери қандай бўлиши керак?
6. Объектнинг нимага мўлжалланганлиги ёки объектнинг бажарадиган вазифалари орқали аниқланадиган турар жой ва жамоат биноларининг ички кенглигига қандай талаблар қўйилади?
7. Ягона фазовий кенглик ва эркин режа принциплари нечанчи асрда ишлаб чиқилди? Бу принциплар ҳақида гапириб беринг.
8. Интерьерли муҳитнинг экологик шарт шароитларини санаб беринг.
9. Ички кенгликка ва унинг интерьерига қандай эстетик ва манъавий талаблар қўйилади?

| 4-МАВЗУ | ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 60 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли.<br>2.Фазовий структурасини шакллантириш принциплари.<br>3. Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш.<br>4.Жамоат бинолари умумий тарҳий элементлари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни жамоат бинолари интерьери билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли ҳақида гапириб беради | Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли ҳақидаги саволларга ижодий ёндошиб жавоб беради |
| Фазовий структурасини шакллантириш принципларини тушунтиради | Фазовий структурасини шакллантириш принципларини тушунади |
| Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш ҳақида билим беради | Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш ҳақида янги билимларга эга бўлади |
| Жамоат бинолари умумий тарҳий элементларини тушунтиради | Жамоат бинолари умумий тарҳий элементларини тушунади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, синквейн* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Жамоат бинолари интерьери” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “жамоат бинолари” сўзига “Синквейн” тузиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Баъзи талабаларнинг “Синквейни” эшитилади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Конспект дафтарларига ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Таянч иборалар билан таништириш (3-илова).<br>2.3. Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли ҳақида гапириб беради (4-илова).<br>2.4. Фазовий структурасини шакллантириш принципларини тушунтиради (5-илова).<br>2.5. Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш ҳақида билим беради (6-илова).<br>2.6. Жамоат бинолари умумий тарҳий элементларини тушунтиради (7-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (8-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**“Жамоат бинолар” сўзига “Синквейн” намунаси**

1. Иншоот
2. Кўп қаватли
3. Ҳар хил турда бўлади
4. Самарали меҳнат жараёнини амалга ошириш учун зарур
5. Бино

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1.Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли.
2.Фазовий структурасини шакллантириш принциплари.
3. Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш.
4.Жамоат бинолари умумий тарҳий элементлари.

**3-илова**

**Таянч иборалар**

Жамоат бинолари, шаҳарсозлик, фазовий структура, ички муҳит, тарҳий элемент.

**4 илова**

## Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли

Жамоат бинолари ва унинг мажмуалари сунъий яратилган муҳит бўлиб,бир ёки бир неча жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлган инсоннинг ҳаётий фаолиятини ўтказишга мўлжалланган. Жамоат бино ва иншоотларининг энг асосий омили унинг ҳажмий режалаштирилиши асосини инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида жамиятга хизмат қилишига эришишдан иборат.Шунинг учун ҳам,жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда турли хилдаги комплекс омилларни ҳисобга олиш керак бўлади. Булар: ижтимоий,шаҳарсозлик, табиий иқлимий, миллий маиший, конструктив, физик техникавий, иқтисодий, архитектуравий бадиий ва бошқалардир.

Асосий омил эса унинг инсонга хизматидир. Инсон турмуш тарзининг беқиёс даражада ўсиб бориши техник жараёнларнинг активлиги билан боғлиқлиги натижаси ўлароқ функционал технологик жараёнлар ҳам жамоат биноларининг янгидан янги турларини яратишни тақозо этади.

Жамоат бинолари шаҳар композицион структурасини ташкил этишда асосий роль ўйнайди.Шаҳар маркази ва шаҳар туманлари марказлари асосан жамоат биноларидан тузилади. Жамоат бинолари тарҳий ва функционал жиҳатдан шаҳар майдонлари, кўчалари ва транспорт магистраллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Жамоат бинолари шаҳар чиройига кўрк бағишлайди. Жамоат биноларини очиқ ёки айланасимон майдонларда ягона доминанта қилиб лойиҳаланади ёки майдон юзасида бутун бир ансамбль сифатида намоён бўлади. Жамоат биноларини шаҳар шароитида табиат билан боғланган ҳолда лойиҳалашга ҳаракат қилинади, масалан уларни тепалик жойларга, сув ҳавзалари бўйиларига ва парк массивларига яқин жойлаштирилади. Жамоат биноларига кўп сонли аҳоли бир вақтнинг ўзида

ташриф буюриши мумкин. Шунинг учун транспорт коммуникациясига ва одамлар оқимига қулай шароит яратиш лозим.

**5 илова**

## Фазовий структурасини шакллантириш принциплари

Жамоат бинолари турар-жой биноларидан фарқли ўлароқ интерьерни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларига эга. Бу жиҳатлар ва қонуниятлар жамоат биноларининг бир вақтда кўп сонли одамлар жамоасига хизмат кўрсатишга мўлжаллланганлиги билан шарт-шароитланади. Жамоат биноларида турар-жой биноларига қараганда (нисбатан) катта майдонга (юзага) эга бўлган хоналар (жойлар) талаб қилинади ва улар мураккаб конфигурацияга эга бўлади ҳамда мураккаб жиҳозлар ва мебеллар билан жиҳозланади.

Ёш авлод шакллантирадиган мактаб; дам олиш ва ҳордиқ чиқариш маскани ҳамда маданият ўчоғи бўлган театр ва клуб; меҳнат қилиш ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат бинолари каби жамоат биноларининг ҳар бири алоҳида фазовий кенгликни талаб этади. Функциональ жиҳатдан мўлжаллланганлигига боғлиқ равишда улардаги хона ва жойларнинг интерьерлари энг оддий не притязальныхдан тортиб то энг ёрқин помпезли йиғилмада тебраниши мумкин. Ички фазовий кенгликни ташкил этиш ва интерьерни шакллантириш масалалари тугалланган архитектуравий композиция сифатида бу кенгликни ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳатлар ва талабларнинг узвий боғлиқлиги ечилади.

1. Ички фазовий кенглик система сифатида лойиҳалаш.

Жамоат биноларининг интерьерини яратиш ички фазовий кенгликни шакллантиришдан, унинг ўлчамларини, шаклларини, қисмларининг нисбатини,қисмларга ажратиш характери, очилиш принциплари ва шунга ўхшашларни аниқлашдан бошланади. Фазовий кенглик инсонда – эркинлик ёки торлик, хотиржамлик ёки юкланганлик, шодлик ёки ғамгинликнинг ҳис қилиниши билан қулайлик, шинамликнинг яратилиши билан ҳал қилинади. Бунда мураккаблик янгидан ҳосил қилинадиган хаётий муҳитнинг шарт-шароитланганлиги ва ўзаро боғлиқлар ва алоқадорликларнинг кўп сонлилиги билан изоҳланади. Жамоат биносининг у ёки бу типининг интерьерини шакллантириш масаласини фақат тизимли (системали) ёндашиш асосида ечиш мумкин. Тизимли ёндашиш биринчидан объектни ҳар томонлама баҳолаш, иккинчидан интерьерни бинонинг архитектуравий қисми деб қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ташкил этилган фазовий кенгликнинг нафақат ички, балки ташқи қисми сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

2. Фазовий кенгликни қуришнинг усуллари ва принциплари.

Жамоат биноларининг ички фазовий кенглигини ташкил этиш системаси ўзининг ривожланишида кенгликни шакллантирувчи композицион қонуниятларга асосланади. Композиция қуришнинг тартиби, принципи сифатида айнан фазовий кенгликнинг ривожланишини инсоннинг биологик,

психофизиологик ва эститик эҳтиёжларига мувофиқ равишда олдиндан башорат қилади, белгилайди ва аниқлаб беради.

Жамоат бинолари қурилишининг кўп асрлик амалиёти қатор композицион усулларни тўплади ва улардан қуйидагилар замонавий амалиётда ҳам кенг қўлланилади: ўқ бўйлаб компоновка қилинадиган ва эни бўйлаб ривожланадиган фазовий кенглик; фронталь қурилган фазовий кенглик, бунда бу кенглик ўзининг ташқи муҳитга (томонга) кенг очиладиган ва фронт бўйлаб анча узунликка эга бўлиши билан характерланади; марказий ядро атрофида концентрик ривожланадиган фазовий кенглик; вертикаль бўйича ривожланадиган ва ниҳоят, геометрия билан эмас, балки жараён ва атрофдаги табиат (табиий муҳит) моҳияти билан шарт-шароитланадиган мураккаблашган фазовий кенглик. Ички фазовий кенгликни қуриш табиатини ўрнатадиган бу принциплар интерьерни ташкил этишнинг фазовий асоси деб ҳисобланади.

Ичкарига томон (хоналарнинг эни бўйича) ривожланадиган фазовий кенглик.

Бундай фазовий кенглик ўқли қуриш давомийлигидаги узунлик, бош ўқ йўналишида очилиб бориш ва ниҳоят характерли шаклни белгилайдиган конструкциялар билан характерланади. Замонавий шароитларда, юқорида таъкидланган характеристикалардан бири билан ифодаланадиган интерьерни бундай қуриш ўзининг асосига ва ривожига эга бўлди. Театр ва кинода фазовий кенгликни яратиш ғояси шундан иборатки, унда томошабинлар саҳна ёки экранда нима рўй бераётган бўлса фақат ўшани аниқ кўришлари лозим бўлади. Кўриш талаблари залнинг бўйи ва эни ҳамда балконнинг кўриниши билан аниқланади.

Энг кенг қўлланиладиган схемада театрнинг ҳамма элементлари ва барча асосий хоналари – вестибюль, фойе, зал, саҳна ўқ бўйича қурилади.Фазовий кенглик экран ёки саҳна билан якунланадиган ўлчамлар бўйича изчил ривожланади. Бундай вазиятда фазовий кенгликни ўқли қуриш усули жараённи ўтказишнинг функциональ талаблари ва алоҳида хоналар орасида боғланишлар билан шарт-шароитланади.

Фронталь ривожланадиган фазовий кенглик фронталь қурилган фазовий кенгликни яъни кўндаланг ўқ бўйлаб изчил давом этадиган фазовий кенгликни кенг фронти билан ташқи муҳитга қаратилган ва очиқ кўриниб турадиган, атрофдаги табиий муҳит билан характерлаш мумкин. Бундай типдаги фазовий кенгликэнг катта даражада кўплаб жамоат биноларининг талабларига жавоб беради. Бунга кўча ёки майдонга қаратиб очиладиган замонавий дўконлар мисол бўла олади. Бу борада вокзаллар ва аэровокзалларнинг бир қанчаси характерли бўлиб, уларда операцион зал ва кутиш заллари шаҳарга кутиб олиш мақсадида қаратилган бўлади. Фронталь композиция турли функцияларни етарли даражада фазовий кенгликка бириктириш ва аҳамияти бўйича ҳар хил хоналарни битта фазовий кенгликка киритиши мумкин.

Концентрик ривожланадиган фазовий кенглик. Бош ядро атрофида фазовий кенгликни концентрик қуриш етакчи принцип сифатида замонавий архитектурада энг ривожланган композиция деб ҳисобланади.

Бу ерда иккита тенденцияни иккита йўналишни кузатиш мумкин – бу ёпиқ, ташқи муҳитдан изоляция қилинган фазовий кенглик ва аксинча, периметри бўйича перифериядан бошлаб марказгача ёки марказдан бошлаб перифериягача ривожланиб, кенг очиладиган фазовий кенглик.

Марказ томон ривожланиб борадиган ёпиқ фазовий кенгликка мисол тариқасида Баккарди фирмасининг юқоридан ёритиладиган ойнали марказий фазовий кенгликка эга бўлган биносини келтириш мумкин, бу фазовий кенглик ўзига гардероб ва кутиш зали функциясини ўзида мужассамлайди, шунингдек, ўриндиқлари майдонга ва аренага қаратилган стадион ва цирк каби кенг тарқалган иншоотларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай ечимлар локалли жараённи ўтказишнинг функциональ талабларига жавоб сифатидаюзага келади ва шунинг учун мантиқий жиҳатдан тушунарли элементар қуришлар деб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда холлнинг, томоша залининг ёки ички ҳовлининг марказий фазовий кенглиги ўзининг атрофида бошқа хоналарни жамлайдиган бош элемент сифатида бутун фазовий кенгликни ташкил этишнинг кучли композицион бошланиши бўлиши мумкин. Қуёш нурлари тушадиган дарахтлар ва бассейнга эга бўлган ҳовли, галереиялар қуршовидаги икки рангли холл, томоша зали аҳамияти ва ўлчамларига кўра йирик бўлган бу хоналарнинг ва жойларнинг ҳаммаси ўз атрофига қолганларини тўпловчи интерьернинг асосий фазовий кенглиги бўлиши мумкин.

Фазовий кенгликнинг эркин қурилиши.

“Эркин режа” тушунчаси ўзида ҳеч бир тартибсизлик ва хаотикликни намоён этмайди. Эркин фазовий кенгликнинг қурилишида ва ривожланиши замирида яширин, юзага чиқмаган, лекин баъзида маълум бўладиган ва нозик, мавжуд бўлган анча муҳим боғланишлар (алоқалар) ётади. Бундай фазовий кенгликни қуришда эркин фазонинг маълум улуши шундаки, авваломбор, бу эркин фазовий кенглик ўзининг қурилишида қатъий геометрик, берилган параметрларга боғламайди. Фазовий кенгликнинг қурилишнинг регулярли ва эркин усуллари орасида аниқ ажратиш чегаралари мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда фазовий кенглик қурилишининг эркинлигига йўналтирилган тенденция бутун объект композицион қурилишининг етакчи мотивларидан бири бўлиб ҳисобланади. Берлиндаги концерт залида (арх. Шарун) ҳажмий-лойиҳавий композициянинг эркинлиги ҳеч қандай изчилсизликка эга бўлмаган ҳолда асосий хажмларнинг рангли тасвирда (жонли тасвирли, живописли) ифода этилган. Бу ерда композиция маркази бўлиб зал хизмат қилади, унинг атрофида одамларнинг эркин тарзда ўрнатилган кенг зинапоя бўйича харакатланиши кўзда тутилган. Томошабинларнинг бош оқимини йўналтириб ва бунда бош фазовий кенгликнинг етакчи аҳамиятини сақлаган

ҳолда архитектор бундай жонлитасвир ва эркинликнинг кўринмас тартибини яратади.

Мураккаб фазовий кенглик.

Кўплаб объектлар, масалан, театрлар, кинотеатрлар, музейлар ва шунга ўхшаш бўлган жамоат бинолари ҳам анча мураккаб ҳажмий-фазовий композицияларда ячилиши мумкин, бу ерда у ёки бу фазовий кенглик принципларининг ечимлари бир-бири билан уйғунлашади ва бундай ҳолларда усулнинг мураккаблиги улардан бирининг етакчилик ҳолати билан ифодаланади, бунда бир вақтнинг ўзида қолганлари етакчилик қилаётган принципнинг режавий структурасига бўйсунади.

Фазовий кенгликнинг бундай мураккаб қурилишига архитектор Ле Корбюзьенинг “Центросоюз” биноси мисол бўла олади. Бу ерда фазовий кенгликнинг ўқ асосида ва фронталли асосда қурилганлигини пайқаш қийин эмас. Бу ерда режанинг тузилишидаги эркинлик айниқса характерлидир. “Эркин” фазо бир хонадан (жойдан) бошқасига “оқиб” ўтади. Лойиҳалаш амалиётида баъзан ягона умумий масала – ягона фазовий кенглик ва қатор изоляцияланган (ёпиқ) фазовий кенгликларни компоновка қилиш масаласи юзага келади.

Фазовий кенгликнинг бу икки типини бино ҳажмида компоновкалаш асосан қуйида кўрсатилган ташкил этиш схемалари бўйича ечилади:

А) уларни ҳар хил ҳажмларга жойлаштириш. Бу усул изоляцияланган фазовий кенгликларнинг кўп сонлиги, уларнинг маълум мустақиллиги, уларнинг асосий жамоавий кенгликка боғлиқ бўлмаганлиги билан характерланадиган ҳоллардагина рациональ деб ҳисобланади;

В) битта, иккита, уч ва тўрт томонлама ёруғлик фронтидан фойдаланган ҳолдабош жамоат фазовий кенглигининг периметри бўйлаб кичик (майда) изоляцияланган хоналарни жойлаштириш. Асосий фазовий кенглик катта баландликка эга бўлганда изоляция қилинган хоналарни икки , уч ва ундан юқори бўлган қаватларга ҳам жойлаштириш мумкин;

Б) қаватлар бўйича жойлаштириш. Бундай ечим тантанавор бош қаватни унинг катта аҳамиятга эга бўлган кўркамлигини таъминлаш талабларига боғлиқ равишда ажратиб кўрсатиш зарур бўлган вазиятларда ва қурилиш участкасининг кичик юзали майдонга эга бўлиши туфайли компактликни таъминлаш талабларига боғлиқ бўлган вазиятларда юзага келади;

Г) изоляцияланган ҳажмни ёки бундай ҳажмларнинг гуруҳини битта иншоотнинг бирлаштирувчи ягона катта фазовий кенглигига эркин тарзда жойлаштириш (қўйиш). Ягона очиқ фазовий кенгликни изоляция қилинган алоҳида хоналар билан уйғунлаштиришни таъминлайдиган танланган усул изчил тугалланган мантиқий усул бўлиб, у интерьер қурилишининг пухталиги ва қонуниятини шарт-шароитлайди.

**6 илова**

## Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этиш

Жамоат бинолари ўзининг ҳажмига кўра қурилишнинг бошқа турлари ўртасида энг оммавий тур ҳисобланади.Улар инсон ҳаёти фаолиятининг турли томонларини қондиришга мўлжалланган объект сифатида миқдори жиҳатдан ҳам, хизмат кўрсатиш турлари бўйича ҳам, кўп асрлардан буён ривожланиб келмоқда. Жамоат биноларининг тарҳий ва ҳажмий муҳитининг ечимлари турли тумандир. Улар кўплаб факторлар орқали аниқланади: функционал талаблари ва сиғимига, шаҳарсозлик талабларига, иқлими ва миллий жиҳатларига.Жамоат биноларига қўйиладиган асосий талаблардан бири бу бинонинг маълум бир функцияга эгалигидир. Бинонинг хоналари сони, уларнинг параметрлари, бино архитектуравий композицияси ана шу функциядан келиб чиқади. Биноларда ўтадиган функционал жараёнлар турли тумандир. Ҳар бир жамоат биносининг асосий ва иккинчи даражали жараёнлари бўлади. Масалан,ўқув биноларида асосий жараён ўқув жараёни,иккинчи даражали эса умумий овқатланиш, боғча яслиларда эса асосий жараён болалар тарбияси, иккинчи даражали эса овқат тайёрлаш,кирларни ювиш ва қуритишдир. Жамоат биноларининг баъзи турларида бир қанча асосий жараёнлар бирга келиши мумкин, масалан, театрларда ва клубларда.

Жамоат биноларининг хоналари ўзаро алоқаси схемаси ҳар бир тур учун алоҳида бўлади. Композицион тарҳнинг асосини бош хоналар ядроси ва атрофида иккинчи даражали элементлар гуруҳидан ташкил топган структуравий тугунлар (вестибюль гуруҳи,вертикал ва горизонтал коммуникациялар)дан иборат. Жамоат бинолари турли туман бўлсада,уларнинг ҳажмий тарҳий ечимлари бир неча схемаларга бўлинади:ячейкали(катакли), анфиладли, залли, павильонли ва аралаш.

Ячейкали схемага коридор атрофида гуруҳланадиган бир ҳил хоналардан иборат бўлган биноларга айтилади. Масалан, ўқув ва маъмурий бинолар,шифохона ва поликлиника, оромгоҳлари ва ҳ.

Аралаш схемага юқоридаги турли схемалардан ташкил топган бинолар киради. Масалан, маданият саройлари, катта кутубхоналар ва савдо марказлари ва ҳ.к.

**7 илова**

## Жамоат бинолари умумий тарҳий элементлари

Ҳар бир жамоат биноси тегишли вазифаларни бажариш учун мўлжалланган асосий хоналар (мактабда синфлар, институтда аудиториялар, театрда томоша заллари, супермаркетларда савдо заллари ва ҳ.)га эга бўлади. Асосий хоналардан ташқари,ҳар бир жамоат биноси ёрдамчи хоналар (вестибюллар, фойе, коридорлар, зинапоялар ва бошқаларга)га ҳам эга бўлади.Алоҳида асосий ва ёрдамчи хоналарни жамоат биноларининг элементлари деб номлаш қабул қилинган. Жамоат биноларининг кўплигига

ва турли туманлигига қарамай,уларнинг барчаси кўплаб бир турдаги хоналарга эга бўлади, бу бир турдаги хоналар уларни умумлаштириш,гуруҳларга бўлиш, уларга умумий характеристика бериш ва лойиҳалашнинг асосий талаблари ва жиҳатларини белгилаш имкониятини беради.

Асосий хоналар уларнинг сонига ва бажариш вазифаларининг турли туманлигига боғлиқ равишда кўпроқ қизиқиш уйғотадиган,катта миқдорда ташриф буюрувчиларни сиғдирадиган катта ўлчамли заллардир.

Вестибюллар жамоат биносини ташқи муҳит билан боғлайдиган хона вестибюл деб айтилади. Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари,ишчи ва хизматчилари хамда томоша муассасаларига ташриф буюрадиганлар ёки томошабинлар ишчи хоналарга ва томоша залларига вестибюл орқали ўтишади. Вестибюл жамоат биносининг биринчи хонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг аҳамияти, архитектуравий жиҳатлари ҳақида маълумот беради. Шунинг учун вестибюл интерьери кўркам, тантанали кўринишга эга бўлиши лозим. Ташриф буюрувчиларнинг ҳаракат қўйилади. Айниқса, бундай талаблар томоша муассасаларининг вестибюлларига кўпроқ тааллуқлидир, чунки бу ерда бир вақтда томошабинларнинг катта оқимлари ҳаракатланиб, бунда бу ҳаракатга қарши ва унга кесишувчи оқимларнинг юзага келишига йўл қўймаслик тақозо этилади.Қор ва ёмғирдан ҳимояланиш мақсадида вестибюлга кириш жойида козирёк ёки айвоннинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим.

Фойе кулуарлар. Томоша ёки кино сеанси бошланишини кутиш ва танаффус пайтида дам олишга мўлжалланган жойлар фойе деб аталади.

Фойе бевосита томоша зали олдига жойлаштирилади ва зал билан қулай,тўғридан тўғри боғланишга эга бўлиши лозим.Иккинчи томондан фойе вестибюл билан боғланган бўлиши лозим. Фойе катта хона (зал)ни ўзида мужассамлаштириб, у диванлар, креслолар, стул ва журналлар қўйиладиган столлар билан жиҳозланган бўлади ва ундан сокин дам олиш жойлари ва антракт пайтида фаол дам олиш учун эркин айланадиган майдон кўзда тутилиши лозим.

Фойега тантанаворлик бериш учун етарли даражада зарур бўлган баландликни, уни устунлар билан девор ва

Шифтлардаги тасвирлар, ҳайкалтарошлик ва бошқа бадиий безак воситалари билан пардозлашни кўзда тутиш керак.

Кулуарлар. Фойенинг кенг коридор кўринишида зални қуршаб оладиган қисмига кулуарлар деб аталади. Улар томоша залларида ,жамоавий мажлис залларида ва конференция залларида қўлланилади. Кулуарлар ҳам худди фойелар каби хизмат кўрсатиш хоналарига (буфет,ҳожатхона ва х.)эга бўлади. Шундай қилиб, кулуарлар ва фойеларнинг вазифаси ўхшашдир.Улар фақат ўз шакли (фойе зал шаклида, кулуарлар эса коридор шаклида бўлади)ва жойлашиши

(кулуарлар бевосита зални қуршаб олади) билан бир биридан фарқланади.

Горизонтал ва вертикал боғланиш жойлари. Горизонтал (коридорлар,галереялар) ва вертикал (зинапоялар, лифтлар, экскалаторлар) боғланиш воситалари жамоат биноларидаги турли вазифаларни ўтовчи хоналар ва жойларни ўзаро

Боғлашга мўлжалланади. Коридорнинг энг узоқ нуқтасидан (эшигидан) зинапоя ёки лифтгача бўлган масофа 25 метрдан ошмаслиги лозим.

Галереялар. Иссиқ иқлимли, кун қисқароқ ва иссиқ давр кўпроқ давом этадиган мамлакатларда горизонтал боғланиш воситалари сифатида галереялар қўлланилади. Уларга қўйиладиган талаблар зинапоягача бўлган масофанинг нисбатан кенглигидадир.

Зинапоялар.Энг кўп қўлланиладиган зинапоя турлари:икки маршли, ва уч маршли зинапоялар. Зинапояларни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Зинапоя майдончаси маршнинг энидан кам бўлмаслиги лозим.
2. Ўртадаги маршнинг эни ён томондаги маршлар энининг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.
3. Маршдаги зиналарнинг сони 3тадан кам,18 тадан кўп бўлмаслиги лозим.
4. Маршнинг оғмалиги 1:2 нисбатда бўлиши керак.
5. Зиналарнинг ўлчами 15 30 см, тўсиқ баландлиги 90 см бўлиши лозим. Қутқариш ва хизмат кўрсатувчи зинапояларни фақат ёпиқ (панжарали, тўсиқли)ҳолатда лойиҳалаш тавсия этилади.

Нишабли йўлаклар зинапояларга нисбатан кўтарилишни анча енгиллаштиради, лекин зинапояларга қараганда 3 4 марта кўп майдонни эгаллайди, мутаносиб равишда қурилиш ишларини қимматлаштиради.

Экскалаторлар. Экскалаторлар ўтказувчанлик қобилияти бўйича зинапоялар,оғма йўлаклар ва лифтларга нисбатан анча самаралироқдир. Шунинг учун доимий равишда одамлар мавжуд бўлган бино ва иншоотларда кенг қўлланилади.

Санитария узеллари (бўғинлари) деб, санитария гигиена вазифаларини бажарувчи ва битта мажмуага бирлашувчи хоналар гуруҳига айтилади: ҳожатхона, ювиниш хонаси, душ хонаси). Санитария узеллари бино ёки иншоотнинг комфортли, тоза, озода шароитли доимий қисми ҳисобланади. Санитария узеллари табиий ва сунъий ёруғликка, самарали вентиляцияга, намдан изоляцияланишга эга бўлиши лозим.

**8 илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли ҳақида гапириб беринг.
2. Фазовий структурасини шакллантиришнинг қандай принципларини биласиз?
3. Жамоат бинолари ички муҳитини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Нима учун?
4. Тарҳий элемент нима?
5. Жамоат бинолари умумий тарҳий элементлари ҳақида гапириб беринг.

| 5-**МАВЗУ** | ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ТУРЛАРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Жамоат биноларининг классификацияси.<br>2.Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари.<br>3.Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни жамоат бинолари турлари билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Жамоат биноларининг классификациясини беради | Жамоат биноларининг классификациясини билади |
| Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари ҳақида гапириб беради | Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари ҳақидаги саволларга жавоб беради |
| Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш жараёнини тушунтиради | Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш жараёнини билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, кластер* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Жамоат бинолари турлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “жамоат бинолари” сўзига “Кластер” тузади (1-илова).<br>1.2. Тузилган “Кластер”даги тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик аниқланади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | “Кластер” тузишда фаол иштирок этадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Жамоат биноларининг классификациясини беради (3-илова).<br>2.3. Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари ҳақида гапириб беради (4-илова).<br>2.4. Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш жараёнини тушунтиради (5-илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**“Жамоат б… ” намунаси**



**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Жамоат биноларининг классификацияси.
2. Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари.
3. Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш.

**3-илова**

**Жамоат бинолари классификацияси**

Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композициясининг ғоявий бадиий тасвирланиши бўйича таснифланади. Жамоат бинолари жойлашиш ўрни унинг аҳамиятига, унга шаҳар, туман, қишлоқ ёки микрорайон аҳолисининг эҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади.У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳа қуриш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Бу кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий фазовий композициянинг оптимал тизимлари белгиланади ва бу тизимлардан типик тарзда фойдаланади.Худди шу асосда жамоат бинолари ташқи қиёфасининг характери, уларнинг бадиий тасвири ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси ҳар ҳил турдаги жамоат биноларининг типологик характеристикасини яратиш учун шарт шароит ҳозирлайди. Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради.Иқлим шароитлари, табиат, аҳоли турмушининг маданий маиший жиҳатлари ва халқ анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади,лекин уларнинг типологик характеристикасини ўзгартирмайди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини таклиф қилиш мумкин:

***1.Ўқув тарбия ва илмий муассасалар бинолари:***

А)Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари
Б)Умумий таълим мактаблари
Д)Лицей ва коллежлар
Е)Олий ўқув юртлари
Ф)Илмий текшириш муассасалари

***2.Томоша бинолари:***

А)Кинотеатрлар
Д)Клублар
Е)Цирклар
Ф)Музей ва кўргазмалар

***3.Спорт иншоотлари:***

А)Спорт иншоотлариниг тармоқлари ва туркумлари
Б)Стодионлар ва спорт комплекслари
Д)Ёпиқ спорт иншоотлари
Е)Ёрдамчи спорт иншоотлари

***4.Савдо,маиший хизмат кўрсатиш бинолари:***

А)Савдо маиший хизмат тармоқлари ва корхоналари
Б)Савдо маиший хизмат бинолари
Д)Савдо марказлари
Е)Тўйхоналар

***5.Маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари:***

А)Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари
Б)Меҳмонхоналар

***6.Транспорт иншоотлари:***

А)Йўловчилар ва жамоат транспортлари учун иншоот ва қурилмалар
Б)Автомобиллар учун тўхташ жойлари ва гаражлар
Д)Темирйўл,автомобил ва ҳаво транспорти гаражлари
Е)Метрополитен

***7.Даволаш, профилактика бинолари:***

А)Касалхона ва поликлиникалар
Б)Санаториялар ва дам олиш муассасалари.

Жамоат бинолари микрорайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқда марказий ҳолатни эгаллайди ва архитектуравий ансамбларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

**4 илова**

## Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари

Жамоат бинолари ўзининг кўриниши, турига ҳамда режалаштирилишига қараб турли туман бўлиб,биноларнинг кўпчилигини ташкил қилади. Шунга қараб унинг ускуналари ҳам хилма хилдир. Ҳозирги замон архитектураси ва қурилишида ускуналарни қурилиш жойига ва бинонинг функциясига қараб танлаш тақозо этилади. Биноларни лойиҳалаш тартибига қараб барча турдаги биноларнинг устуворлиги ва ишлатилиш мўлжалига қараб тоифаларга ажратилади.Тоифага тегишли бўлмаган энг йирик, давлат аҳамиятига молик биноларнинг хизмат кўрсатиш муддати 100 йил ва ундан ортиқ. Масалан, Тошкентдаги “Истиқлол” саройи бунга мисол бўла олади.

1 тоифадаги бинолар шаҳарларда кўплаб қуриладиган бинолар бўлиб, 70 йил ва ундан кўпроқ фойдаланиш мўлжалланади. Маданият саройлари,вокзаллар, аэропортлар ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

2 тоифадаги бинолар шаҳарда кўплаб учрайдиган маъмурий бино,меҳмонхона, ресторан каби бинолардан иборат бўлиб,энг камида 50 йилга мўлжалланади.

3 тоифадаги биноларнинг хизмат кўрсатиш муддати бошқаларга қараганда камроқ бўлиб, 25 50 йилга боради.

Шу билан бирга, ҳар бир бинонинг ускуналари ўтга чидамлилигига қараб ҳам тоифага ажратилади.

Биноларнинг ускуналари ҳам унинг ишлатилишига қараб кам қаватли,кўп қаватли ёки катта масофали(пролёт) деб аталади.

Архитектуравий композициянинг конструктив ечимларини ҳал қилишда қуйидаги: табиий ва сунъий муҳит, қуёш радиацияси, ранг, ҳаво ва намлик, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, ёғингарчилик ва товушлар каби компонентлар жуда муҳим рол ўйнайди.

**5-илова**

## Жамоат бинолари ва иншоотларини муҳандислик қурилмалари билан жиҳозлаш жараёни

Жамоат биноларининг муҳандислик қурилмалари деб, одатда, қуйидагилар ҳисобланади:сантехника қурилмалари (иситиш тизими, шамоллатиш, ҳаво кондиционери, совуқ ва иссиқ сув таъминоти,канализация,газ таъминоти), электр жиҳозлари, радиотелефон, телевидение,ички ва вертикал транспорт, саҳна устки остки жиҳозлари,совитиш ва транспорт жиҳозлари (савдо биноларида, театрларда) ва ҳ.к. Бинонинг ташқи томонида фойдаланиладиган муҳандислик жиҳозларига эса алоҳида эътибор бериш ва уни эстетик дид билан лойиҳалаш лозим. Шахардаги барча жамоат биноларидаги мухандислик жихозлари кўп холларда ташқи энергия манбасидан харакатга келтирилади. У хам бўлса, энг кўп тарқалган манба тури: электр энергияси, иссиқлик энергияси ёки газдир.

Жамоат биноларини иситишда, асосан, сув ва хаводан иссиқлик берувчи сифатида фойдаланилади. Одатда, бино ичидаги одамларга қулайлик яратиш хамда ёқилғини тежаш мақсадида хона ичидаги хавонинг харорати автоматик тарзда бошқариб турилади. Хона ичида микроиқлим яратиш ва ўамоллатишдан кўзда тутилган мақсад: одамларга хона ичида қулай шароит яратиш, сангигиена хамда қурилиш ускуналари ва ички муддат хизмат қилишига эришишдир.

**6 илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари кўра қандай турларга бўлинади?

2. Бинолар классификациясини гапириб беринг.

3. Ўқув тарбия ва илмий муассасалар биноларига қандай талаблар қўйилади?

4. Томоша биноларига қандай талаблар қўйилади?

5. Спорт иншоотларига қандай талаблар қўйилади?

6. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш биноларига қандай талаблар қўйилади?

7. Маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш биноларига қандай талаблар қўйилади?

8. Транспорт иншоотларига қандай талаблар қўйилади?

9. Даволаш, профилактика биноларига  қандай талаблар қўйилади?

10. Жамоат биноларининг муҳандислик қурилмалари ҳақида гапириб беринг.

| 6-**МАВЗУ** | ЎҚУВ, ТАРБИЯ ВА ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар.<br>2.Умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухит |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар ҳамда умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухитга қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар билан таништиради | Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талабларни биладилар |
| Умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухит қандай бўлиши кераклиги тушунтиради | Умумтаълим мактабларидаги интерьерли муҳит қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юрита оладилар |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. "Ўқув, тарбия ва илмий муассасалар" мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида "Ўқув муассасаси интерьери қандай бўлиши керак?" мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради. (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар билан таништиради (3-илова).<br>2.3. Умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухит қандай бўлиши кераклиги тушунтиради (4-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (5-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе

**Беш дақиқали эссе** – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

Ўқитувчи таклиф этади:

- «Мен бу ... ҳақида нимани ўйлайман» ёки «Нима учун, менинг фикримга кўра ...» саволларига жавоб беринг;
- ўқув машғулотида берилган талабалар учун янги саналган ғояни тавсифлаш ва шарҳлаб бериш;
- олинган билим, кўникмалар қаерда амалиётда қўлланилишини тавсифлаш.

Ушбу кўринишдаги эссе баҳоланмайди. Ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текширади, овозини чиқарган ҳолда шарҳлайди, талабалар билан муҳокама қилади ва хулоса қилади.

Янги мавзуга кириш сифатида “Ўқув муассасаси интерьери қандай бўлиши керак?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар.

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1.Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар.
2.Умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухит.

**3-илова**

## Ўқув, тарбия ва илмий муассасаларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон таълим мактабларининг асосий тури бу болалар 7 ёшдан бошлаб 1-9 синфларда ўқитиладиган 9 йиллик таянч мактабларидир. Мактабнинг максимал сиғими қоидага кўра 36 та синфдан ошмаслиги лозим(яъни, 9та синфдан иборат бўлган 4та оқим). Мактаблар асосий хоналарининг ориентацияси синфлар ва кабинетларнинг жанубиқ ва жанубий шарқий ориентациясини кўзда тутиши тавсия этилади,тасвирий санъат ва чизмачилик, информатика кабинетлари учун шимолий ориентация мақулроқдир. Шимолий ориентацияни бошланғич синфлар ва биология лабораториялар учун қўллаш мумкин.

Деразаларнинг 75 285 азимутга қаратилган ориентациясида исиб кетишнинг олдини олиш мақсадида ва ўқув жойларининг тўғри инсоляциясини тиклаш учун қуёшдан ҳимоялаш кўзда тутилиши керак. Қуёшдан ҳимояланиш қурилмаларини танлаш маҳаллий шароитлар бўйича лойиҳага асосан белгиланади. Ошхоналарнинг иссиқ цехлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир. Кам қаватли бинолар (бир ва икки қаватли) учун қуёшдан химояланишни кўкламзорлаштириш тадбирлари орқали таъминлаш мумкин (дарахтларни бино деразаларидан 10 м дан кам бўлмаган масофада ўтказиш талаб қилинади).

Ер участкаларига қўйиладиган талаблар. Мактаблар ва интернат мактаблар ер участкаларининг жойлашиши ва ўлчамлари ШНК 2.01.07 га мувофиқ қабул қилинди.

Мактаблар ва интернат мактабларнинг ер участкалари қуйидагича: жисмоний тарбия-спорт; ўқув тажриба; дам олиш ва хўжалик зонаharикаби асосий функционал зоналарнинг кўзда тутилиши тақазо этилади.

Мактаблар ва мактаб-интернатларнинг кўкламзор ўчасткаларининг майдони участка майдонининг 30-40% ини ташкил қилиб, кўкламзор майдонга дам олиш, жисмоний тарбия ва ўқув тажриба зоналарининг

кўкламзор майдонлари хамда химоявий полосалар ва мактаб ўчасткаси атрофидаги яшил тўсиқлар хам киради.

Мактаб, мактаб интернатлар ва мактаб қошидаги интернат биноларидаги хоналарнинг таркиби ва майдони функционал ташкилий ва педагогик талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқув режасидаги ўқув хоналарининг соатбай юкламасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашлар орқали аниқланади.

**4-илова**

## Умумтаълим мактабларидаги интерьерли мухит

Мактаб бинолари типларининг номенклатураси мутлақо хилма-хилдир. Бу уларни қишлоқ районларида бўлгани каби шаҳар шароитларида ҳам комплектовкалаш шароитларининг кўп қирралиги билан тушунтирилади. Аммо мактаб биноларининг сиғимига (қанча ўқувчига мўлжаллanганлигига) боғлиқ бўлмаган ҳолда улардаги асосий ўқув ва ёрдамчи хоналарнинг таркиби мактабларнинг ҳамма типлари учун бир хил бўлиб қолаверади, бунда фақат бу хоналарнинг сони ва юзаси билан фарқланиш мавжуд бўлиши мумкин. Асосий ўқув хоналари ўз таркибига: синфларни, ўқув кабинетларини, қўл меҳнати устахонасини, универсаль хоналарни, металл ва ёғочни қайта ишлаш бўйича комбинациялашган устахоналарни киритади; рекреация – танаффус пайтларида ўқувчиларнинг дам олишлари учун мўлжалланган жойлар, хоналар, фаоллик зали – маъруза аудиторияси – умум мактаб тадбирлар: йиғилишлар, мажлислар, маърузалар, байрам кечалари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган жой (хона), гинастика зали ва ошхонани киритади.

Мактабнинг ўқув дастури шуни ҳисобга олган ҳолда тузиладики, тўққиз йиллик таълим олиш довамида ўқувчи нафақат дастурнифанлар билан, балки ўзини қизиқтирган машғулотлар – меҳнат бўйича тўгаракларга, спорт секцияларига қатнашиши ва бадиий ижод қилиш машғулотлари билан ҳам шуғулланиши лозим.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун тез толиқувчанлик, эътиборни жамлаштиришнинг нодавомийлиги характерлидир. Болаларнинг бундай гуруҳлари учун мўлжалланган мактабларда ўқув-тарбиявий ишларига алоҳида шароитлар яратилади ва машғулотларнинг алоҳида тартиби (режими) ўрнатилади: кунига тўрттадан ортиқ бўлмаган дарс ўтилиши лозим, иккинчи дарсдан кейин катта танаффуснинг бўлиши шарт-шароитланади ва дарслар орасидаги танаффусларнинг ҳар бири 15 минут давом этиши тақозо этилади, куни узайтирилган гуруҳлардаги ўқувчилар учун кундузи ухлаш вақти кўзда тутилган бўлиши лозим. Юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган ўқитишнинг кабинетли системаси, ўқув кабинетлари бўйича кўчиш оқими билан характерланади.

Умумтаълим мактаблари ишининг бундай спецификацияси ўқувчиларнинг ёши билан характерланадиган жиҳатларни ҳисобга олган

ҳолда уларда пухта ташкил этилган фазовий кенгликни талаб этади. Ўқув жараёни учун энг яхши комфорт шароитларни таъминлаш мақсадида мактабларнинг хажмий-фазовий структураси функциональ белгилари бўйича бир хил бўлган хоналарни алоҳида зоналарга гуруҳлаштириш асосида тузилади.




Умумтаълим мактаби тархий структурасини функционал зоналаштиришга доир мисол

Схемага мувофиқ равишда мактабнинг ҳамма ўқув-ёрдамчи хоналари тўртта функциональ зоналарга бирлаштирилади: 1 – вестибюлли зона, 2 – I-IV-синфлар зонаси, 3 – V-IX синфлар зонаси, 4 – маъмурий-техник вазифаларни бажарувчи хоналарни ўз ичига олган умуммактаб хоналари.

Мактаб режавий ечимида I-IV-синф хоналарини (ўқувчиларининг) V-IX синф хоналаридан (ўқувчиларидан) изоляция қилиниши муҳим шароит деб ҳисобланади. Бундай изоляция мактабларда уларни қаватларга тақсимлаш (вертикаль бўйича) билан ёки 1-қават сатҳида тақсимлаш (горизонталь бўйича) билан амалга оширилади. Ўқув-тарбиявий жараённи яхшилашга қаратилган ташкилий характердаги саволлар ва масалаларни ечишда атроф-муҳит эстетикасига катта эътибор ажратилади. Чиройли ва дид билан ташкил этилган мактаб муҳити, ундаги синфлар, кабинетлар, лабораториялар, рекреацияларнинг интерьерлари кайфиятни кўтарадиган, толиқишни бартараф этадиган ва ўқув машғулотларига бўлган қизиқишни оширадиган шароитларни яратади, шу сабабли мактаб бинолари талаб этадиган интерьерли муҳитнинг эстетик такомиллаштиришга бўлган юқори этиборни бошқа ҳеч қандай жамоат бинолари мактабчалик талаб этмайди.

Мактаб интерьери хоналарнинг иккита асосий – ўқув ва рекреацион гуруҳларидан ташкил топади. Ҳамма синфлар, лабораториялар, кабинетлар, аудиториялар, спорт заллари ва мажлис заллари агар улардан маъруза аудиторияси сифатида фойдаланилса, ўқув хоналари гуруҳига киритилади. Рекрацион хоналар танаффуслар пайтида дам олишга мўлжалланади, ўқув вақтидан ташқари вақтда улар ҳам ўқув хоналари блоки таркибига киритилади. Маълум мақсадлар учун мўлжалланган, алоҳида изоляция

қилинган хоналар мақбул тартиб ва улар ичида энг замонавий комфорт шароитларнинг яратилишини талаб этади. Ёруғлик комфортини, акустик режимни ташкил этиш, махсус жиҳозларни ўрнатиш ва ниҳоят хонанинг мақбул шаклини ҳосил қилиш – бу ҳаммаси энг зарур бўлган элементлар сифатида интерьер бадиий образининг қисмига айланади.

***Мактаб муҳитига қўйиладиган талаблар:***

Ўқув жараёнининг ўтказилишига қўйиладиган талаблар.

1. Синф хонасининг ўқув жараёнига мувофиқ равишда жиҳозланиши: берилган ўлчамдаги доска; ўқув стол ва стуллар; методик материалларни сақлашга мўлжалланган шкафлар; материалларни намойиш қилиш учун махсус стендлар.
2. Қуйидаги имкониятларга эга бўлган ҳолда синфхонага 30-40 ўқувчини жойлаштириш: доска ёнида тушунтириш; ёзма ишларни ўтказиш; гуруҳли машғулотларни олиб бориш; умумсинф ўйинларини (бошланғич синф ўқувчилари учун) ташкил этиш.
3. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш: рангли диапозитларни, кинофильмларни кўрсатиш; телевизор (телевидение) яъни телекўрсатувлар бўйича дарс ўтказиш.
4. “Узайтирилган кун” машғулотлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар. Бу мақсадга эришиш учун индивидуальгуруҳлар машғулотларини таъминлайдиган синф хонани энг кўп хилма-хилликда трансформациялаш.

***Гигиеник талаблар***

5. Ёруғлик комфорти: ёритилганликнинг тенг меъёрлилиги 1:5 нисбатдан ошмаслиги лозим (рухсат этиладиган ёруғлик контрастлари); досканинг узоқ-яқинлиги; кўзни қамаштирадиган ёруғликнинг бўлмаслиги.
6. а) ёруғлик тушадиган томонлар бўйича синф хоналарининг мақбул (оптималь) ориентациясини таъминлайдиган – шарққа ва шимолга, бир сменали машғулотларда ғарбга қаратилган инсоляция;

б) қуёшдан ҳимояланиш;

в) шамоллатиш ва сунъий вентиляция.

***Физиологик талаблари олий асаб фаолияти ва психология***

7. а) Синфинтерьерибошқа барча хоналардан фарқли равишда ўзининг “чехраси”га эга бўлмоғи лозим. У етарлича ёрқин (яққол) ўзига хос характеристикага эга бўлиши керак;

б) эътиборнинг жамлаштирилиши. Ҳалақит берувчи ҳамма ташқи салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш (шовқин, синф хоналарнинг олдида юришлар, керак бўлмаган жадваллар, ёзувчилар, шоирлар ва ҳ.к.).

Кенг доирали талаблар орасидаги алоҳида функциональ ўзаро боғланишларни ўоганиш кўрсатадики, синф хона фазовий кенглиги ечимлари билан шарт-шароитланадиган омиллар синф хонаси интерьери учун ҳал қилувчи омил – синф хонасининг табиий ёруғлик билан ёритилиши аниқлаб беради. Айнан улар тугалланган маънода синф интерьерини аниқлаб беради, кўп ҳолларда эса мактаб биносининг бутун композицион усулини ҳам аниқлайди. Масалан, синф хонасининг юқоридан қўшимча табиий ёруғлик билан ёритилиши мактабларнинг бир қаватли қурилишини ёки поғонали композицияда қурилишини илгари суради.



Юқоридан ёритиладиган турдаги синф хонага доир мисол

Бурчакда жойлашган синф хоналари фақат блокланган усулда бўлиши мумкин ёки бир синфни иккинчиси нисбатан силжитишда бўлиши мумкин.

Катта бўлмаган хоналарнинг бир-биридан энг ёрқин эсда қоладиган фарқланиши шакл бўлиши мумкин яъни хоналар бир-биридан ўзларининг шакллари билан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун айнан шакл машғулотларига бўлган мойиллик даражаси динамик стереотипнинг ишлаб чиқилиши билан боғланган. Уйдаги шароитлардан фарқ қиладиган характерли, кўркам интерьерга эга бўлган синф хоналарини яратиш зарурияти туғилади.

Агар массали (кўп сонли) турар-жой бинолари қурилишида устувор тарзда юзага келган анъаналарни эътибор билан кўриб чиқсак, уларда хоналарнинг тўғри бурчакли шакли ягона эканлигига иқрор бўламиз, лекин мактаб синф хоналари кўп қиррали (кўп бурчакли) трапеция ва бошқа анча мураккаб шаклларга эга бўлиши мумкин. Чет эл амалиётида синф хоналарининг ҳар хил шаклларига эга бўлган кўп вариантлари кузатилади.

Қатор ривожланган ғарб мамлакатларининг архитерторлари синфнинг мураккаб конфигурацияга эга бўлиши мақсадга мувофиқ келади деб ҳисоблашади, чунки конфигурация ҳар хил бўлганда дифференциаллашган қизиқарли фазовий кенлгик ҳосил қилинади. Синф хона интерьерининг машғулотлар пайтида ўқувчиларнинг эътиборини жамлашга қўйиладиган талабларга жавоб бериши тақозо этилади.

Ўқувчини чалғитмайдиган муҳит яратилмоғи лозим. бунинг учун синф интерьерини ташкил этадиган элементлар ягона бирликка (бутунликка) келтирилмоғи лозим, уларнинг сонини эса минимумлаштириш тақозо этилади.



Умумтаълим мактаби биносида галереяни қуриш усулига доир мисол (чет эл тажрибаси)

Ҳар бир ўқув юртида, айниқса мактабда иш тартибида ўқувчининг ақлий жиҳатдан толиққанлигини бартараф этиш (мувозанатлаштириш) ва

А Б



Тўғридан-тўғри (ёриб ўтувчи) фаол шамоллатишга мўлжалланган ўқув блокларининг тархий ечимларига доир мисоллар: а – синф хоналарини коридорларга нисбатанбир томонлама жойлаштириш; б – икки томонлама деразаларга эга бўлган коридорсиз системадаги синф хоналар.

унинг организмининг функциональ жараёнларини фаоллаштириш мақсадида танаффусларнинг ташкил этилиши кўзда тутилади. Буни амалга ошириш учун ҳар бир секцияда ёки ўқув блокида кенг коридорлар ва зал кўринишида рекреацион жойларнинг бўлиши таъминланади. Иссиқ иқлимли районларда рекреация очиқ типда ёки галерия кўринишида бўлиши мумкин. Ўзбекистон мактаблари учун республика ҳудудида об-ҳавонинг юқори ҳароратда бўлиши ва йилнинг иссиқ фасллари мактаб ўқувчилари организмига бу факторнинг зарали таъсирини енгиллаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Мактаб қурилиши амалиётида бу муаммони ечиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар ўқув хоналарини коридорларга нисбатан бир томонлама жойлаштириш йўли билан мустақил табиий шамоллатиш учун шароитларни режавий воситалар билан таъминлашда ўз аксини топади.

Рекреация типи ва унинг ўқув хоналари билан боғланиши (алоқаси) бутун мактабнинг ва хусусан унинг интерьерини ҳам фазовий ташкил




Рекреациятурлари. А- синфга қаратилган рекреация, Б – синфлар гуруҳига қаратилган рекреация, В – мактабга қаратилган рекреация, Г – синфлар гуруҳи ва мактабга қаратилган қўшма (аралаш) рекреация.

этилганлигини характерлайди. Расмда бундай уйғунликларнинг турли усуллари тасвирланган. А гуруҳида ҳар бир синф ёки иккита синф ўзининг рекреациясига эга. Одатда бу рекреация синфга бевосита туташган очиқ ҳавода жойлашган кичик ҳовлида ташкил этилади. Бундай усул бир қаватли бинолар учун характерли ва ундан бошланғич синфларнинг фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай рекреация бошланғия синф ўқувчиларини юқори синф ўқувчиларидан ишончли ҳимоя қилишни ва уларнинг очиқ ҳавода бўлишларини таъминлайди.

Б гуруҳ замонавий мактаб қурилиши учун энг типик бўлган гуруҳ саналади. Бу рекреация синфлар гуруҳи учун мўлжалланган ва у танаффус пайтида ўқувчиларнинг ёшлари бўйича ажралиш ва болаларнинг бу гуруҳ чегарасида мулоқотда бўлишига имконият яратади. Бир нечта синфларнинг бундай системадан рекреацияси табиийки кўп бўлади, у ўзининг катталиги (ўлчамлари бўйича) ва шакли бўйича фазовий кенгликнинг турли-туманлигини ва зарур бўлган контрастлигини ҳосил қилиши мумкин. Бундай

рекреацияларнинг усул ва жойлашиш ўрни бўйича турли усуллари бўлиши мумкин – синф билан бир сатҳда жойлашган рекреация, участкага қаратилган рекреация, Г-шаклдаги рекреация, ҳовлини ҳосил қилувчи рекреация, қаватлардаги рекреация ва ҳ.к.

В гуруҳдаги рекреацияларга  залли рекреациялар тегишли бўлиб,улар бутун мактаб учун мўлжалланганбўлади. Табиийки бундай усул катта мактаблар учун характерлидир. Бундай рекреация иккинчи қават бўйича очиқ галерияли, иккита рангли залнинг бой фазовий тузилиши, юқоридан ёритилиши ва зинапояларнинг эффектив ўрнатилиши билан диққат-эътиборни ўзига тортади.Залли рекреациялар турли иқлимли ретонлардаги мактаблар учун ҳам ҳарактерлидир. Ўтган асрнинг охирги йилларда Ўзбекистоннинг юқори чангли-шамолли районларидаги қурилишлар учун ички рекреация эга бўлган мактабларнинг иккита типи ишлаб чиқилди.

А



Б



**А**

**Б**

Чанг-шамол фаоллигига эга районларда қуриладиган мактабларнинг тархий ечимларига доир мисоллар: а – ўқув хоналарининг гуруҳи учун ёпиқ ҳовлили фазовий кенглик; *б* – ҳар бир синф хонаси учун мўлжалланган ёпиқ ҳовлили фазовий кенглик.

Моҳияти бўйича бу икки вариант ҳам бир хилрежавий структурага эга бўлиб, улар орасидаги фарқ шундаки,биринчи вариантда фақат учта ички ҳовлига эга бўлган фазовий кенглик кўзда тутилган,улардан ҳар бири синфлар гуруҳи учун мўлжалланган, иккинчи вариантда эса синфлар бўйича тақсимланган бир-нечта майда ҳовлиларнинг бўлиши кўзда тутилгандир.биринчи

вариантга тегишли бўлган мактабларда катта комфорт яратиш учун ўқув блоклари ичида очиқ ҳовлили фазовий кенгликларнинг атриумларнинг бўлиши лойиҳа орқали кўзда тутилган. Бундай атриумларда ўқувчиларнинг йилнинг совуқ фаслларида дам олишлари инобатга олинган. Шимолда зал типидаги атриумли рекреациялар қўлланилади. Бундай йирик рекреация-зал кўча чиқиш мумкин бўлмаган изғирин совуқда турлича дам олишни таъминлаш имкониятини беради.Анча юмшоқ иқлимга эга бўлган мамлакат Финландияда умумий рекреация очиқ ҳавога, ҳовлига ўтиш деб ҳисобланади. Жанубда эса умумий рекреация қуёшдан ҳимояланган катта фазовий кенглик бўлиши мумкин. Бундай рекреация турли фазовий ечимларга эга бўлади.

А Б



Атриумли турдаги залли рекреация. А – тарх, Б- атриум интерерининг умумий кўриниши



Мактаб интерьерининг атрофдаги табиий муҳит
билан боғланишига доир мисол

Психологлар ва врачларнинг фикрига кўра қизиқарли атроф-муҳитга эга бўлган табиат билан ҳар куни алоқада бўлиш болаларнинг биологик ривожланишига, ижобий ҳис-туйғулар (эмоциялар) нинг ҳосил бўлишига,

ақлий ва жисмоний жиҳатдан чиниқишларига шарт-шароитлар яратади. Мактаб бинолари архитектурасини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири уларни табиий атроф-муҳит билан ажралмас ягоналигини ҳамда табиат ва бинонинг ўзаро бир-бирининг ичига киришини таъминлашдан иборатдир. Ўзаро киришиш нафақат ҳажм ташқи эффектининг табиатга қаратилишига тегишли, балки интерьернинг ички томондан табиатга очилганлиги ва табиат элементларининг мактаб биносининг интерьерига кириб боришига ҳам тегишлидир. Шакллари ва мазмун-моҳияти бўйича турли-туман бўлган архитектуравий муҳит болаларга маълум бир ижобий эмоциональ заряд беради ва аксинча бир-бирига яқин бўлган ҳамда бир жинсли муҳит мактабга, ўқишга бўлган қизиқишни кучайтирмайди. Архитектуравий комфорт, қулайлик, шинамлик, гўзаллик, кун давомида архитектуравий муҳитнинг кўп қиррали алмашинуви ўқувчилар онгли фаолиятининг психологик стимуллашуви деб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг психологик фаоллигини оширувчи архитектуравий муҳитларга қуйидагилар киради: машғулотларнинг контрастлик принципи бўйича турли вазиятларда навбатланишини ҳисобга олган ҳолда фазовий кенгликнинг турли талқин қилиниши; бино интерьерининг табиат билан боғланганлиги, бинонинг ландшафтга кириб бориши; ўқув хоналари фазовий кенглигининг трансформацияланиши; хоналар комплекси (мажмуаси) фазовий кенглигининг дифференциаллашуви ва интеграллашуви; алоҳида хоналар ва хоналарининг фазовий ташкил этилганлигини ўзгартириш учун мобилли трансформацияланадиган мебеллар ва жиҳозларнинг қўлланиши.

Фазовий кенгликларнинг ўз-ўзидан ташкил этилиши ва уларда ацентларнинг жойлашуви хайратланадиган мюрпризларни яратмоғи лозим, бундай сюрпризлар ташриф буюрувчиларнинг қабул қилувчанлик дидларига мувофиқ келиши учун вақт бўйича яхши ҳисобланган ва тўғри пропорцияланган бўлиши лозим. Фазовий кенгликда ҳаракатланиш ёки фазовий кенгликда ҳаракатланишнинг рассом томонидан сеҳргарлик билан яратган иллюзияси замонавий архитектура, скульптура, тасвирий санъат ва дизайн асарларининг қудратли кучга айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда биноларнинг фасад қисмларини очиш ва “қирқиш” йўли орқали катта юзаларни ойна билан қоплаш эвазига бинолар архитектурасида ялтироқликнинг ҳосил қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу ялтироқлик фазовий кенгликнинг сузувчи иллюзиясини ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, унда бино гўёки буғланаётгандек, фазовий кенглик ичкарига ва ташқарига кўчаётгандек (силжиётгандек) туюлади.

Бепаён ташқи фазовий кенгликнинг шакли архитектуравий фазовий композициянинг деворлар чегараси билан тугалланмайдиган ўқув хонаси чегараси ортидаги атрофда давом этадиган қисмига айлангандек бўлади. Мактаб интерьери контрастдан контрастга қараб ҳаракатланадиган иштиёқли эҳтиёжини қондирмоғи лозим, бундай контрастлик интерьерли муҳитга алоҳида ҳаётийлик беради (бағишлайди). Инсонда, айниқса болаларда таассуротлар (тасаввурлар)нинг доимий алмашиниб туришига муҳтожлик

сезилади, яъни улар доимо тасаввурларнинг ўзгариб туришига муҳтож бўладилар.

Болалар ўзларини ўраб турган оламни ва унинг ташкил этувчиларини уларнинг физик ўлчамлари қараб ва фикрлаш орқали қабул қиладилар. Болалар катта бўлмаган харакаткларда ҳам ўзларини яхши ҳис қиладилар.

Уларга харакаткнинг тез-тез шакл алмаштириши зарурдир. Бу борада анча мураккаб ва шу билан бирга эффектив деб предметли скульптуранинг ва кичик шаклларнинг куп режали динамик қурилиши айтиш мумкин. Кичик архитектуравий шаклларни бино ичига, очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ ҳовлиларга ҳамда участкаларга жойлаштириш мумкин. Кичик архитектуравий шаклларга қуйидагилар киради: рельефли декоратив деворлар, структаравий скульптуралар, хумлар, геометрик ҳажмли композициялар, фавворалар, декоратив сув ҳавзалари, узун курсилар, чироқлар. Кичик архитектуравий шакллар талаб этиладиган эмоциональ атроф-муҳитни яратишда муҳим роль ўйнайди,ўқувчиларга яхши эстетик диднинг ривожланишини шарт-шароитлайди, гўзалликни ҳис қилишга чорлайди. Шу билан бир қаторда мақсадли йўналтирилган кичик архитектуравий шакллар ҳам кенг қўлланилади: сакраш, ошиб ўтиш, сирпаниш учун қурилмалар, камондан ўқ отиш майдонлари ва ҳ.к.



Мактаб очиқ ҳовлисидаги кичик архитектуравий шакллардан бири

Монументал декоратив санъатнинг элементлари интерьерларни бойитади ва хоналарни индивидуаллаштиради. Жойлашиш ўрни, мазмун-моҳияти ва шакли бўйича яхши ўйланган монументаль декоратив санъат элементлари ўқувчини эстетик тарбиялашга шарт-шароит яратади, уларда диднинг шаклланишига яхши таъсир кўрсатади.

Мактаб декорининг эстетик функцияси билан бир қаторда унга маълум меъёрда онгли ва тарбиявий аҳамият ҳам тегишлидир. Мактаб интерьерига монументаль ва декоратив элементларини киритишда акцентларни ажратиш мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Монументаль тарғибот учун энг маъқул бўлган жойларга вестибюль, рекреация, фаоллик зали, ошхона (ўқувчиларнинг қисқа вақтли бўлиш жойлари) ни киритиш мумкин. Мактаб интерьерларидаги декоратив панно ҳам анча қизиқарли бўлиб, улар ҳам тенг равишда эстетик, тарбиявий таъсир ўтказади.

Монументаль ва декоратив элементлар ўқув секцияларини ўзига хос белгилаш (танишиш) символлари сифатида хизмат қилади, болаларда уларни ўраб турган оламнинг турли-туманлигига бўлган қизиқишни уйғотади. Буларнинг ҳаммаси шахснинг шаклланишига эмоциональ таъсир кўрсатади.



Мозайкали рекреацияли девор детали

Шундай қилиб, мактабларнинг интерьерларини шакллантириш ва режавий ечимларини ташкил этишга келтирилган мисолларнинг ҳаммаси ўқувчилар учун соғлом ҳаёт тарзини таъминловчи, кўтаринки кайфият бағишловчи, умуман олганда ўқишга маъсулият билан ёндашишга чорловчи максималь комфорт шароитлар яратишга йўналтирилган энг яхши ечимларни топишнинг натижаси деб ҳисобланади.

**5 илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. Мактаб бинолари типларининг номенклатураси нима учун хилма-хил?
2. Асосий ўқув хоналари ўз таркибига нималар киради?
3. Умумтаълим мактаби тархий структурасини функционал зоналаштиришга мисоллар келтиринг.
4. Мактаб муҳитига қандай талаблар қўйилади?
5. Ўқув жараёнининг ўтказилишига қандай талаблар қўйилади?
6. Ўқув муассасалари биноларига қандай гигиеник талаблар қўйилади?
7. Чет эл амалиётида синф хоналарининг қандай шакллари мавжуд?
8. Рекреация нима? Унинг қандай турларини биласиз?
9. Ўқувчиларнинг психологик фаоллигини оширувчи архитектуравий муҳитларга нималар киради?
10. Ҳозирги вақтда биноларнинг фасад қисмларини очиш ва “қирқиш” йўли орқали катта юзаларни ойна билан қоплаш эвазига бинолар архитектурасида ялтироқликнинг ҳосил қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Сиз уни қандай баҳолайсиз?
11. Интерьерларда монументаль декоратив санъатнинг элементлари қандай ролни бажаради?

| 7-**МАВЗУ** | ТОМОША КЎРСАТИШ БИНОЛАРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Кинотеатр бинолари. Кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш.<br>2. Театр бинолари.<br>3. Цирк бинолари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни томона кўрсатиш бинолари интерьерига қўйиладиган талабалар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Кинотеатр бинолари ва кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш ҳақида тушунча беради | Кинотеатр бинолари ва кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш ҳақида тушунчага эга бўлади |
| Театр бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Театр бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Цирк бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Цирк бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Томоша кўрсатиш бинолари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Музей интерьери қандай бўлиши керак?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Кинотеатр бинолари ва кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш ҳақида тушунча беради (3-илова).<br>2.3. Театр бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Цирк бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (5 илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[1]

Янги мавзуга кириш сифатида “Музей интерьери қандай бўлиши керак?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

[1]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган.

**Маъруза режаси**

1. Кинотеатр бинолари. Кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш.
2. Театр бинолари.
3. Цирк бинолари

**3-илова**

## Кинотеатр бинолари. Кинотеатр интерьерларини ташкил қилиш

Кинотеатрлар томошаба кўрсатувчи биноларнинг энг оммавийлашган туридир. Кўп фильмлар эни 35 мм бўлган, кадр томонлари “классик” нисбатдаги (1:1,37 ) оддий тасмада ва 1: 2,35 нисбатдаги кенг экранли тасмаларда намойиш этилади.

Меъёрларда белгиланишича, сиғими 800 ўрингача бўлган кинотеатрларда ҳам оддий, ҳам кенг экраноли фильмларни намойиш қилиш учун улар кенг экран билан жиҳозланган бўлиши керак.

Меъёрий (норматив) хужжатларда кинотеатрларнинг қуйидаги асосий турлари қайд этилади:

- Бир залли – 150, 200, 300, 500, 800 ўринли;
- Икки залли – 200х300, 300х500, 500х800 ўринли;
- Уч ва тўрт залли – 100х200х300 (500), 100х200х200х300 (500) ўринли;
- Болалар учун – 300 ва 500 ўринли;
- Клуб хоналари билан бирга 150 ва 200 ўринли (қишлоқ жойлари учун);
- Кафе (50 ўринли) ва клуб хоналари билан бирлашган 200х300 ўринли, 100 ўринли кафеси билан 300х500 ўринли;
- Ёзги ёпиқ – 500 ва 800 ўринли;
- Ёзги очиқ (киномайдонча) – 500, 800, 1200 ўринли;
- Комбинацияли: 300 ўринли 500 ўринли киномайдончаси билан;

Кинотеатрлар сиғими шаҳарсозлик меъёрлари билан белгиланади: ҳозирги даврла йирик шаҳарлар учун ҳар 1000 кишига 20-30 ўрин, келгуси давр учун – 30-35 ўрин ажратилади.

Кинотеатр учун ажратилган участка унча катта бўлмайди, унинг кичик ёки қатталигига қараб 0,3 дан 7 гача берилади.

Функция ва композиция жиҳатдан бинонинг ўзагини ташкил этувчи томошабин зали кинотеатр композициясини яратишда мухим роль ўйнайди. Залнинг томошабинлар томонидан идрок қилиб олиш қонун қоидаларга боғлиқ бўлиб, бинонинг қирқими ва тархи ҳам шунга биноан тузилади. Экранни тўсиқсиз куриш учун орқада ўтирган томошабинни экраннинг пастки қиррасига қаратилган кўз нури олдинда ўтирган томошабинникига нисбатан 12 см баланд бўлмоғи керак.

Кинотеатрни унинг бўйлама профилига қараб баҳолайдиган бўлсак, амфитеатрли ва балконли заллар энг маъқул вариантлар ҳисобланади. Овал ва олтибурчак – томошабин залининг тарх ечимида энг мақсадга мувофиқ шакллар ҳисобланади. Айланма панорама кинотеатрларда ҳар бир экран учун иккитадан кинопроектор ўрнатилади.

**4-илова**

## Театр бинолари

Театрлар – энг қадимий жамоат бинолари бўлиб, антик очиқ театрлар, уйғониш даврида пайдо бўлган чуқур саҳнали театрлар, халқ театрларнинг турли шакллари замонавий спектаклларни кўрсатиш учун манба бўлиб, хизмат қилган. Залнинг тўрида жойлашганлиги сабабли, одатда бундай саҳна чуқур саҳна деб юритилади.

Театр биноси хоналари қуйидаги комплексларга тақсимланади:

a) Томошабин комплекси;
b) Намойиш комплекси (томошабин зали);
c) Саҳна комплекси;
d) Ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар.

*Томошабин комплексига* қуйидагилар киради: касса вестибюли, кириш вестибюли, тақсимловчи вестибюл, гардероб, кийимларни алмаштириш хонаси, фойе, кулуарлар, тамаддихона, музей, чекиш хоналари, хожатхоналар, кассалар ва навбатчи маъмур хоналари, бош маъмур хонаси, гардероб хизматчилари ва фаррошларнинг дам олиш хонаси ва ҳ.к.

*Намойиш комплекси* таркибига қуйидагилар киради: томоша зали, авасцена, ён кулуарлар, трюм (саҳна ости), ўрама декларациялар сейфи, саҳнанинг устки қисми, риопроекция хонаси, саҳнани ёритиш хонаси, саҳна ва зал ёруғлигини бошқариш аппаратхона, ўрта ва ён ложалар, овоз аппаратхоналари, сухондон ва таржимон бўлмалари. Намойиш комплексининг ўзагини саҳна ташкил этади. Колосникли ва бошқа типдаги (панорамали, уч томони очиқ, саҳна-арена ва бошқалар) саҳналар мавжуд.

Театр биносини икки комплексга бўлинган хоналар ташкил этади. Бири – намойиш комплекси бўлиб, ундан саҳна ҳаракатлари устида иш олиб борилади ва спектакл намойиш этилади. Иккинчиси – томошабин комплекси бўлиб, унда театрга келган томошабинлар кутиб олинади, жойлаштирилади ва уларга тегишли хизмат кўрсатилади.

Томошабин зали хамда чуқур саҳнанинг умумий кўриниши ва ички тузилишларини белгиловчи асосий кўрсаткич бу – томоша майдонининг ўлчамларидир.

Тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина спектаклларда саҳна ҳаракатларининг фаол қисми эни 8м дан 14м гача ва чуқурлиги 5м дан 10 м гача бўлган майдончада кечади.

Саҳна эни томоша майдони кенглиги ёки томошабин ўриндиқларини, декорацияларни, ёритиш воситаларини жойлаштириш ва спектаклни жойлаштирш ва спектаклни бемалол саҳналаштириш учун етарли бўлган кенгликдан келиб чиқади.

Саҳна баландлиги фон безаклари ва ҳажмий декорацияларни бир неча қават баландликда жойлаштириш имкониятини яратиб бериши зарур.

Томошабин зали театр биносининг композицион элементи ҳисобланади. Томошабин залининг 2 тури мавжуд – кўп қаватли ва амфитеатрли.

Театр бинолари шаҳарнинг марказий қисмларида жойлашиши ва шу марказ ансамблини ташкил этишда ўз ҳиссасини кўшмоғи керак. Театр биноси хоналари қуйидаги комплексларга тақсимланади:

A. *Томошабин комплекси;*

B. *Намойиш комплекси (зал-хона);*

C. *Саҳна комплекси;*

D. *Ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар.*

Театрнинг ишлаб чиқариш хоналари ва ёрдамчи омборлари, қоида бўйича, театр биноси яқинида алоҳида корпусда жойлаштирилади. Баъзи ҳолларда бундай хоналар театрнинг асосий биносига ўрнатилган бўлади.

**5-илова**

## Цирк бинолари

Цирклар катта шаҳарлар учун лойиҳалаштирилади. Улар шакли ва силуэти билан ажралиб турувчи бетакрор жамоат бинолари таркибига киради. Улар пиёдалар ва транспорт воситалари учун қулай бўлган кириш йўллари билан таъминланиши керак.

Композиция жиҳатидан циркларни шартли равишда иккита асосий – типга бўлиш мумкин: биринчи типи томошабин қисмига хос бўлиб, томошабин қисми ва унга бириктирилган ишлаб чиқариш қисмларидан ташкил топади. Композицион жиҳатдан ҳамма томонлама бир хил идрок қилувчи цирклар иккинчи типга хос бўлиб, асосан шаҳар майдонлари ва ҳиёбонларининг марказларига жойлаштирилади.

Юқори қия ҳолда кўтарилиб борувчи томошабинлар қаторларидан иборат бўлган амфитеатр манежнинг гир атрофини ўраб туради. Амфитеатрнинг қиялиги ҳар бир томошабиннинг манежни бемалол кузата олиш имконини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Зал гумбази, одатда конус ёки сферик сегмент шаклига эга бўлади. Гумбаз марказида манеж устида 18-20 м дан кам бўлмаган баландликда манеж диаметрига тенг бўлган диаметрли халқа жойлаштирилиб, унга гимнастика жиҳозларини боғлаб ва осиб қўйиш учун ишлатиладиган колосникли панжара ўрнатилади. Эстрада одатда, артистларнинг асосий чиқиш жойининг устки қисмини эгаллайди. Залнинг юқори қисмида (шифтда) ёруғликни таъминловчи восита ўрнатилади.

Ишлаб чиқариш хоналари ва артистлар пардозхоналари қоидага кўра, бинонинг орқа қисмида умумий гуруҳга бирлашган ҳолда жойлаштирилиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда ҳар бирининг томошабин зали билан алоқа қилиш имкониятини таъминлаши керак.

Артистлар пардозхоналарини театр меъёрларига биноан биринчи, иккинчи ва учинчи қаватларга жойлаштириш мумкин. Отлар ва бошқа ҳайвонлар сақланадиган хоналар артистларнинг манежга чиқиш йўлларига

бевосита яқин бўлган жойларда албатта биринчи қаватда (манеж юзаси баландлигида) лойиҳаланади.

Цирк кассаси асосий вестибюлга бирлашган ҳолда бўлади. Гардероб қоидага кўра амфитеатр остига жойлашган бўлиб, биринчи қават фойеси билан бевосита боғланган бўлади.

Циркнинг асосий ҳажмий шаклини белгиловчи ички фазовий структурани яратишда амфитеатрнинг юқори қаторларига ёки иккин қаватдаги фойега олиб чиқувчи зинапояларни тўғри жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

**6-илова**

**Блиц-сўров саволлари**

4. Кинотеатрларнинг қандай асосий турлари мавжуд?
5. Кинотеатрлар сиғими нимага қараб белгиланади?
6. Кинотеатр бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
7. Театр бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
8. Цирк бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?
9. Музей бинолари интерьерига қандай талабалар қўйилади? Нима учун?

| 8-**МАВЗУ** | СПОРТ ИНШООТЛАРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Стадионлар. Стадион трибуналари.<br>2. Универсал спорт заллари.<br>3. Ёпиқ спорт сув ҳавзалари.<br>4. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни спорт иншоотлари интерьерига қўйиладиган талабалар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Стадионлар ва стадион трибуналарига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Стадионлар ва стадион трибуналарига қўйиладиган талабларни билади |
| Универсал спорт заллари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Универсал спорт заллари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қўйиладиган талаблари ҳақида мустақил фикр юритади |
| Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талабларни очиб беради | Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Спорт иншоотлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий спорт иншоотлари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Стадионлар ва стадион трибуналарига қўйиладиган талабларни тушунтиради (3-илова).<br>2.3. Универсал спорт заллари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қўйиладиган талабларни тушунтиради (5 илова).<br>2.5. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талабларни очиб беради (6 илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (7-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[2]

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий спорт иншоотлари?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

[2]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган.

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Стадионлар. Стадион трибуналари.
2. Универсал спорт заллари.
3. Ёпиқ спорт сув ҳавзалари.
4. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари

**3-илова**

## Стадионлар ва стадион трибуналарига қўйиладиган талаблар

Қадимги Юнонда атлетик ўйинлар жамият ҳаётида катта ўрин тутган. Эрамиздан аввалги 776 йил Олимпия шаҳрида умум-юнон ўйинларининг ҳар тўрт йилда ўтказилишига асос солинди. Эрамиздан аввалги V аср ўрталарида атлетика ўйинларини ўтказиш мақсадида Олимпия шаҳрида биринчи стадион (ўйингоҳ) қурилди. Юнон стадионининг аренаси тўғри тўртбурчакли шаклда бўлиб, томонлари узунлиги нисбати 1:8,5 дан 1:6,1 гача, арена узунлиги эса 200 м бўлган.

Замонавий тасаввурда стадион деганда ўқув машҳулотлар турли қишги ва ёзги спорт турлари бўйича мусобақалар учун мўлжалланган ҳар хил иншоотлар комплекси тушунилади.

Комплекснинг асосий иншооти бу – стадиондир, яъни томошабинлар учун мўлжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Томошабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусабақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характерига кўра стадионларнинг турлари белгиланади.

Стадионда томошабинлар сиғимига кўра трибуналар спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипссимон ёки бошқа ёпиқ ҳалқасимон шаклда бўлиши мумкин.

Ўлчамларига кўра стадионлар қуйидаги тоифа (категория)ларга бўлиниши мумкин:

- Трибунаси 1500-3000 ўриндиқли кичик стадионлар;
- Трибунаси 2000-10.000 ўриндиқли, майдони камида 5-6га бўлган ўртача катталикдаги стадионлар;
- Трибунаси 10.000-50.000 ўриндиқли, майдони камида 10-15га бўлган катта стадионлар;
- Трибунаси 50.000дан кўп ўриндиқли, майдони камида 20-25га бўлган;
- Олимпик типидаги стадионлар.

Стадион бош режасини лойиҳалашда кўп минглик томошабинларни эвакуация қилиш вақтида турли оқимларни кесиб ўтмайдиган ҳолда шаҳар қурилишини ва йўлларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Транспорт йўлларининг жойлашиши, турли шаҳар ва шахсий транспорт воситаларининг тўхташ жойларида одамлар оқимининг тарқалиши билан узвий боғлиқ. Бунда

асосий кириш ва ички магистраллар жойлашиши белгиланади. Кириш жойларида касса хоналарини қуриш мўлжалланади. Кассалар чиптали томошабинлар оқимидан ташқарида жойлашади.

Бош режада стадион уч асосий қисмга бўлинади: демонстарцион, ўқув машғулот ва хизмат кўрсатиш қисмлари.

*Демонстрацион қисмда* асосий спорт аренаси ва трибуналар томошабинларга хизмат кўрсатиш, спортчилар, ҳакамлар бошқаруви, матбуот, радио ва телевидение хоналари жойлашади. Унда, шунингдек, очиқ ва қишқи сузиш ҳавзалари, велотрек, қўл ўйинлари ва тенис стадионлари жойлашган. Бу қисм тарқатувчи майдон ва эвакуация қилиш йўллари билан бевосита боғланган.

*Ўқув-машғулот қисмида* спорт майдони ва майдончалар жойлашган бўлиб, уларнинг баъзилари демонстрацион характерига эга. Бу қисмдаги спорт иншоотлари спортнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашган.

*Хизмат кўрсатиш қисмида* томошабинларнингдам олиш масканлари кафе, киосклар, санитария иншоотлари, стадионни эксплуатация қилиш боғлиқ иншоотлар – хўжалик ҳовлиси, устахоналар, оранжереялар, омбор-устахоналр ва бошқалар жойлашган.

Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида (ҚМҚ 207.01.94) қуйидаги тавсиялар берилган:

- Томошабинларни эвакуация қилишда (стадион ташқарисида) тарқатувчи майдоннинг зарурий ўлчамлари ҳар бир томошабинга 0,5-0,75 $м^2$ ҳисобидан аниқланади;
- Стадионга энг камида 2 та кириш жойи белгиланиши зарур; эвакуция йўлларининг (йўлакча, йўл, ўтиш ва кириш жойи) эни бир метрга 500 киши ҳисобидан аниқланади;
- Бевосита трибуналар оралиғида тарқатувчи майдонлар назарда тутилган бўлиб, бунда бир томошабин ўрни учун ўртача катталикдаги стадионларда – 0,5 $м^2$, катта стадионларда 0,3 $м^2$;
- Кириш кассаларининг сони 1500 кишига 1 дарча ҳисобидан белгиланади.

Жойнинг ҳолатига қараб, стадионнинг бош режаси шаклан турли кўринишда бўлиши мумкин.

Трибуналар кўп ҳолларда овал кўринишли спорт ареналари бош режаларида икки ён тарафдан ёки овал кўринишида қурилади. Бунда футбол майдони 69 х 104 м, айланма югуриш йўлкаси узунлиги 400 м, футбол майдони ва чопиш йўлкаси орасида эса икки енгил атлетика сектори жойлашган. Спортчилар ва томошабинлар учун трибуна остида ёки алоҳида бинода қуйидаги хоналар ажратилади:

- Спортчилар учун – вестибюл-грелка гардероб билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет хоналари, массаж, тиббий хона, ҳакамлар ва инструкторлар учун хоналар гуруҳи, дам олиш хонаси, буфетлар, спорт анжомларини сақлаш хоналари ва бошқалар;

- Томошабинлар учун – кассалар, кулуарлар, ҳожатхоналар, буфетлар (ресторан), киоск ва бошқалар;
- Маъмурий хўжалик хоналари – бошқарув ва муҳофаза, анжомлар учун ва бошқалар.

Замонавий стадионларда бир ярусли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда. Икки ярусли қурилмалардан фойдаланиш томошабин қаторларининг спорт аренасига яқинлашиш билан бирга, иккинчи ярус биринчи яруснинг ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади ҳамда икки томонлама ёритилганликни ва шамоллатишни, шунингдек иккинчи ярус остида бир қатор қўшимча хоналарни лойиҳалаш имконини яратади.

Трибуналарнинг тўлиши ва томошабинларни эвакуцияси эвакуация қилиш люклари орқали амалга оширилиб, улар қабул қилинган ўтиш жойларига қурилган.

Люклар орқали ўтиш системаси икки ёқлама очиқ ёки бир варакай тарқалиш кўринишида бўлиши мумкин. Бирваракай тарқалиш томошабинларнинг люклар олдида тўпланишини камайтириб, эвакуацияни бир текис ташкил этиш имконини беради.

Люкларнинг эни 1,5 дан кам эмас ва 2,5дан кўп бўлмаслиги зарур. Люклар сони ўтказиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, яъни 15.000 кишидан кўп бўлмаслик шарти билан белгиланади.

Трибуналарни юк кўтаришга ҳисоблашда 1м$^2$ гп 400 кп босим ҳамда қабул қилиниши зарур.

**4-илова**

## Универсал спорт заллари интерьерига қўйиладиган талаблар

Универсал спорт заллари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спорт турлари (гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс, спорт ўйинлари, велопойгалар, хоккей, конкида фигурали учиш ва б.) бўйича ўқув машқлари, демонстрация ишларининг олиб болиши талаблари асосида пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Универсел спорт заллари ўзгарувчан спорт аренасига, 10-15 минг томошабинга мўлжалланган трибунага, шунингдек машғулот заллари ва қуйидагича тартибадаги томошабин ва спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналарига эга; кириш (томошабинлар учун) хоналари, кулуарлар, буфет, киоск ва томошабинлар учун хожатхона; спортчилар учун хоналар – вестибюль гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва хожатхона, массаж, тиббиёт қисми, ҳакамлар, дам олиш хоналари, буфетлар, услубиёт хоналари ва бошқалар; маъмурий-хўжалик-раҳбарият, хўжалик бўлими, кассалар, мухофаза хонаси, ўқув бўлими, почта-телеграф ва бошқалар; ёрдамчи қўшимча хоналар-совутиш мосламалари учун, истиш, шамоллатиш, трансформатор подстанцияси, устахоналар ва бошқалардан иборат бўлади.

Бу бинонинг архитектуравий-режавий ва фазовий композицияси асосида ҳажмий ўлчамлари содда  ва ташқи кўринишидан аниқ ифодаланган тўғри тўртбурчакли иншоот ётади.

Бинода ўлчамлари 30х61 м бўлган спорт аренаси, 15.000 ўринли трибуна, ўқув-машғулот спорт зали ва спортчиларга ҳамда томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган.

Спорт аренасидан турли мақсадларда фойдаланилади. Унда хоккей ўйинлари, гимнастика ва бокс бўйича мусобақалар, ўқув-машғулотлар ёки сунъий муз устида фигурали учиш демонстрациялари ўтказилади.

Зал спортчилар ва томошабинлар учун барча турдаги замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Трибуналарнинг тўлиши ва эвакуацияси биринчи қаватда зални ўраб турувчи вестибюл, иккинчи қаватда кулуарлар ёрдамида амалга оширилади. Трибуналарда суянчиқли, ёндошсиз ўриндиқлар ўрнатилган. Ўриндиқнинг бир томошабин учун эни 40 см, кўндаланг ўтиш йўлаклари орасидаги масофа 35-50 см гача. Томошагоҳ қаторлари чуқурлиши 75 см.

**5-илова**

## Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қўйиладиган талаблар

Ёпиқ спорт сув ҳавзаларида жойлашадиган асосий хоналари гуруҳи:

- Спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари (улар умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин), вестибюл, гардероблар, ҳожатхоналар;
- Сузиш учун мўлжалланган ҳовузли зал;
- Спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналари – “қуруқ сузиш” машғулотларини ўтказиш зали, кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона ва массаж хоналари, тиббий хона, анжомлар, иситкич-куритгич, йўл-йўриқ бериш хонаси, услубий ва бошқалар;
- Томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари – кулуарлар, буфетлар, киосклар, хожатхоналар;
- Маъмурий-хўжалик хоналари – директор хонаси, хўжалик бўлими, ўқув бўлими, рўйҳат бўлими, кассалар ва бошқалар;
- Ёрдамчи қўшимча хоналар – филтрлар, хлоратор, дезинфекция хоналари, лаборатория, устахона, омборхоналар ва боқалардан иборат.

Спорт сув бассейларини лойиҳалашда сузишга чиққан пойафзалсиз, спорт кийимидаги спортчиларга алоҳида йўлаклар эътиборда тутилиши зарур. Шаҳар қурилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда бассайнларнинг мақсадли белгиланиши, сиғими ва бошқаларга қараб қишки ҳовузли бинолар шаҳарнинг алоҳида қисмида, стадион худудида, комплекс (мажмуа)нинг бошқа спорт биноларида, шаҳар ёки туман оромгоҳида жойлашиши мумкин.

Одатдаги бассейнли бинолар ҳовузнинг ўлчамларига боғлиқ равишда тўғри тўртбурчакли шаклда бўлади. Мамалакатимиздаги спорт сув ҳовузларини лойиҳалаш ва кўриш амалиётида ўқув машғулот ишлари ва мусобақалар  ўтказиладиган турдаги сув бассейнлари кенг тарқалган.

Қурилиш харажатларини камайтириш мақсадида спорт сув бассейнларининг алоҳида биноларда ёки бошқа бинолар (ҳаммомлар, олий ўқув юртлари мактаблар ва б.) ичкарисида жойлаштириш мумкин. Катта универсал 50х20 м ҳовузли, сакраш қурилмаси ва трамплини ҳамда 1000 ўринли трибунаси бўлган ҳавзанинг иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича: қайта қуриш майдони тахминан – 3000 $м^2$ , бино ҳажми – 40 000 $м^2$ атрофида, кичик сув ҳавзасининг ҳовузи билан қурилиш майдони – 25 х 12 м ва тахминан 1000 $м^2$ , бино ҳажми эса 15.000 $м^3$ атрофида.

Бассейн залининг ёпмасида асосан турли йиғма балка ёки темир-бетон конструкциялар қўлланилади. Шунингдек пластик темир-бетон қопламалр ва эгри чизиқли, юпқа йиғма армоцемент конструкциларидан ҳам фойдаланилади.

Бассейн залида жойлашган сузиш, сув ўйинлари учун мўлжалланган бассейн ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядроси ҳисобланади.

Бассейнинг қисқа ён томонларида сузиш йўлкалари марказ чизиғи бўйича сув сатҳидан 0,75 м баландликда старт тумбалари ўрнатилади. Режада тумбаларнинг ўлчамлари 0,5 х 0,5 м. Бассейн атрофида айланма йўлкалар мўлжалланган бўлиб, ён тарафдаги йўлкаларнинг эни 3 м. Бу йўлкалар 2 қисмдан иборат: асосий ва ёнлама (хусусан, ҳовуз билан чегарадош). Ёнлама йўлка бассейнга сувнинг қайтиши учун нишабликка эга (0,0005%, эни 50 см). Ҳовузнинг бўйлама узунлиги бўйлаб икки томонида ва сув сатҳидан 1,2 м пастда дам олиш зинаси бўлиб (15 см), қирралари йўналган ҳолатда бўлади.

**6-илова**

## Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

Ёрдамчи хоналар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади, томошабинлар учун хоналар; спортчилар учун хоналар; хакамлар ва тренер-мураббийлар учун хоналар; радио-телерадио шарҳловчилар ва матбуот хоналари; маъмурий-хўжалик хоналари.

Спорт иншоотларини томошабинлар трибуналари билан лойиҳалашда томошабинлар ва спортчиларнинг ҳаракатланиш йўлаклари ҳамда зоналарининг алоҳида бўлиши талабларига қатъий риоя этилиши лозим. Томошабинлар учун мўлжалланган хоналарга вестибюллар, гардероб, коридорлар, фойе, буфетлар, чиқиш жойлари, чипта сотиш кассалари ва фахрий ташриф буюрувчилар учун хоналар киради.

Спортчилар учун хоналар гуруҳи қуйидагича: вестибюл гардероби билан кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона, массаж хоналари, қуруқ-иссиқ ҳаммом, тиббийхона, услубиёт хонаси, буфетлар, дам олиш хонаси ва спортчиларни аренага чиқиш олдидан йиғиш хоналари. Душ хонасининг энг кичик ўлчами 0,9 х 0,9 м. Чегараловчи деворнинг баландлиги 2 м. Душ хоналари қаторлари орасидаги йўлакнинг эни 1,5 м. Гардеробли вестибюл

майдони ҳар бир томошабин учун камида 0,24 $м^2$ фақат гардероб майдонида эса ҳар бир томошабин учун 0,08 $м^2$ га тенг ўлчамларда қабул қилинади. Барьер (тўсиқ)нинг узунлиги 40-50 томошабинга (баъзи ҳолларда 60 томошабин) 1м барьер ҳисобида қабул қилинади. Кулуарлар, фойе ва буфетларда умумий меъёрларга кўра ҳар бир томошабин учун 0,5-0,6$м^2$ қабул қилинади. Спорт иншоотидаги санитария узуллари барча қаватлар бўйича бир текисда тарқалиши лозим.

Массаж хоналари 1 стол учун 12 $м^2$ . Столлар сони кўпайиши билан ҳар бир стол учун 6$м^2$ қўшилади.

Буфет спорт залида ёки бассейнда шуғулланаётган ҳар 6 кишига бир ўрин (1,2-2$м^2$ ) ҳисобида лойиҳаланади ва буфет учун қўшимча хоналар назарда тутилади. Дам олиш хонаси спорт залида ёки бассейнда шуғулланаётган ҳар бир киши учун 1,5$м^2$ ҳисобида аниқланади.

Тиббийхона қабулхона, ечиниш ва шифокор хоналаридан иборат бўлиб, замонавий иншоотларда махсус жиҳозланган муолажа хоналари ҳам лойиҳаланади. Бундай хоналар спортчиларнинг кириш жойларига яқин жойлашиши ва спорт аренасидаги ёки бассейндан қулайлик билан келиш имкони бўлиши зарур.

Хакамлар учун хоналар – зал таркибида хакамлар ҳайъати учун, бош хакам хонаси, котибият, фотолаборатория хоналари, кийим алмаштириш, душ ва ҳожатхоналар. Бу хоналар мусабақа ўтказилаётган жой ва финиш зонаси ҳамда хакамлар ўринлари билан қулай боғланган бўлиши зарур. Радио-телешарҳловчиларнинг хоналари гуруҳи асосан трибуналарнинг охирги қаторларидан сўнг ёки қаторлар узилган оралиқларда, икки қаватли трибуналарнинг қават оралиқларида жойлашади.

**7-илова**

## Блиц-сўров саволари

1. Дунёда биринчи стадион қачон ва қаерда қурилган?
2. Биринчи стадионнинг ўлчамлари ва шакли қандай бўлган?
3. Ўлчамларига кўра стадионлар қандай турларга бўлинади?
4. Бош режада стадион қандай асосий қисмларга бўлинади?
5. Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида қандай тавсиялар берилган?
6. Замонавий стадионларда бир ярусли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда. Нима учун?
7. Ёпиқ спорт сув ҳавзаларига қандай талаблар қўйилади?
8. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналарига қандай талаблар қўйилади?

| 9-**МАВЗУ** | САВДО, МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши.<br>2. Савдо марказлари.<br>3. Умумий овқатланиш муассасалари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва иншоотлари интерьерига қўйиладиган талабалар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши ҳақида тушунча беради | Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши ҳақида тушунчага эга бўлади |
| Савдо марказлари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Савдо марказлари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Умумий овқатланиш муассасалари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Умумий овқатланиш муассасалари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва иншоотлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий спорт иншоотлари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши ҳақида тушунча беради (3-илова).<br>2.3. Савдо марказлари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Умумий овқатланиш муассасалари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (5 илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[3]

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий савдо шаҳобчаси?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

[3]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган.

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши.
2. Савдо марказлари.
3. Умумий овқатланиш муассасалари

**3-илова**

## Ёпиқ бозорларнинг шаклланиши

Ёпиқ бозорлар махсус савдо-сотиқ учун ихтисослашган жамоат бинолари бўлиб, тарихдан қадими агора ва форумлар билан боғлиқ. Бу қадимий шаҳарларнинг жамоат майдонлари ҳаёт аренаси, шунингдек, халқ йиғинлари билан биргаликда савдо-сотиқ ишларини олиб бориш жойи саналган.

Ўрта асрларда, сўнгра уйғониш даврига келиб Ғарбий Европадаги шаҳарларда бозор майдонлари савдо-сотиқ ва ижтимоий ҳаёт маркази сифатида фаолиятини давом эттирди. Улар шаҳар марказида жойлашиб, савдо қаторлари ва галереялар билан ўралди. Шаҳарлар катталашган сари, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ўсиб боради. Очиқ турдаги бозорларда катта миқдордаги турли тез б узиладиган маҳсулотлар йиғилиб қола бошлайди. Бу маҳсулотларни қуёш нурларидан, ёмғирдан, қордан, чанг ва бошқа салбий таъсирладан ҳимолаш зарурияти туғилди.

Катта сиғимли (500 савдо ўрни ва ундан ортиқ) опиқ бозорлар шаҳар марказида жойлашган бўлиб, ўрта ва кичик сиғимли (савдо ўринлари 500 тагача) бозорлар эса туман аҳамиятига эга ёпиқ бозорлар ҳисобланади. Ёпиқ бозорлар ҳажмий-режавий тузилишига кўра бир залли (кичи сиғимли), павильон туридаги, икки-уч залли (ўртача ва катта сиғимли) павильон кўринишидаги бозор турларига бўлинади.

Ёпиқ бозорлар ўзининг ҳажмий-фазовий композициялари, умумий абсалют ўлчамлари, шунингдек, алоҳида қисмларининг ўлчам ва пропорциялари билан бошқа маъмурий-маиший мақсадлардаги бинолардан сезиларли даражада ажаралиб туради.

Ёпиқ бозорлар ўз хусусиятига эга бўлиб, шаҳар қурилиши масалаларини ечишда уларга ташриф буюрувчи кўп сонли харидорларни ва катта миқдордаги юк оқимини эътиборда тутишни талаб этади. Биринчи омил – бозорга кириш ва чиқишни ташкил этишни талаб этса, иккинчи омил – товар маҳсулотларни етказиб келиш мақсадида автотранспорт йўлларини яратишдир. Ёпиқ бозорларни аҳолига хизмат кўрсатиш қуллай бўлиши учун шаҳар туманларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда, эҳтимолга яқин режадаги хизмат кўрсатиш радиусини, яъни ёпиқ бозор ва харидор орасидаги энг кўп узоқлашув оралиғини назарда тутиш зарур.

Катта шаҳарларда хизмат кўрсатиш радиуси ўртача 1-1,5 км, кичик шаҳарларда 1,5 – 2 км дан ошмаслиги керак. Санитария талабларига кўра ёпиқ бозорлар ифлослаеиш, кирланиш манбаларидан ва чиқиндиларни

зарарлантириш жойларидан камида 1,5 км, ўзидан чанг ҳамда кучли ҳид ажратувчи омборхона ва саноат корхоналаридан камида 500 м узоқликда бўлиши зарур. Ёпиқ бозорлар катта оралиқни бинолар бўлганлиги сабабли, уларнинг лойиҳаланиши важойлаштирилиши, шаҳардаги бошқа бинолар билан уйғунлашган архитектуравий ансамбл яратилиши керак. Бир объект учун ер майдонининг ҳажми 1,5 га, шаҳар туманларида эса бозор қурилиши учун 0,5 га ер майдони мўлжалланади.

Бозор биноларининг ҳажмий-режавий тузилиши конструкцияси, бино қаватлари ҳарорат-намлик режими хусусиятлари, шамоллатиш тизимига, табиий ёритилганлик ва савдо заллари интерьерининг характерларига боғлиқ.

Савдо залининг архитектуравий интерьерини яратишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- Бозор биноларидаги савдо залларида кенг ва тўсиқсиз кўринишни таъминлаш мақсадида тиргаксиз, устун ва бошқаларсиз ёпмаларни қўллаш масадга мувофиқ;
- Девор юзалари, ораёпмалар, витражлар ва пол юзалари силлиқ ва узоқ вақтга чидамли ҳамда тозалаш қулай бўлиши (сув босими остида ювишга мўлжалланган), шунингдек савдо жиҳозлари (расталар, стендлар ва б.) сув ва ҳаво ўтказмайдиган ва қуллай тозаланадиган силлиқ қопламаларга эга бўлиши керак;
- Савдо залининг архитектура интерьеридаги ранглар маҳсулотлар рангини нейтраллаштирмай, балки табиий рангларни яққол кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши – харидорнинг тақдим этилаётган махсулотларга баҳо беришига тўсқинлик қилмаслиги зарур.

Шу сабабли бозор интерьерида асосан ёрқин, оқ колорит ранглардан фойдаланган маъқул.

**4-илова**

## Савдо марказлари интерьерига қўйиладиган талаблар

Замонавий шароитларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланши савдо корхоналари, шунингдек уюшмаган, алоҳида ёки қўшимча қурилган объектлар билан бир қаторда барча хизматлар жойда мужассамлаштирилган бинолар комплекслари-савдо марказлари катта роль ўйнамоқда. Бу ўз навбатида, аҳолига қатор қулайликларни сезиларли даражада туғдирибгина қолмай, балки савдо ва маданий-маиший корхоналар ишларини ташкилий жиҳатдан яхшилашга имкон беради.

Чакана савдо корхоналари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш шаҳарнинг таркибий режалаштирилган ўлчамларига ва аҳолининг сонига боғлиқ. Савдо марказлари сиғими ва белгиланиш мақсадига кўра асосий – шаҳарнинг катта турар жой массивига ёки шаҳарга хизмат кўрсатувчи ва иккинчи даражали – турар жой ёки микрорайонларнинг савдо марказлари турларига бўлинади.

Конкрет шароитларда хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этишда савдо марказлари блоклардан ёки секциялардан тузилади. Янгидан қурилаётган шаҳар туманида кооперацияланган савдо марказини, ҳажмий-режавий таркибини ва бир-бири билан технологик боғланган умумий корхоналар мажмуасини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ.

Турар – жой худудининг савдо марказлари тизимига: махсуслаштирилган кийим-кечак, пойафзал, галантерея, доимий ва даврий талабдаги хўжалик моллари; ошхоналар, кафе, тамаддихоналар; маиший хизмат корхоналари ва ательелар, почта жамғарма банклар, сартарошхоналар киради.

Савдо марказлари учун қуйидаги ҳажмий-режавий қурилмалар характерлидир.

1. Бино савдо маркази бўлганда. Бу ҳолда ёрдамчи хоналар бинонинг орқа қаторида жойлашиб, дўконлар омборларга юк тушириш, автомобиллар туриш жойларини ташкил этишда қатор қулайликлар яратилади. Камчилиги эса харидорлар ҳаракатланувчи йўлларни узайишидир.
2. Савдо маркази 2 қаторли бўлиб, қаторлар орасида пиёдалар учун йўлка ташкил этилган ҳолда.
3. Ёпиқ савдо марказлари биноси, унда пиёдалар харакати теварагида жойлашган бўлганда.
4. Савдо маркази бинолари ярим очиқ пиёдалар майдони атрофида жойлашган.
5. Савдо маркази бинолари пиёдалар майдонининг марказида жойлашган.

Тез-тез ташриф буюриладиган озиқ-овқат дўкони, почта, дорихона ва бошқаларни бинонинг биринчи қаватида, майдон ёки кўчаларга яқин ерда жойлаштирилади.

Кафе ва ресторанлар, маданий-томошабоп бинолар яқинида яшил майдонлар мавжуд бўлган жойларда лойиҳаланади. Бунда уларда терассага ёки ички ҳовлига чиқиш имкони бўлиб, ёз ойларида улардан очиқ заллар кўринишида фойдаланиш мумкин. Маиший хизмат кўрсатиш корхонасини иккинчи қаватга жойлаштириш мумкин.

**5-илова**

## Умумий овқатланиш муассасалари интерьерига қўйиладиган талаблар

Умумий овқатланиш муассасалари халқ хўжалигининг энг йирик соҳаларидан бири бўлиб, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамиятга эга. Умумий овқатланиш муассасалари дам олишни ташкил қилишга шароит яратиб беради. Бу эса – ягона дам олиш оилавий тадбирлар, дўстлар билан учрашувлар ва бошқалар. Бу ерда турли-туман хордиқ чиқарувчи (мусиқа, рақс, эстрада) томошалар, юқори савияда хизмат кўрсатиш, янада турли-туман ва сифатли таомлар ассортименти (уйдагига

солиштирганда), санитария-гигиена шароитини ҳамда ошпазлик маҳоратини ҳисобга олиш керак. Умумий овқатланиш муассасаларининг архитектураси жуда ҳам хилма хилдир. Булар баланд меҳмонхоналар таркибига киритилган блоклар, алоҳида қурилган, замонавий архитектуравий шаклдаги кўринишга эга бўлган, миллий руҳдаги жозибали объектлар бўлиб, телеминораларда, кўприк остига ҳамда турли жойларга қурилган.

Йирик турдаги умумий овқатланиш муассасалари шаҳар ички муҳитининг шаклланишида ҳозирги замонда мавжуд бўлган анъанавий типдаги умумшаҳар муассасинининг тармоғини ташкил қилади. Тармоқларни лойиҳалаш жараёнида ушбу худудларнинг хусусиятини ҳисобга олиш, уларни режалаштиришни ҳал қилиш, аҳоли контингентини ривожланиш хусусиятлари, унинг оладиган фойдаси ва бошқалар ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам, аҳоли яшаш худудларида умумий овқатланиш муассасалари тармоғи ёпиқ ва очиқ турга бўлинади.

Ёпиқ турдаги тармоққа саноат муассасалари қошидаги, мактаб ёшигача бўлган болалар, дам олиш ўқув юртлари, санатория-соғломлаштириш ва шифохона муассасалари киради.

Очиқ турдаги тармоққа аҳоли яшаш жойларидаги умумшаҳар қурилиш худудларидаги, меҳмонхоналардаги, савдо-сотиқ жамоат марказларидаги ҳамда барча йўллардаги умумий овқатланиш муассасалари киради.

Шаҳардаги умумий овқатланиш муассаси турларига ресторанлар, ихтисослашган, яримтайёр маҳсулотлар, кулинария ва кондитер махсулотларидан иборат кафе-барлар, умумий тарздаги газакхоналар, махсуслаштирилган мажмуалар киради.

Бу муассасалар асосан ўтган-кетганлар учун бўлиб, шаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кўчаларида, транспорт тўхташ бекатларида, шаҳар савдо-сотиқ мажмуа марказларида ҳамда шаҳар ва унинг атрофидаги маданий дам олиш масканларида ҳамда бошқа жойларда бўлиши мумкин.

Муассасанинг алоҳида бинода бўлиши, асосан, йирик аҳоли мажмуаларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлади. Булар ошхона ва чойхоналар, кафелар, барлар, қандолат дўконлари ва яримтайёр маҳсулотлар муассасаларидир. Уларнинг архитектуравий-ҳажмий режалари ва технологик ечимлари ўзига яраша турли туман бўлиб, архитектуравий композициялари ҳам жойлардаги аниқ шароитга қараб атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган ҳолда қуришни тақозо этади.

Умумий овқатланиш муассасаларининг композициясини савдо ва ёрдамчи хоналарнинг ўзаро уйғунлашганлиги ва бинонинг қаватма-қават жойлашиши аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга асосий хоналарнинг ва барча, унинг таркибидаги хоналарнинг ўз ўрнига қараб жойлашиши, неча қаватлилиги режанинг қайси кўринишидаги албатта муҳимдир.

**6-илова**

## Блиц-сўров саволари

1. Ёпиқ бозорнинг ўзига хос томонларини очиб беринг.
2. Ёпиқ бозорлар хизмат кўрсатиш радиуси қандай бўлиши керак? Нима учун?
3. Бозор интерьерида қандай ранглардан фойдаланиш керак? Нима учун?
4. Савдо марказларига қандай талаблар қўйилади?
5. Савдо марказлари учун қандай ҳажмий-режавий қурилмалар характерлидир?
6. Умумий овқатланиш муассасаларига қандай талаблар қўйилади?
7. Умумий овқатланиш муассасалари интерьерида нималар ҳисобга олиниши зарур?

| 10-**МАВЗУ** | МАЪМУРИЙ ВА КОММУНАЛ БИНОЛАР |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар.<br>2. Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни маъмурий ва коммунал бинолар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритади |
| Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Маъмурий ва коммунал бинолар” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий меҳмонхона” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (3-илова).<br>2.3. Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова). | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (5-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[4]

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий савдо шаҳобчаси?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

[4]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

**2-илова**

## Маъруза режаси

1. Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар.
2. Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар

**3-илова**

## Бошқарма муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар

Республикамиз ҳаётининг идеологик иқтисодий ва бошқа барча жабҳаларига раҳбарлик қилувчи, давлат ва маъмурий-хўжалик бошқарув аппаратлари органларини, шунингдек, муассасалари ҳамда ташкилотларни жойлаштириш учун махсус бинолар қурилади. Уларнинг мақсадлари турлича: булар вазирликлар ва қишлоқ кенгашлари, трестлар ва халқ суди, давлат банки бўлинмалари ва жамоа хўжаликлари бошқаруви биноларидир. Булар қуйидагилар:

- Давлат муассасалари, бунда Олий Мажлис котибияти ва девонхоналари, Вазирлар Махкамаси котибияти, вазирликлар, давлат қўмиталари;
- Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимияти бинолари;
- Партиялар ва жамоат ташкилотлари;
- Маъмурий-хўжалик муассасалари, бирлашмалар, трестлар, бошқармалар, бўлимлар, идоралар, агентликлар, инспекциялар ва хокозо;
- Лойиҳалаш институтлари, идоралари, конструкторлик бюролари;
- Юридик муассасалари, суд, прокуратура бинолари;
- Пул-кредит муассасалари, давлат банкининг, тижорат банклари бошқарув идораларининг бўлимлари бинолари;
- Алоқа муассасалари – шаҳар, туман, бошқарув идоралари ва уларнинг бўлимлари, телеграф, телефон, радиомарказлар бинолари;
- Нашриёт, босмахона ва редакциялар бинолари.

Ҳар бир маъмурий марказ ёки саноат марказида ўнлаб, катта шаҳарларда эса юзлаю бошқарув ва лойиҳалаш ташкилотлари мавжуд. Ўзининг функцияларига, аҳамиятига, аксарият абсалют катталиги (қурилиш ҳажми, қаватлилиги) каби ижобий жиҳатларига кўра бу бинолар шаҳар марказининг архитектуравий кўринишини белгилайди.

Ҳажмий-фазовий композициясига ва шаҳар структурасида жойлашишига қараб маъмурий бинолар ва комплекслар майдонда ёки кўчада доминантлик қилиши, қурилаётган бинони шакллантириши, туташликни, узайтирилган ёки очиқ шаҳар муҳитини ташкил этиши, шунингдек муҳим режавий тугуннинг ориентири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Вазирликлар бинолари асосан хукумат марказига яқин жойлашади, умуман олганда улар шаҳарнинг асосий магистралларида, бошқа бошқарув бинолари ва мухим жамоат муассасалари иншоотлари биргаликда мужассамлашади. Муассасалар ходимлари хоналарда ва иш жойи (лойиҳалаш заллари)да жойлашишлари мумкин.

Хоналарнинг ўлчамлари 9-12 да 54-60м$^2$ га бўлиб, бошлиқнинг хизмат матабаси, маъмурий аҳамият ва муассасанинг катталигига кўра белгиланади. Бошқарув идоралари биноларида турли мажлислар ва кенгашлар учун мўлжалланган заллар катта аҳамият касб этади. Конференц-заллар бино сиғимининг 40-50% ини ташкил этади. Конференц-залнинг бир ўрин учун майдони 0,7-0,8м$^2$ . Бошқа ҳолларда эса томошабин ўринларнинг жойлашиши, залдан чиқиш ва ўтиш жойлари клубларга қўйиладиган талабларга жавоб бериш керак.

Гардеробли вестибюллар ҳар киши учун 0,254 м$^2$ бўлган меъёр асосида лойиҳаланади. Буфет ва ошхоналарда ўтириш жойларининг сони бино умумий сиғимининг 20% ташкил этади. Буфетлар 50 кишидан кўп бўлган биноларда, ошхоналар эса 250 кишидан ортиқ ходимлар мавжуд бўлган биноларда жойлаштирилади. Ошхоналарнинг фаолияти яримтайёр маҳсулотлардан таомлар тайёрлашга асосланади.

Бошқарув идоралари биноси композициясини, одатда, майда ячейкали, кўп марта такрорланувчи модул тузулиши аниқлаб беради. Бинонинг ҳажмий композициясини танлашда унинг содда ёки мураккаб шаклда эканлигига, горизантал юза бўйича ривожланиб борувчи, асосий ёки бир неча тарқоқ йўналишлардаги ўқларда ташкиллаштирилганлиги, бинонинг катталиги, майдоннинг ўлчамлари ва тузилиш шаклига, бинонинг шаҳарда тутган ўрнига ва унинг қурилиш жараёнидаги ролига боғлиқ.

Асосий муаммо баландлиги 10 қават ва ундан ортиқ бўлган биноларнинг ёнғин хавфсизлигидир. Бу муаммо тутун кира олмайдиган зинапоя бўлимлари ва лифт шахталари, тутунни камайтирувчи махсус тизимлар, хабар бериш, ёнғинни ўчириш, ёнғин автоматикаси каби мосламалар билан таъминланиши орқали ечилади.

Бошқарув идоралари биноларидаги ишхоналарнинг архитектуравий интерьери тавсифи майдонни мебеллар, иш жиҳозлари, кўкаламзорлар, иш ўринларини гуруҳлаш, бўлиш спецификаси билан аниқланади: у бир хилда ҳал этилган пол, шифт текислиги ва функционал хусусиятлари, пластик бой иш жиҳозлари, деворлари ҳамда турли-туман материалларни бир-бирига таққослаш ёрдамида қурилади.

**4-илова**

## Меҳмонхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар

Меҳмонхона бинолари одамларнинг қисқа вақт давомида яшашлари ва маданий- маиший талаб асосида хизмат кўрсатиш мақсадларида қурилади. Бундай иншоотлар барча турдаги зарурият коммунал қулайликлар (сув, канализация, истиш қурилмалари ва ҳокозо) билан жиҳозланган ва замонавий ҚМҚ га асосланган хизмат кўрсатиш комплекси билан таъминланган бўлиши зарур.

Комфортлилиги, сиғими ва техник жиҳозланганлиги, шунингдек, таклиф этиладиган хизмат кўрсатиш ҳажмига қараб Ўзбекистонла ва халқаро майдонла меҳмонхоналар 5 қурилиш разрядига бўлинади.

Хоналарда биттадан тўртагача ўрин бўлиши мумкин. Замонавий меҳмонхона мураккаб тузилишга эга бўлиб, бир нечта турли функционал хоналар гуруҳларидан ташкил топади ҳамда унинг алоҳида қисмлари ўзаро ўзига хос технологик боғланишларга эга бўлади.

Тараққий этган меҳмонхона биносида асосий функционал хоналар гуруҳига қибул қилиш ва хизмат кўрсатиш хоналари киради, уларни вестибюл гуруҳи деб аташ мумкин; яшаш хоналари гуруҳи, умумий овқатланиш хоналари гуруҳи, маъмурий хоналар гуруҳи, шунингдек, мухандислик жиҳозлари хоналари гуруҳи шулар жумласидандир.

Меҳмонхона, дам олиш муассасалари ва туризм иншоотларидаги умумий ҳажмининг 50% идан ортиғини яшаш хоналари ташкил этади. Дам олиш хонасининг меъёрий майдони бир киши учун 9 м$^2$ , икки киши учун 12 м$^2$ белгиланган.

Дам олиш хоналаридаг санитария узелларининг олд-даҳлизли (тамбур) бўлиши эътиборда тутилади. Санитария узели ва унинг олд қисмидаги майдон одатда 5-6 м$^2$ ташкил этади. Олд дахлиз деворига шкаф қурилади. Асосий коридорларнинг эни 1,8 м$^2$ дан кам бўлмаслиги зарур. Дам олиш хоналари учун энг яхши йўналиш жанубий ва жанубий-шарқий йўналишдир. Дам олиш хоналарининг йўналишини аниқлашда ландшафтнинг жозибали томонига қаратиш лозимлигини эътиборда тутиш керак.

Ошхона ёки ресторан асосий корпусда жойлашган бўлса, улар аксарият ҳолларда биринчи қаватда лойиҳаланади. Дам олувчиларга яшаш шароитлари билан бирга тегишл маиший хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналарда маданий-оммавий хизмат кўрсатиш хоналари назарда тутилади. Маданий-оммавий хизмат кўрсатадиган хоналар: томоша зали, рақс тушиш зали, фойе, кутубхоналар, тўгарак хоналар, бильярд ва меҳмонхоналардан ташкил топади.

Курорт меҳмонхоналарини лойиҳалашга қўйилган вазифалар асосида очиқ ва ёпиқ сузиш бассейнлари, ҳаммом (сауна)лар, қишки спорт заллари назарда тутилади.

Маъмурий хоналар гуруҳи аксарият ҳолларда бинонинг биринчи ёки иккинчи қаватига жойлаштирилади. Хизматчи-ёрдамчи, хўжалик ва

муҳандислик жиҳозлари хоналари, навбатчи ходимлар хоналари гуруҳига киради.

Шунингдек, кир ва тоза чойшаблар хонаси, таъмирловчи уста, дурадгор хоналари; мебель ва жиҳозлар заҳиралари; шамоллатиш камералари, истиш пунктлари, насос хонаси, электрощит, чиқиндиларни олиб чиқиш камералари ҳам шулар жумласидандир.

Меҳмонхонанинг конструктив схемаси асосида яшаш хонасининг ўлчамлари ётади. Замонавий меҳмонхона бинолари қурилишида каркас ва панел, шунингдек, монолит, темир-бетон системалари кенг тарқалган.

Меҳмонхоналар қурилишида қуйидаги энлам а конструктив қадамлар қўлланилади: 480, 540, 600, 640 ва 720 см. Бир кишилик хонанинг ўқлар оралиғи (кенглиги) 240, 270, 300, 330, 360 см ўлчамида бўлиши мумкин.

**5 илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. Бошқарма муассасалар турларини кўрсатинг.
2. Вазирликлар бинолари қандай бўлиши керак?
3. Бошқарув бинолари композициясида нималарга эътибор қаратиш лозим? Нима учун?
4. Меҳмонхоналарга қандай талаблар қўйилади?

| 11-**МАВЗУ** | ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Темир йўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари.<br>2. Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари. Гаражлар.<br>3. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни транспорт иншоотлари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Темирйўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Темирйўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари, гаражлар қурилишига қўйиладиган талабларни | Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари, гаражлар қурилишига қўйиладиган талабларни тушунади |

| | |
|---|---|
| тушунтиради | |
| Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш ҳақида суҳбат ўтказади | Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш бўйича ўз ғоя ва таклифларини беради |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Маъмурий ва коммунал бинолар” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий темир йўл вокзали” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Темирйўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (3-илова).<br>2.3. Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари, гаражлар қурилишига қўйиладиган талабларни тушунтиради(4-илова).<br>2.4. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш ҳақида суҳбат ўтказади (5-илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |

| | | |
|---|---|---|
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**Беш дақиқали эссе[5]**

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий темир йўл вокзали” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Темир йўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари.
2. Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари. Гаражлар.
3. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш

**3-илова**

**Темирйўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари**

Вокзаллар ўзига хос хусусиятлари бўйича бир қатор турларга таснифланади, яъни фойдаланилаётган тарнспорт туралир ва тайинланиши, магистралдаги ўрни, ўтказиш хусусияти ва сиғими ҳамда пассажирлар (йўловчилар) категориясига кўра таснифланади.

Транспорт иншоотлари фойдалнилаётган транспорт тури ва тайинланишига кўра алоҳида темирйўл вокзаллари ва павильонлари; аэровокзаллар, шаҳар вокзалларининг агентликлари. Вокзалнинг режавий структурасида келаётган поездларнинг (автобуслар, самолётлар) фақат тўхтаб ўтиш муддати орасида вокзал хоналаридан фойдаланувчи йўловчиларнинг эҳтиёжлари ҳам инобатга олиниши керак. Аэропортлардан хорижга чиқиб кетаётганларга, поездлар ёки самолётлардан халқаро йўловчиларга фақат чегаралардаги станцияларда хизмат кўрсатиш назарда тутилади.

Турли мақсадлардаги вокзаллар қоидага кўра пассажирлар хоналари гуруҳи (операцион заллар, кутиш заллари, она ва бола хоналари, ресторанлар, буфет-кафелар, савдо киосклари, маълумот бериш шахобчалари, почта-телеграф), маъмурий-хизматчи хоналар (станция ва вокзал бўйича навбатчи диспетчерлар хоналари, йўналишдаги ходимлар хоналари, алоқа жиҳозлари ва б.) ва техник-кўмакчи (қозонхона, бойлер хонаси, трансформатор ва вентиляцион камералари, омборхоналар ва б.) гуруҳларига бўлинади.

---

[5]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

Вокзал сиғимини кенгатиришда очиқ кўкаламзорлаштирилган ҳовлилар, ёнғин ва қуёшдан ҳимояланган терассалар, текис томлар, йирик балконлар яхши захира (резерв) ҳисобланади.

Кутиш заллари (ҳар бир пассажир учун 1,3 да 3,9 м гача) яқинида жамоат овқатланиш корхоналарини, кафе-буфет, тамаддихоналарини жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Вокзалларнинг ҳажмий-режавий тузилишига ички муҳитни ташкил этишнинг замонавий принциплари сезиларли таъсир этади. Замонавий вокзалларнинг комфортлилик даражаси аксарият қўлланилаётган технологик ва инженерлик жиҳозлари, экскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаклар, юк ташиш транспортёрлари ва кўтариш мосламалари, телескопик траплар, қуёшдан ҳимояловчи кўтарма-айланма жалюзилар, автоматик очилувчи эшиклар ва бошқалар билан аниқланади. Энг юқори бадиий-эстетик самадорликка, эффектга фақат вокзал мажмуасига кирувчи барча бинолар, иншоотлар ва элементларнинг ўзаро муносиб ечими билангина эришиш мумкин.

Темирйўл вокзали ва автобус вокзалини бирлаштириш йўлидаги биринчи қадам перрон ва вокзал олди майдонидаги ҳаракат жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат. Замонавий фуқаро авиацияси шаҳарларда узоқда жойлашган аэроторларга эга бўлиб, улар аксарият автомобил йўллари билан боғланади.

**4-илова**

## Йўловчилар учун жамоат транспорти иншоотлари. Гаражлар

Пиёдалар йўлкаларини ва зоналарини яратиш, аҳолининг тиғиз ҳаракат мавжуд бўлган шаҳар кўчалари ва йўлларининг пиёдалар томонидан кесиб ўтилишини истисно этмайди. Ҳаракатланиш қисмидаги ўтиш жойлари чорраҳаларда ҳамда аҳоли тўпланадиган пунктлар – йирик саноат корхоналари, савдо, томоша, ўқув, маъмурий ва бошқа бинолар комплексларида белгиланади. Бундай ўтиш жойлари одатда махсус кўрсаткичлар, белгилар, йўл сиртидаги алоҳида чизиқлар ва бошқалар билан белгиланади.

ҚМҚ 2.07.01-94 га асосан кенг жамоатчилик ташриф буюрадиган бино ва иншоотлардан жамоат транспорти тўхтайдиган пунктларгача бўлган оралиқ масофа – 500 м, IV климатик туманларда эса 400 м дан ошмаслиги зарур. Юқори тезликдаги автомобил йўлларида ва узлуксиз ҳаракат давом этадиган магистрал кўчаларда, тарнспорт воситаларининг ҳаракати юқори даражада тиғизлиги билан ажралиб турадиган йўллар ва кўчаларда, шунингдек, пиёдалар оммавий ҳолда кўчани кесиб ўтадиган жойларда ерости ёки ерусти ўтиш жойларини лойиҳалаш зарур бўлади.

**Гаражлар.** Нисбатан йирик жамоат бинолари ва уларнинг мажмуаларидаги автомобилларни сақлаш жойлари ва гаражлар аксарият фазовий структурасининг ва баъзи объектлар архитектуравий композиясининг ажралмас элементига айланиб бормоқда.

Автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари эса даврий ёки эпизодик ташриф буюрадиган объектлар яқинида (иш жойлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, дам олиш зоналари), асосан, автомобилларни очиқ ҳолда сақлаш жойларида назарда тутилади. Енгил автомобиллар учун ҳисобий сифатида кам литражли, ўлчамлари режада 170 х 410 см ва автомобил билан ён ёки бўйлама девор орасидаги масофа 50 см-70 см бўлган эталон тпвсия этилади. Гараж ва автотурар жойларининг ички ўтиш жойлари қоидага кўра умумий кенглиги 4,5- 6 м бўлган ҳаракатланиш йўли ҳсобидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланади. Ер устидаги ва ер остидаги рампа типидаги гаражларнинг қават баландлиги 2,2 м дан кам бўлмаслиги зарур. Автомобиллар бўйлама ҳаракатланадиган рампалар 10% нишабликдан ошмаган ҳолда ташқи ва ички кўринишда лойҳаланиши мумкин. Шахсий гаражлар ва автомобилларни сақлаш жойларини аксарият маҳаллий ҳаракатланиш, кўчалар ва ўтиш жойлари яқинида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Гараж ва автомобилларни сақлаш жойларига тегишли участкаларни, турар жой ва жамоат биноларидан кенглиги 10-15 м бўлган ҳимоя кўкаламзорлари (дарахатлар, буталар) билан ажратиш керак.

Кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд бўлган тумнларда қуйидагилардан фойдаланишга рухсат этилади:

- Бокс ёки матеж типидаги бир қаватли гаражлар;
- Кўп қаватли, алоҳида жойлаштирилган рампали манеж типидаги гаражлар;
- Ярим ерости ёки ерости, алоҳида жойлаштирилган бир ёки кўп қаватли гаражлар, шу жумладан, нотекис рельефларда жойлаштирилган;
- Маъмурий, жамоат ва бошқа муассасалар мажмуаларидаги бинолар ичида ёки ёнида жойлаштирилган ечимга эга ер устида ёки ер остидаги гараж ва автотурар жойлар.

Микротуманлар ва турар жой худудларида аксарият очиқ автомобилларни сақлаш жойларини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ бўлиб, кейинчалик улар жойлашган ерда кўп ярусли гаражлар барпо этилиши мумкин.

**5 илова**

## Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш

Тошкент метрополитени Ўрта Осиёда ягона бўлиб, у Тошкент шаҳри ва Ўрта Осиёнинг машҳур иншоотларидан бири саналади. Унинг бекатлари ўзининг архитектуравий ечимлари, поездлари тезюрарлиги, вагонлари эса комфортилиги билан киши онгида ўчмас қолдиради. Тошкент метрополитенида ҳозирги пайтда 29 та бекат мавжуд бўлиб, метрополитен линияларининг умумий узунлиги 38,25 км ни ташкил этади.

Метрополитен трассасини лойиҳалаштиришнинг биринчи босқичида шаҳар транспортининг комплекс ривожланишини инобатга олган ҳолда метрополитен йўналишининг бош схемаси ишлаб чиқилади, бунда алоҳида йўналишлар қурилишининг навбати ҳам аниқланади.

Трассанинг алоҳида йўналишларини лойиҳалашда метрополитен бекатларининг жойини тўғри танлаш мухим аҳамият касб этади. Метрополитен бекатларига кириш-чиқиш жойларининг, вестибюллар, экскалатор тонелларининг, шамоллатиш (вентиляция) киоскалар ва ҳокозоларнинг конструктив ечимлари айниқса катта аҳамият касб этади.

Метрополитен тонелларининг габаритлари: эни 2,7 м, баландлиги 3,7 м. Улар 2,1 м узунликка эга бўлган бикр база билан умумий узунлиги 19,2 м бўлган вагонларга ҳисобланган.

Бекатлар йўловчиларнинг йирик оқимлари ҳосил бўлиши мумкин бўлган жойларга жойлаштирилади: метрополитен линияларининг шаҳар транспорти магистраллари кесишадиган марказий майдонларга, темирйўл вокзаллари ва платформалар, йирик стадионлар, шаҳарнинг дам олиш ва истироҳат боғлари ёнига, метрополитен йўналишларининг ўзаро кесишадиган жойларига, шаҳар атрофидаги темир ва трамвай йўлларидаги бекатлар ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бекатлар орасидаги масофа, одатда 1,5-2,0 км узунликда қабул қилинади.

Кейинги йилларда ер устидан ўтадиган линиялар ва бекатлар пайдо бўлди, уларнинг том ёпмалари ялтироқ материаллардан ишланган, иситадиган ҳимояловчи галереялардан ташкил топган. Бундан ташқари том ёпмалари поездлар шовқинининг таркалишига ҳам тўсқинлик қилади. Тошкент метрополитенини қуришда метрополитен қурилишининг ва ундан фойдаланишнинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган янги муҳандис-техник ечимлар қўлланилган. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу иншоотда ўзига хос жиҳатларга эга бўлган колоритлар қаторида тиниқлиги, умумбоқийлиги юқори бўлган гранит, мармар, металл каби материаллардан ва безакли (декоратив) керамика, бадиий шиша, ганч ва ҳокозолардан кенг фойдаланилади.

**6 илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Вокзалнинг қандай турлари мавжуд?
2. Кутиш залларига қандай талаблар қўйилади?
3. Темир йўл вокзали ва автобус вокзали интерьерида фарқ борми?
4. Гаражларга қандай талаблар қўйилади?
5. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш қандай амалга оширилади?
6. Метрополитен тонелларининг габаритлари қандай бўлиши керак? Нима учун?

| 12-**МАВЗУ** | ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА БИНОЛАРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар.<br>2. Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни давоаш-профилактика бинолари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талабларни ҳақида фикр юритади, тавсиялар беради |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Маъмурий ва коммунал бинолар” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий дам олиш муассасалари қандай бўлиши керак?” мавзусида беш дақиқали эссе эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (3-илова).<br>2.3. Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (4-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (5-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**Беш дақиқали эссе**[6]

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий дам олиш муассасалари қандай бўлиши керак?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар.
2. Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар

**3-илова**

[6]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

## Касалхоналар ва поликлиниклар жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар

Тиббиёт муассасалари мақсадли белгиланишига кўра турли-туман ва кенг номенклатура типлари билан намоён бўлади. Шифохоналарда, туғруқхоналарда, поликлиникалар, диспансерлар ва профилакторияларда касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, беморларни даволашдан олдинги ҳолда сўнгии назорат ишлари амлга оширилади. Беморларни турли шаклдаги даволаш ишлари бу муассасаларнинг асосий функцияларини ташкил этади.

Дорихоналар, тез ёрдам кўрсатиш станциялари, санатория-эпидемиология станциялар ва лабораториялар бинолари кабилар шу гуруҳдаги муассасалр тиббий ходимларнинг махсус фаолиятлари учун ташкил этилади.

Аҳоли континентига кўра хизмат кўрсатувчи шифохоналар (вилоят, республика) шаҳар, туман ва қишлоқ шифохоналарига бўлинади. Профилига кўра шифоханалар турли тиббий мутахассисли бўлинмалари бўлган кўп профилли ва бир профилли ёки махсуслаштирилган турларга, масалан, сил, психиатрик, ортопедохирургик ва бошқаларга бўлинади. Болалар учун мўлжалланган шифоханалар болалар шифохонаси деб аталиб, улар ҳам кўп профилли ва махсуслаштирилган бўлиши мумкин.

Кўп профилли шифохоналар орасида юқумли касалликлар шифохоналари мухсус гуруҳни ташкил қилади. Шифохоналарни лойиҳалашдаги асосий масалаларга: шифохонанинг умумий композицион схемасини яратиш энг оптимал ҳажмий-фазовий ечимини танлаш ва техник талабларни бажариш киради. Шифохонанинг бош тархи корпуслар ўрнатилган худудни зоналаштирилишини, ўтиш ва кириш жойларининг ташкил этилишини, шунингдек, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даражасини назарда тутиши керак. Асосий масала бемор учун мумкин қадар қулай шароитларни яратиб беришдир.

Айни вақтда қуйидаги асосий структуравий бўлинмалар ажратилади: қабул бўлимлари ва беморларга консультация бериш хоналари, палаталар бўлими, даволаш-ташхислаш бўлимлари ва хоналари, лабораториялар, марказий стериллаш бўлими, дорихона, озиқ-овқат тайёрлаш хизмати, патолого-анатомик бўлим, маъмурий-хўжалик хоналари, кир ювиш хоналари. Шифохоналар сиғими 300 дан 3000 ўрингача бўлади. Ҳозирги даврда шифохоналарнинг қаватлилиги ёнғин хавфсизлиги техникасининг ривожланиш даражасига кўра чегараланган бўлиб, 9 қаватгача белгиланган. Шифохона жиҳозларида мухандислик жиҳозлари (кондетсация тизими, ҳаво алмаштириш, сув таъминоти, канализация, энергия таъминоти ва алоқа) ва тиббий технологик жиҳозларни фарқлаш зарур. Тиббий технологик жиҳозлаш, яъни ускуналар, мосламалар ва махсус мебеллар яшаш шароитини, ташхислашни ва беморларни даволашни таъминлашга хизмат қилади. Шифохона композициясида вестибюл гуруҳини ва йирик конференц-зални аниқлаш катта роль ўйнаши мумкин. Шифохона деразаларининг

ориентацияси ихтиёрий қабул қилинади. Аммо, чекланишлар мавжуд, жумладан, болалар палаталари (3 ёшгача бўлган болалар учун) болалар ўйин хоналари, шунингдек, интенсив терапия хоналарини ғарбий томонга ориентирлашга рухсат этилмайди.

Сил ва юқумли касалликлар касалхоналаридаги палаталарни ғарбий ва жанубий-ғарбий томонга ориентирлашга рухсат этилмайди. Ортиқча исиб кетишдан сақлаш мақсадида операцион ва реанимацион хоналарнинг деразаларини шимолий-шарқий, ёки шимолий-ғарбий томонларга қаратиб оринтирлаш мақсадга мувофиқ.

**Поликлиникалар.** Поликлиникалар икки турда лойиҳаланади: турар жой худудларидаги шаҳар полилиникалари ва шифохонага қарашли худудда ҳамда унинг тизимидаги поликлиника бўлимлари.

Поликлиникаларнинг шифохоналардан асосий фарқи – уларда палаталар бўлимининг йўқлигидир. Поликлиникалар шифокорлар кабинетлари, маълумот хоналари бўлган вестибюл гуруҳининг кутиш жойлари ва қайд этиш (регистратура) хоналаридан иборат. Поликлиникаларни режалаштиришда уларнинг умумий майдонларини 20 – 30 фоизини ташкил этадиган кутиш жойлари муҳим аҳамиятга эга. Кутиш жойлари икки типда лойиҳаланади: коридор-кутиш жойлари кўринишида; бунда коридорнинг кенглиги 3,2 метрдан кам эмас; ҳар бир хоналар гуруҳи учун холл-кутиш жойлари кўринишида.

**4-илова**

## Санаториялар, курорт, дам олиш муассасалари жиҳозланиши ва интерьерига қўйиладиган талаблар

Мамалатимиздаги дам олиш муассасаларининг архитектуралари қисқа муддатда юқори ривожланиш йўлини босиб ўтди. Комплекс қурилишга ўтиш нафақат аҳолини янада юқори дам олишини ташкил этмокда, балки табиатга эҳтиёткорлик билан ёндошиш ҳамда янги яратилаётган архитектуравий-фазовий муҳит у билан узвий боғланишига интилиш мураккаб экологик муаммоларни ечиш имконини бермоқда. Йирик мажмуалар, алоҳида дам олиш ва туризм муассасалари, шунингдек, санаторияларнинг композициялари маҳаллий табиий муҳит хусусиятларини ҳар томонлама ҳамда максимал ўрганиш натижасида яратилади; алоҳида муассаса ёки мажмуанинг композицион ечимини танлаш, курорт ёки рекреацион зоналар тўлиқ архитектуравий – тушунчалар чегарасида аниқланиши лозим.

Санаториялар, дам олиш уйлари, курорт – меҳмонхоналар, шунингдек, бошқа муассасалар қурилишида ҳамда амалий лойиҳалашда қуйидаги комопзиция усуллари қўлланилади:

- Марказлаштирилган усул, бу усулда барча хоналар гуруҳлари бир корпусда жойлаштирилади;

- Блоклаш усули, бунда алоҳида-алоҳида биноларда жойлаштирилган хоналар гуруҳлари бир-бирларига тегиб туради ёки ўзаро илиқ боғланган мураккаб, фазовий композицияни ташкил этади;
- Павильон усулида автоном бинолардаги алоҳида хоналар гуруҳлари бир-бирлари билн боғланмаган ҳолда жойлашиши билан характерланади.

Аҳолини профилактик даволаш ва дам олишини таъминлаш мақсадида санаториялар, дам олиш уйлари, куророт меҳмонхоналари ва бошқа саломатликни тиклаш  муассасалари барпо этилади. Бу муассасаларда даволаш ва ҳордиқ чиқариш табиий усуллар ёрдамида амалга ошрилади (қуёш, ҳаво, денгиз).

Санаториялар – асосий даволаш, профилактика қилиш муассаси бўлиб, уларнинг шифохоналардан фарқи даволашнинг асосан табиий воситалар ёрдамида амалга оширилиши (минерал сувлар, шифобахш балчиқлар ва б.) ва катталар, болалар ва ўсмирлар, шунингдек, болали оилаларни дам олишлари учун зарур шароитларнинг таъминланишидир.

Ёшлар оромгоҳинингларининг асосий мақсадлари актив дам олишни ташкил қилиш, бадантарбия-спотр, туристик ўқув-хордиқ чиқариш шаклдаги дам олиш турларини мужассамлаштиришдир.

Туристик базалар туристларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишларига рухсат этилади. Мотел автотуристлар дам олишлари учун юқори даражадаги меҳмонхона хизматини ва автотранспортга тўлиқ комплекс техник хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Мажмуанинг бино ва иншоотлари жойлашган худуди ободонлаштирилган парк кўринишида бўлиш керак. Ҳудудни шундай ташкил этиш лозимлиги, ундан кўринишларнинг компакт ечими яшил майдончалар орасида осуда дам олиш имконини берсин.

Куророт саломатликни тиклаш муассасалари биносида ва уларнинг мажмуаларида дам олишни ҳамда даволани ташкил этиш шароити уларда қуйидаги функционал гуруҳ хоналари бўлиши лозимлигини тақозо этади: қабул-вестибюль, ётоқ, умумий овқатланиш муассасалари, маданий-оқартув ва спорт-соғломлаштириш хизматлари, даволаш (саноториялар учун), маъмурий-қабул қилиш, хўжалик-маиший. Ётоқхоналар гуруҳи асосий хоналар сирасига кириб санаторияларда бино умумий ҳажмининг қарийиб ярмини ташкил этади. Санаторияларда ётоқхоналарнинг меъёрий майдон юзаси бир киши учун 9м$^2$ , 2 киши учун 12 м$^2$ ҳолида белгиланган. Ҳар бир яшаш хонаси лоджия ёки балконга эга бўлиб, санаторияда яшовчиларни табиат қучоғида, тоза ҳавода узоқ муддат қолишларини таъминланиши лозим.

Икки қаватдан баланд бўлган санаторияларни ётоқхона корпусларида лифтнинг мавжуд бўлиши назарда тутилади. Ётоқхоналар корпуснинг қават баландлиги 3 метрга тенг ҳолда қабул қилинади. Санаториялар ётоқхоналарининг ориентацияси меъёрий талабларга қатъий мос тушуши лозим. Жанубий ва жанубий-шарқий ориентирлаш ижобий ҳисобланади.

Ғарбий ва жанубий-ғарбий ориентирлашда ёзда меъёридан ошиқ исиб кетса, қишда иссиқликни тутиб туришни таъминлай олмайди. Умуман олганда, ижобий ориентация диапазони жойнинг географик кенглигига боғлиқ.

**5 илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. Тиббиёт муассасалари интерьерига қандай талабалар қўйилади?
2. Касалхоналарда ётоқхоналарнинг меъёрий майдон юзаси қандай бўлиши керак? Нима учун?
3. Юқумли касалликлар касалхоналарига қандай талаблар қўйилади?
4. Санатория, дам олиш уйлар, курортларни амалий лойиҳалашда қандай композиция усуллари қўлланилади? Нима учун?
5. Санаторияларда ётоқхоналарнинг меъёрий майдон юзаси қандай бўлиши керак? Нима учун?

| 13-**МАВЗУ** | ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ТУРЛАРИ ВА ИНТЕРЬЕРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

**1.2.**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар.<br>2. Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари.<br>3. Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни турар жой бинолари турлари ва интерьери билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар билан таништиради | Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитларини билади |
| Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талабларини тушунтиради | Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талабларини билади |
| Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари ҳақида гапириб беради | Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари ҳақида фикр юритади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Турар жой бинолари турлари ва интерьери” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Турар жой турлари” мавзусида “Кластер” ишлаб чиқилади (1-илова).<br>1.2. “Кластер”даги тушунчалар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | “Кластер” тузишда фаол иштирок этадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар билан таништиради (3-илова).<br>2.3. Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талабларини тушунтиради (4-илова).<br>2.4. Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари ҳақида гапириб беради (5 илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

## “Турар жой турлари” мавзусига “Кластер” намунаси



**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар.
2. Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари.
3. Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари

**3-илова**

## Турар жой биноларини шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар

Турар жой биноларини лойиҳаловчи меъморнинг олдига қўйиладиган вазифа бу – ҳамма шарт-шароитларни тўла ўрганиб чиқиб, кейин энг қулай ва чиройли турар жойларни лойиҳалашдан иборат бўлиб, айниқса, ернинг шарт-шароити жиддий эътиборга олиниши керак бўлган муҳим омилдир.

Турар жой ва хонадонларни танлашда, албатта ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар қуйидагилардан иборат:

- Аҳолининг демографик таркиби;
- Оила аъзоларининг урф-одатлари ва ҳунари, яъни қанақа иш билан машғул бўлишлари;
- Қурилиш жойи;
- Қурилиш жойининг табиий иқлим шароити;
- Техника-қурилиш базасининг аҳволи ва шароити;

Шимол ва жанубда қуриладиган уйлар бир-биридан ўта фарқ қилади, ундан ташқари нам ва қуруқ иқлим, тоғ ёки пастликлар, саҳро ва нам ерларнинг таъсири ҳам турар жой меъморчилигига катта таъсир ўтказади.

Ўзбекистон тоғлардан, саҳролардан, текислик ва пасттекисликлардан, кўкламзор ерлардан ташкил топган. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида ҳамма ерга бир хил турар жойларни лойиҳалаштириш ва қуриш катта хатоликларга олиб келиши мумкин. Қаватлари бўйича турар жой бинолари қуйидагиларга бўлинади:

1. Кам қаватли уйлар (1-2 қаватли). Бу уйлар асосан қишлоқ жойларда тарқалган бўлади. Лекин шаҳарларда ҳам ҳозирги пайтда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.
2. Ўрта қаватли уйлар (3-5 қаватли) умумий зинапоядан ҳамма фойдаланадиган лифтсиз турар жойдан иборат бўлиб, шаҳарларда жуда кўп тарқалган, улар иқтисодий жиҳатдан фойдали деб топилган.
3. Кўп қаватли уйлар (6-9 қаватли) умумий фойдаланиладиган зинапоядан ташқари тик вертикал боғланишлари учун лифт билан таъминланган бўлиши керак.

4. Баланд қаватли уйлар (10 ва ундан ортиқ) биноларнинг кираверишида, подъездида умумий зинапоядан ташқари 2 хил лифт бўлиши керак, яъни аҳолини ва юкни ташийдиган лифтлар.

Ўрта, кўп ва баланд қаватли уйлар 3 та энг асосий тархий тузилмаларга бўлинади: бўлинмали (секцияли), йўлакли ва галереяли.

Ўзбекистон шароитида турар уй-жойларни лойиҳалаш учун қуйиладиган асосий талаблар:

1. Ўзбекистоннинг иқлим шароитида хонадонни ер сатҳи ва очиқ ҳаво билан боғлаш анъанага айланиб қолган. Шаҳарларнинг тез ўсиши ва ер сатҳини эҳтиёт қилиш ўрта ва кўп қаватли уйларнинг қурилишига олиб келади.
2. Хонадонларни ер билан боғлаш анъанаси йўқолди. Бунинг ўрнини алмаштириш учун хонадон таркибига ҳар хил ёзги хоналарни лойиҳалаш ва уйларда кам қаватли уйларга нисбатан ҳар хил қулайликлар, яъни марказлашган иссиқ сув, иситиш электр жиҳозлари ва чиқиндини олиб кетиш учун қулайликлар яратилди.
3. Ёз пайтларидаги иссиқ ҳаво ва нисбатан юмшоқ, қисқа даврли қиш хонадонларни иссиқ ҳаводан сақлашни тақозо этади. Бу эса уйларни қуёшга нисбатан тўғри қаратиш (ориентация) қилиш, яхши шамоллатиш, конструкциялар хусусиятларидан тўғри фойдаланиш, қуёшга қарши қурилмалардан фойдаланиш орқали эришилади.

Инсоляция, яъни қуёшни тўғридан-тўғри тушиши фақат турар уй жойлардаги хоналарга зарур, лекин у ёрдамчи хоналарга: ошхона, даҳлиз, хожатхоналарга керак эмас, аксинча улар бу хоналарда ноқулайликлар туғдириши мумкин.

Демак, хонадонларни икки тарафга қаратиш керак: асосий хоналар жануб томонга жойлаштирилса, ёрдамчи хоналар шимол томонга жойлаштирилиши керак. Жанубий-шарқий тараф ва шимоли-ғарбий тарафга қаратиш, яъни хоналарни икки тарафга қаратишга ва лойиҳалашга рухсат этилади. Энг ёмон оринтация, бу ғарб ва шарқ тарафлари бўлиб, бундай уйнинг бир томони пешиндан кейин қизийди. Хонада салқин ҳаво ҳосил қилиш учун уйни шамоллатиш, елвизак катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитини, ер қимирлашини ҳисобга олиб турар уй-жой ва жамоат биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш меъморлар олдига анча қийинчиликлар туғдиради, лекин меъморчиликда ўзига хос анъаналарини мужассамлаштиришга имконият яратади.

**4-илова**

## Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари

Шаҳар, турар жой худудида ёки алоҳида турар жой уйига ер майдонини танлаш ўта маъсулиятли ишдир, чунки бу ерда аҳолининг яшаши учун ҳамма шарт-шароит мавжуд бўлиши ва ҳисобга олиш зарур.

Шаҳарсозликда турар жой учун ер майдони сатҳи баландроқ, сув тўпланмайдиган, ерга сув шахобчалари ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш имкониятига эга бўлган ундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан санитария-гигиеник жиҳатдан узоқроқ масофада бўлиши керак.

Шунингдек, бино бошқа турар жой ва жамоат биноларидан, маълум бир жойда жойлашган қуёшга нисбатан яхши қаратилган бўлиши ва яхши шамоллаштирилиши, кўчанинг қизил чизиғидан кўкаламзор ва шовқиндан сақланадиган тўсиқлар орқали ажратилиши керак. Уйга автомобил кириши учун йўлакча ажратилиши, бундан ташқари уй атрофи кўкаламзорлаштирилган ва спорт майдончалари, соябонлар, катталар дам оладиган жойлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон табиий иқлим шароитида муҳим омиллардан биридир. Ер сатҳи қўшни уйлар билан, туман маркази билан боғча, мактаб, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари билан қуйлай боғланган бўлиши керак.

Уй-жой қурилишида энг зарур талаблардн бири бу тежамкорликдир. Темжамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама-қаршидир. Шунинг учун меъморнинг асосий вазифаси ушбу қарама-қаршиликларни бир-бирига таъсирсиз ҳал қилмоғи лозим.

Юқорида айтиб ўтканимиздек, Ўзбекистон иқлими шароитида уйларни яхши шамоллатиш учун деразаларни икки тарафга ўрнатиш, бўлинма (секция)да тўрт хонадон ўрнига икки хонадонни жойлаштиришни тақозо қилади, бу эса зина катакларининг сонинин ошиб кетиши, катта-катта ёзги хоналардан фойдаланиш ва қуёшга қарши қурилмаларнинг ўрнатилиши, уй таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда тез-тез ер қимирлаб туриши ҳам уйларни мустаҳкам қурилмалар билан қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ортиқча маблағ сарфланишига олиб келади. Шунинг учун бу сабаблар бизнинг меъморларимиз олдига қурилишда тежамкор ва унумли меъморий лойиҳаларни танлашни тақозо этади.

**5-илова**

## Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари

Турар жой ўзининг вазифасига кўра ўз кўринишига эга бўлиши керак. Қурилишда турар уй-жойнинг бўлаклари (детали) инсон ўлчовига ҳамоҳанг бўлиши керак. Бу вазифа паст қаватли уй-жойларда осонроқ ҳал қилинади. Кўп қаватли турар жой уйларининг ташқи кўринишини танлашда меъморларни анча қийинроқ вазифаларни ечишига тўғри келади. Уйларнинг тарзларини ечишда (колонналар, устунлар, антаблемент ва б.) уй жойларини

монументал (маҳобатли) ва бой бўлиши, уларнинг олдига бадиий талабларига жавоб бериши керак.

Турар уйлар, айниқса жанубда жойлашган уйлар табиат билан мужассамлашиб кетиши керак. Бу функционал хусусият ўзининг бадиий кўринишда, яъни ёзги хоналар (айвон, супа ва б.) тарзида ўз аксини топади. Қуёшга қарши қурилмаларнинг уйни иссиқдан сақлаш аксини топади. Қуёшга қарши қурилмаларнинг уйни иссиқдан сақлаш учун ишлатилиши, жануб уйининг ўзига хос бадиий кўринишини яратишга ёрдам беради. Бунга яна кўкаламзорлаштириш ҳам ёрдам беради. Уйларга ранг танлашнинг ўзига хослиги мавжуд, яъни ҳар хил қорамтир рангларни ишлатишдан сақланиш керак, чунки улар бинога хунук кўриниш бериши билан бирга бу ранглар қуёш нурини яхши қайтара олмайдилар ва хоналарнинг исиб кетишига сабаб бўладилар. Бу ерда табиатдаги очиқ рангларни ишлатиш зарур.

Халқ меъморчилиги усллари, халқ анъаналари, урф-одатларини инобатга олган ҳолда турар жой биноларининг меъморчилигини жонлантириш мумкин.

Типик турар жойлар билан ўзига хос оргинал ва ҳар хил кўринишдаги турар жойларни яратиш меъморлардан моҳирликни ва ижодий янги усулларни талаб этади.

Турар уй-жойни жамоат биноларини муваффақит билан аралаштириб кичик микрорайон ҳудуди ва турар жой худудлари қурилиши композицион ҳар хил силуэтлар ҳосил қилиш ранг ва фактуралардан тўла фойдаланиш, ер майдони билан тўла уйғунлашиб кетиши, кўкаламзорлаштириш ва сув билан тўғри таъминлаш қурилишдаги лоқайд кўринишларни йўқотишга олиб келади.

Уйларнинг типик лойиҳаларга ҳар хил янги усулларни киритиш йўли билан бойитиш лозим. Шунингдек, ҳар хил усулларни ишлаб чиқиш керак. Меъморлар бу усуллардан тўғри композицион тизимга эга бўлган турар жой, бекатлар ва уйлар лойиҳасини тузадилар. Шундай қилиб, меъморлар муваффақиятли лойиҳалар учун ҳар хил усулларни қўллаб турар жой бекатларини бойтиш, тажриба ва иқтисодий ёндошиш орқали ҳар хил композицион вазифаларни ҳал этишлари мумкин.

**6 илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Турар жой биноларини лойиҳаловчи меъморнинг олдига қўйиладиган вазифалар нималардан иборат?
2. Турар жой ва хонадонларни танлашда қандай талаблар қўйилади?
3. Шимол ва жанубда қуриладиган уйлар нима учун бир-биридан фарқ қилади?
4. Қаватлари бўйича турар жой бинолари қандай турларга бўлинади?

5. Ўзбекистон шароитида турар уй-жойларни лойиҳалаш учун қандай талаблар қўйилади?

6. Инсоляция нима?

7. Турар уй-жой қурилишида шаҳарсозлик талаблари ҳақида гапириб беринг.

8. Уй-жой қурилишида энг зарур талаблардан бири бу тежамкорлик эканлигини исботлаб беринг.

9. Турар уй жойларига қўйиладиган меъморчиликнинг бадиий талаблари ҳақида фикр юритинг.

| 14-**МАВЗУ** | ХОНАДОНЛАРНИНГ ИНТЕРЬЕРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1.Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асослари.<br>2. Квартиранинг жиҳозлари |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни хонаданларнинг интерьери ва жиҳозларига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асосларини тушунтириш | Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асосларини билади |
| Квартираларнинг жиҳозланиши ҳақида суҳбат ўтказиш | Квартираларнинг жиҳозланиши ҳақида фикр юритади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Хонадонларнинг интерьери ва жиҳозлари” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий хонадон интерьери” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асосларини тушунтиради (3-илова).<br>2.3.Квартираларнинг жиҳозланиши ҳақида суҳбат ўтказади (4-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (5-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[7]

Янги мавзуга кириш сифатида “Замонавий хонадон интерьери” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

### Маъруза режаси

1. Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асослари.
2. Квартиранинг жиҳозлари

[7]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

**3-илова**

## Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асослари

Яшаш ячейкаси (квартира) кучни тиклаш вазифасини сақлаган ҳолда шундай жойки, унда қандайдир меҳнат билан шуғулланиш, бутун оила ва оилага яқин инсонлар, дўстлар йиғиладиган қисқа қилиб айтганда истиқомат қиладиган, шахсий гигиенани тартибга соладиган яъни инсоннинг жисмоний ва руҳий кучини ривожлантириш учун зарур бўлган шароитларга эга бўлган маскандир. Бундан ташқари квартирада болаларни тарбиялаш, таомлар тайёрлаш, хоналарнинг ораста қилиниши билан боғлиқ бўлган кундалик турмуш жараёнлари бажарилади.

Яшаш ячейкасида рўй берадиган фаолиятларнинг ҳеч бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, яшаш ячейкаси шахснинг индивидуал ҳаёт кечириш ва умум оилавий муносабатлар жойидир. Агар квартира ушбу асосий талабларга жавоб бермаса, у тўла қонли яшаш жойи деб ҳисобланмайди. Тумушдаги (рўзғордаги) жараёнлар ўзининг тавсифига кўра жуда кўп сонли ва турли-тумандир.

Ҳар хил жараёнлар ва талаблар яхширoқ ҳисобга олинади ва юзага чиқарилади, яшаш жойи янада шинамроқ  бўлади. Ҳар бир кишининг ва бутун оила манфаатларининг уйғун бирлигига эришиш учун индивидуал ҳамда умум оилавий эҳтиёжларга мос келадиган фазовий кенгликнинг кўзда тутилиши тақозо этилади. Индивидуал ва умум оилавий фазовий кенгликлар бир-биридагни изоляцияланган бўлиши зарур. Ҳар бир функционал жараёнга ўзининг мустақил фазовий кенглигининг берилиши анча рационаликка эришишга олиб келади. Яшаш жойининг ҳамма кўпобразлилигини барча ҳар хил таркибли оилалар учун уларнинг умумий белгилари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Соф биологик эҳтиёжлар бирлиги билан боғлиқ бўлган функциялар;
- Бир киши бўлгани каби оиланинг бир-неча аъзолари учун ҳам маъқул бўладиган (қовуштирилган) жараёнларни ташкил этувчи функциялар;
- Тўлиқ қовуштириб бўлмайдиган жараёнлар вазифаси.

Функцияларнинг бундай ажратилиши ҳам квартира фазовий кенглигини қисмларга ажратиш, унинг алоҳида хоналарини ташкил этиш асосида ётади. Ҳар бир хона бунда юқорида кўрсатилган функциялар гуруҳининг битта қаторига мувофиқ келади. Квартиранинг тузилмаси оила таркибидаги кишилар сонига қараб ҳам аниқланади.

Квартирадаги функционал боғланишлар тизими ва унинг фазовий ташкил этилиши унда истиқомат қилувчиларнинг сонига бевосита  боғлиқ бўлади. Ҳар бир кишига унинг эҳтиёжларини қониқтириш учун мўлжалланган фазовий кенгликнинг таъминланиши талаб этилади.

Умумий хонанинг табақаланишининг зарурлиги айниқса катта оилалар учун мўлжалланган квартиралар учун асосий вазифаларга қаторига киради. Таомлар (овқат) тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ва турли нарса-буюмларни сақлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш ошхона зиммасига

тушади. Унинг ўлчамлари керакли даражада бўлиши ва рационал режаланиши лозим. Шахсий гигиена билан боғлиқ бўлган тадбирлар санитария тугунидаги хоналарда жамланади. Ҳар бир квартира даҳлизга эга бўлиши лозим. Даҳлиз алоҳида жойлашган хоналарни бир-бирлари боғлаш вазифасини бажаради, у квартира ичидаги коммуникацион зона ҳамда квартирани кўча билан боғлайдиган хона ҳамдир.

Шундай қилиб, квартирадаги энг устувор бўлган хоналар:

яшаш хоналари – дам олиш хоналари, умумий хона;

ёрдамчи хоналар – ишхона, чўмилиш-ювиниш хонаси, хожатхона ва даҳлиз.

Яхши ташкил этилган яшаш кенглиги, демак, квартира интерьерининг ҳам яхши ташкил этилганлиги, унинг функционал талабларга тўлиқ мувофиқ келиши билан аниқланади. Турмушдаги ҳамма жараёнларнинг меъёрида ўтказилишини таъминлайдиган кенглик яшаш (турар) жойини лойиҳалашнинг мақсадини ташкил этади. Инсоннинг турар-жойга бўлган ҳаётий эҳтиёжи иккита йўналишда намоён бўлади. Бир томондан, турар-жойда физиологик эҳтиёжлар мажмуасига руҳий ва эстетик тавсифдаги элементлар киради.

Инсон ҳаётий фаолиятининг бу икки томони бир вақтнинг ўзида намоён бўлади. Вазифанинг яхши хал қилин, қониқиш ҳосил қилиш билан белгиланади (баҳоланади) яъни агар қачонки вазифа яхши ҳал этилган бўса, шундагина яшаш жойи инсонда қониқиш ҳиссини уйғотади, агар яшаш жойидан фойдаланиш жараёнида ноқулайликлар юзага келса, у ҳолда бундай вазият инсон ҳолатига салбий ва фазовий кенгликларнинг ҳосил қилинишига фаол таъсир кўрсатади. Яшаш ячейкасининг энг оддий тузилмавий бирлиги бу хонадир. Хонанинг эни ва бўйининг ўлчамлари бўйича габарити умуман олганда инсон томонидан бажарадиган функционалоперациялар ва ҳеч қаршиликсиз ҳаракатлана олиши, хоналардан жиҳозларнинг эркин кўчирилиши ва оилавий мулоқот учун етарли бўладиган фазовий кенглик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Турмушдаги жараёнларнинг кўп сонлилиги ва турли-туманлиги, уларнинг янада ортиб бориши турли талаб ва эҳтиёжларнинг юзага чиқишига ва уларнинг янада яхшироқ ҳисобга олинишига замин яратади, бу эса яшаш жойининг шинам бўлишига олиб келади.

Бўлиши албатта лозим бўлган хоналардан ташқари квартирада очиқ кенгликлар-лоджия, балкон, тераскаларнинг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ. Квартиранинг ҳар бир хонасида бир-нечта функционал жараёнлар амалга оширилади, шу сабабли улардан ҳар бирида маълум фазовий шароитлар яратилган бўлиши лозим, бу шароитлар биринчидан зарур бўлган жиҳозлар тўпламини жойлаштириш имконини беради, иккинчидан бу жиҳозлардан фойдаланишда инсон қулай ҳаракатланиши таъминламоғи зарур, учинчидан жиҳозларнинг ҳамма буюмларига инсоннинг эркин тарзда етиб боришини таъминлаш учун хизмат қилмоғи керак. Бундай фазовий кенгликлар

функционал зоналар деб аталади. Шунингдек, квартиранинг ҳар бир хонаси ўзининг ҳажмида тегишли функционал зоналарни жамлайди.

**4-илова**

## Квартиранинг жиҳозлари

Хоналарнинг режаланишида зоналарни бевосита эгаллаган юзаларда хона бўйича ҳаракатланиш ва бошқа хоналарга ўтиш учун зарур бўлган юзалар (майдон) нинг ҳам кўзда тутилиши тақозо этилади. Бу яшаш жойи (хоналари) учун жуда муҳимдир, чунки функционал жараёнларнинг мураккаблиги ва турли-туманлиги буюмларнинг кўп сонлилиги билан боғлангандир, улар фазовий кенгликни “ютиб” юбориши мумкин, бунинг оқибатида ички муҳитнинг торлиги ҳис қилинади. Шунинг учун жиҳозларни шундай жойлаштириш тақозо этиладики, бу функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишига жавоб берсин ва кўриш орқали яхши қабул қилинсин.

Жиҳозларни жойлаштиришнинг ҳар бир варианти фазовий эркинлиги нуқтаи-назаридан баҳоланади. Ҳозирги вақтда квартира жиҳозларининг иккита тури мавжуд – кўчириладиган мебельлар ва қўшма тарзда қуриладиган мебельлар. Кўчириладиган мебельлар ичида юқори таъкидланганидек, турли тизимларга ва конструкцияларга эга бўлган секцияли мебель кенг тарқалган. Қўшма тарзда қуриладиган мебель тахмоннинг ичига қурилиши (ўрнатилиши) ёки шкаф тўсиғи кўринишида ўрнатилиши мумкин. Яшаш хоналари юзасининг 30 ÷ 40 % қисмини мебельлар банд қилади. Ишчи жойлар бир-нечта гуруҳларга ажратилади: ухлаш, дам олиш, индивидуал иш жойлари, маданий-маиший ишлар жойи, овқатланиш жойи, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена жойи.

Ишчи жойлар бир ёки бир-нечта кишиларнинг харакатланиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қулай ҳаракат қилишларига мўлжалланади ва мослаштирилади ҳамда мебельларнинг ҳолати ва жойлашиш ўрни ҳисобга олинади. Вертикал қисмларга ажратиш алоҳида ҳажмли буюмлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда одамнинг табиий ўлчамларига бўйсунади. Бунда жиҳозларга етиб бориш имконияти ҳам ҳисобга олинади (....расм).

Шакл, ўлчамлар ва ўзаро жойлаштиришга бериладиган меъёрий тавсиялар (меърлар)дан фойдаланиш лойиҳавийчига жиҳозларни гуруҳлаш вариантларини таҳлил қилишда ёрдам беради ва хоналардан рационал фойдаланишни кафолатлайди (хоналарнинг рационал эксплуатация қилинишга кафқолат берилади). Секцияли мебель тайёр секцияли ҳолатда



70-расм. Секцияли мебел. Ажратиладиган шкафлар

ёки кейинчалик йиғиладиган алоҳида деталлардан иборат бўлиши мумкин. Секцияли мебель яшаш хоналари замонавий интерьерни ташкил этишнинг талабларига тўлиқ жавоб беради; енгил гуруҳлантирилади ва оиланинг сонли таркибига мувофиқ келувчи исталган мебельлар тўпламини бериши мумкин. Интерьердаги турли зоналарни жиҳозлашда айнан бир хилдаги секциялардан фойдаланиш анча яхширoқ ва қулайроқдир.

Секцияли мебельнинг бундай хусусиятга эга бўлиши алоҳида буюмларнинг универсаллиги билан таъминланади. Оддий қурилмали элементлар билан бир қаторда иккита вазифани бажарувчи ажралувчи секциялар ҳам кенг қўлланилади. Ажратиш қурилмасига эга бўлган мебельлар столлар ва секретериялар, ажратиладиган ва суриб очиладиган кроватлар, ичкарига йиғиладиган чизиш тахталари (доскаларига0 га эга бўлиш имконини беради (75-расм). Шкафли тўсиқлар (оралиқ тўсувчи деворлар) жиҳозларининг энг замонавий тури ҳисобланади. Улар одатий тушунчада хизмат қилиши ва шу булан бир қаторда квартирадаги мебелларнинг катта қисмини мумкин. Қўшиб қурилган жиҳозлар квартираларнинг шинамлигини оширади, юза ва ҳажмлардан анча мақсадга мувофиқ фойдаланишга имконият яратади.



71 - расм. Турар-жой ячейкасининг фазовий ташкил



72- расм. Баландликларни асосий ажратилиши

Шкафли тўсиқ зонасидаги полдан шипгача бўлган фазовий кенглик фойдали сиғим деб ҳисобланади, айнан шунинг эвазига хоналар кўчириладиган мебеллардан холос этилади. Агар яшаш хоналарида пол юзасининг 40 фоизини тиғиз жойлашган мебеллар эгалласа, шкафли тўсиқлардан фойдаланилганда бу кўрсаткич тахминан 30фоизни ташкил қилади (тўсиқлар билан бирга), фойдали сиғим ҳажми битта одам учун 2 м$^2$ ни ташкил этса, одатдаги мебельлардан фойдаланилганда эса бу кўрсаткич битта одам учун 1,1 м$^2$ ни ташкил этади (3-4 кишилик ўртача оилаларда).

Шкафли тўсиқларнинг секциялари ва бўлимларининг барадиган вазифалари жуда хилма-хил бўлиши мумкин ва улар шкафли тўсиққа

қаратилган хонанинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади. Бу идиш-товоқлар, чойшаблар бўлиши мумкин. Бундан ташқари шкафли тўсиқга ажратувчи столлар кроватларни ва хўжалик ишларига мўлжалланган шкафли тўсиқга йиғиладиган дазмоллаш тахталари тикув машиналари ва шунга ўхшашларни киритиш мумкин. Қўшиб киритилган мебельлардан фойдаланиш хоналарни ораста қилиш соатларидагина “қўл” келади ва квартирадаги бўш фазовий кенгликни кенгайтиришга шарт-шароит яратади.

Шкафли тўсиқларнинг қўлланилиши интерьер архитектурасига сезиларли таъсир кўрсатади-квартиранинг фазовий кенглигидан яхшироқ фойдаланиш имконини яратади, уларнинг қўлланилиши туфайли квартирада зарур бўлган қулайликлар ва шинамликни яратиш енгил кечади. Шкафли тўсиқлар алоҳида секциялар занжири кўринишида бир қаторли ҳамда икки қаторли қилиниши мумкин, хизмат кўрсатиш тавсифи бўйича эса битта хонага қаратилган ҳолда бир томонли ва икки хонага хизмат кўрсатиш мақсадида икки томонли бўлади. Хоналар гуруҳларига хизмат кўрсатиш учун уч ва турт томонли шкафли перегородеалар қўлланилиши ҳам мумкин. Битта шкафли тўсиқ таркибида бир томонли ва икки томонли хизмат кўрсатувчи элементлар қўшма тарзда бўлиши ҳам мумкин. Бундай аралаш тизимлар жуда кўп ва тез-тез учрайди.

Лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ қўшма тарзда қурилган жиҳозлар элементларидаги бўлимлар энининг қуйидаги ўлчамлари қабул қилинган: китоблар ва идиш-товоқларни сақлаш бўлимининг эни 30 см, хўжалик буюмларини сақлаш учун – 45 см, устки кийимлар ва чойшаблар учун – 60 см. Фронтал йўналиш бўйича қисмларга ажратиш қабул қилинган модулга мувофиқ тарзда бажарилади. Шкафли тўсиқ сурилувчи ёки осма яхлит табақалардан, ички ҳажмни максимал очадиган ойнали бўлиши мумкин.




Шкафли тўсиқлар турлари. А – умумий кўриниши. 1 – бир томонлама; 2, 3- икки томонлама; 5 – тўрт томонлама;4, 7 – уч томонлама. Б – уйнинг тузилишига боғлиқ ҳолда унинг режасида қурилган шкафларнинг ҳолати: а – кўндаланг деворлар; б – каркас бўйича, в – бўйлама деворлар

Қўшма тарзда қуриладиган шкафли-тўсиқлар нафақат хоналарни функционал вазифаларига, балки бинонинг конструктив схемасига ҳам боҳликдир. Катта бўлмаган қадимга эга бўлган кўгдаланг деворларда шкафли тўсиқлар деворлар орасидаги бўшлиққа жойлаштирилади ва квартиранинг марказий қисмидан ўрин эгаллайди. Бўйлама юк кўтарувчи деворлар конструктив схемасида шкафли тўсиқлар юк кўтарувчи деворларда тик ҳолатда жойлаштирилади. Каркасли тизимда калонналар квартира интерьерида жойлашган бўлса, у ҳолда улар камарининг жойлашиши ҳолати (қандай ҳолатда жойлашиши) аниқланади(76 а - расм). Шкафли тўсиқларнинг иккита қўшилган (қўшимча) дам олиш хонасининг (ётоқ хоналарнинг)

орасига жойлаштирилиши жуда мақсадга мувофиқдир, чунки сақланиши лозим бўлган буюмларнинг катта қисми айнан шу хоналарга тўғри келади. Бундан ташқари шкафли тўсиқларни умумий хона ва ошхона орасига





Турли тўсиқлар турлари. 1- пардага ўхшаш юмшоқ; 2 – каркасли юмшоқ; 3 – қаттиқ букланувчи каркасли; 4- каркассиз эшик; 5 – телескопик тузилишдаги эшиклар; 6 – сурилувчи тўсиқлар.





жойлаштириш ҳам кенг тарқалган. Бу ерда тўсиқ элементлари таркибига хоналар ўртасидаги алоқани таъминлайдиган эшиклар ўрни ҳам киради. Замонавий квартира жиҳозланишида ҳаракатланувчан тўсиқлардан кенг фойдаланилмоқда, улар ёрдамида хоналарни қайта режалаш мумкин. Исталган пайтда тўсиқларнинг ўлчамларини ўзгартириш ёки уларни тўлиқ олиб ташлаш ҳам мумкин ва шу тариқа интерьернинг фазовий композициясига таъсир кўрсатиш мумкин.

Кўчирилувчи (ҳаракатланувчан) барча қурилмаларнинг асоси бу йўналтирувчи “юклар” дир, улар шипка маҳкамланади. Уларга махсус ғилдираклар ёрдамида пардеворларнинг табақалари осилади. Бу табақалар энсиз бикир элементлардан тайёрланиши мумкин ёки пластикдан тайёрланган юмшоқ қопламаларга ва махсус матоларга эга бўлади.

Бундай пардеворларни нафақат тўғри чизиқ бўйича, балки эгри чизиқли йўналиш бўйича ҳам ҳаракатлантириш мумкин; бунинг учун “йўналишлар” нинг тегишли йўналишлар кўзда тутилади. Ўрама ҳаракатланувчи пардеворлар майда ёғоч тахтачалардан ёки полимер материаллардан тайёрланади; улар ҳам горизонтал ҳам вертикал ҳаракатланиш йўналишига эга бўлади. Квартирадаги фазовий кенгликни қисмларга ажратиш воситаси сифатида ва тўсувчи қурилмаларнинг бошқа турлари билан уйғунликда ҳаракатлунувчи пардеворлардан хоналарни бутун бўйи ва эни бўйича тўсишда фойдаланиш мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида

қисмлаштириладиган умумий текисликни ташкил этган ҳолда одатдаги ҳаракатланувчи пардеворлар биргаликда қўлланилиши мумкин. Баландлик бўйича ҳам ҳаракатланувчи пардеворлар хонанинг бутун баландлигини ёки маълум бир қисмини эгаллаши мумкин. У ёки бу усулни танлаш интерьернинг умумий архитектуравий ечимига боғлиқ бўлади.

Конструкцияси бўйича енгил ва оддий бўлган замонавий мебель ҳаракатланувчи пардеворлар билан уйғунликда яшаш жойининг етук функционал-режавий ва анча юқори бидиий сифатли интерьерларини ташкил этиш имконини беради.

**5-илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Интерьерни ташкил этишнинг функционал-фазовий асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Квартирадаги энг устивор бўлган хоналарга қайси хоналар киради?
3. Замонавий квартира қандай жиҳозланиши зарур?
4. Секцияли мебеллар қандай хусусиятга эга?
5. Шкафли тўсиқларни қўллаш интерьер архитектурасига қандай таъсир кўрсатади?
6. Тўсиқлар турлари ҳақида фикр юритинг.

| 15-**МАВЗУ** | КВАРТИРА ХОНАЛАРИНИНГ ИНТЕРЬЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Хоналарининг интерьерларини шакллантириш<br>2. Овқатланиш зонаси.<br>3. Ухлаш хонаси.<br>4. Болалар хоналари.<br>5. Ошхона.<br>6. Дахлиз.<br>7. Санитар гигиеник зона |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни квартира хоналарининг интерьерларини шакллантириш талаблари билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Хоналарининг интерьерлари-ни шакллантириш бўйича маслаҳат беради | Хоналарининг интерьерларини шакллантириш ўз фикрларини билдиради |
| Овқатланиш зонасига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Овқатланиш зонасига қўйиладиган талабларни билади |
| Ухлаш хонаси интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Ухлаш хонаси интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Болалар хоналари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Болалар хоналари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Ошхона интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Ошхона интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Дахлиз интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Дахлиз интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Санитар гигиеник зонага қўйиладиган талабларни тушунтиради | Санитар гигиеник зонага қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |

| | |
|---|---|
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Квартира хоналарининг интерьерларини шакллантириш” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Мен ўз хонадонимни қандай жиҳозлаган бўлар эдим?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2.Хоналарининг интерьерларини шакллантириш бўйича маслаҳат беради (3-илова).<br>2.3. Овқатланиш зонасига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Ухлаш хонаси интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (5-илова).<br>2.5. Болалар хоналари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (6-илова).<br>2.6. Ошхона интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради(7-илова).<br>2.7. Дахлиз интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (8-илова).<br>2.8. Санитар гигиеник зонага қўйиладиган талабларни тушунтиради (9-илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (10-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

**Беш дақиқали эссе[8]**

Янги мавзуга кириш сифатида “Мен ўз хонадонимни қандай жиҳозлаган бўлар эдим?” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

**Маъруза режаси**

1. Хоналарининг интерьерларини шакллантириш
2. Овқатланиш зонаси.
3. Ухлаш хонаси.
4. Болалар хоналари.
5. Ошхона.
6. Дахлиз.
7. Санитар гигиеник зона

**3-илова**

## Хоналарининг интерьерларини шакллантириш

Квартира юқорида таъкидланганидек, табиий-иқлим шароитлари, аҳолининг маданий-маиший жиҳатлари, оила аъзоларининг касбий фаолиятларининг тури, иқтисодий шароитлар таъсири остида шаклланадиган элементлар яшаш ячейкасини ўзида намоён этади (75-расм).

Квартираларнинг ўлчамлари ва унинг хоналарининг таркиби кенг чегарада ўзгаради. Одатда бу бир-, икки-, уч- ва кўп хонали квартиралар бўлиб, улар оддий ва мураккаб режавий ечимларга эга бўлади. ҳозирги вақтда қурилиш меъёрлари орқали бир кишига 12 м$^2$ майдон ва яшаш хоналари сони 1 дан 5 тагача бўлган квартираларнинг 10 та тури мавжуд. Ўзбекистонда кўп болали оилаларнинг кўплиги билан тавсифланадиган кўп хонали квартиралар қурилиши кенг тарқалган.




75 расм. Одатдаги уч хонали квартиранинг схематиктасвири: 1-ошхона, 2 – ошхона,3 – ётоқхона, 4-болалар хонаси, 5 –даҳлиз

Кўп хонали квартираларга эга бўлган яшаш уйларининг турлари-лойиҳалаш қурилиш амалиётида энг муаммоли ҳисобланади: бу бу квартираларнинг қўлланилиши кенгайтирилишини ёки яшаш уйлари корпусларининг узайтирилишини талаб қилади.

[8]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

Лойиҳаловчиларнинг бу борадаги изланишлари хоналарнинг икки сатҳда жойлашишини кўзда тутадиган етук оригинал режавий ечимларни берди

Кўп хонали квартираларда ҳамма хоналар бешта асосий функционал зоналарга ажратилади: тантановор, хўжалик-коммуникацион, жинсий, рекреацион ва санитар-гигиеник зоналар.

Тантановор зона умумий хона (овқатланиш хонаси) ва кабинетни ўз ичига олади.

Умумий хона (овқатланиш хонаси) ўзида кўп функционалли хоналарни намоён этади (75-расм). Унда овқатланилади, оилавий тантаналар ўтказилади, меҳмонлар қабул қилинади. Шу сабабли квартиранинг режавий тузилмасида унга марказий жой ажратилади, оила аъзоларининг сонига боғлиқ равишда унинг майдони 20 $м^2$ ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Лойиҳавий ечимларида уни бевосита овқат тайёрлаш хонаси ва даҳлиз яқинига жойлаштирилади (76-расм).

Алоҳида вазиятларда майдонни кенгайтириш ва умумий хона ва овқат тайёрлаш хонаси орасида ягона кенгликни яратиш мақсадида ҳаракатланадиган пардеворлардан фойдаланилади (76-расм). Бунда овқат тайёрлаш хонасидан умумий хонага ҳидларнинг утишини бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар олдиндан белгиланади. Умумий хона (овқатланиш хонаси) ўтиш жойи ҳам бўлиши мумкин ва кабинет ҳамда ухлаш хонаси билан боғланган бўлади. Бундай ҳолда қулайликликни пасайтирадиган эксплуатацион сифатлардан ҳоли бўлишда лойиҳалаш меъёрлари бўйича унга фақат битта хонадан кирилишни ташкил этишга йўл қўйилади (77-расм).



76 расм. Умумий хонанинг мисол тариқасида келтирилган тархий ечими

Иссиқ иқлимли районларда, хусусан Ўзбекистонда йилнинг катта қисми мобайнида маданий-маиший жараёнлар очиқ ҳавода ўтказиладиган ҳудудларда овқат тайёрлаш хонаси ва умумий хона қўшилган тарзда жойлаштирилади ва бир-бири билан лоджия ва балкон воситасида бирлаштирилади (77-расм).

Умумий хонанинг габаритлари (хона бўйининг унинг энига нисбати) кўпинча ёритиш тизимига (ён томондан ёки икки томонлама) боғлиқ бўлади ва 1:1, 1:2, 2:3 гача бўлган нисбатларни ташкил этиши мумкин. Бундай габаритларда мебеллар ва жиҳозларни мақбул жойлаштириш имкониятлари намоён этилади: овқатланиш учун (тушлик, нонушта) столи ва стуллари, китоблар учун шкаф, журналлар столчаси, телевизор ва радио қабул қилгич столи, юмшоқ курсилар (кресло) ва диван, сервант ва ҳ.к. (77-расм). Бироқ шуни айтиш жоизки, хоналарнинг мебельлар билан тиғиз тўлдирилиши қулайлик ва шинамликни

таъминламайди. Мебельлар таркиби функционал вазифаларга ва хонада ўтказиладиган маданий-маиший жараёнларга жавоб бермоғи лозим. Бу борада қўшиб қурилган мебель каби эластик жиҳозлардан фойдаланиш (одатда бу бир-икки хонали квартираларда бўлади) энг рационал ёндашув деб ҳисобланади. Бу жиҳознинг устунлик томони шундаки, биринчидан ундан қўшилган хоналарнинг орасида пардеворлар сифатида фойдаланиш мумкин (77-расм), иккинчидан эса унинг конструкциясини хоналарнинг ҳар қандай конфигурациясига эластик мослаштириш мумкин.

Умумий хонада оила аъзолари тўпланиб ҳамжиҳатликда ўзаро муносабатда бўладилар: - ёқтирган юмуш (иш) билан машғул бўлишлари, тинч-осуда дам олишлари ва телевизион кўрсатувларни кўришлари, рақсга тушишлари, нонушта қилишлари ва оиланинг индивидуал мойиллигига боғлиқ ҳолда кўплаб машғулотларни ўтказишлари мумкин. Шу сабабли, бошқа хоналарникидан фарқли ўларoқ, умумий хонанинг бажарадиган вазифалари турли-тумандир.

Умумий хонанинг вазифалари гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ ўзига бўлган фазовий зонага эга бўлади: дам олиш зонаси, овқатланиш зонаси, ишчи зона, ухлаш зонаси, болалар зонаси. Бу ҳамма зоналар биргаликда умумий хонани ташкил этишнинг асосини яратади.

Умумий хонанинг ҳар бир зонаси ўзига тегишли бўлган юзани ва функционал вазифаларнинг бемалол бажарилиши учун зарур бўлган маълум шароитларни талаб этади. Зоналарнинг юзаси ва фазовий мақбуллиги умумий хонанинг ўлчамларига ва эшик оралиқларининг жойлашиши ўрнига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг мутаносибликси катта аҳамиятга эга.

Дам олиш зонаси иш вақтидан кейин дам олишга шароитлар яратиш учун мулжалланади., бу зонадан асосан кечки соатларда фойдаланилади, шунинг учун бу хона кундузги ёруғлик манбаига нисбатан ихтиёрий равишда жойлаштирилиши мумкин. Агар бу зона дераза атрофида жойлаштирилса, у ҳолда айниқса ёз фаслида дам олиш учун яхши шароит яратилган бўлади. Дам олиш зонасининг асосий жиҳозлари: диванлар, курсилар (креслолар), журналлар учун паст столчалар, китоблар ва турли буюмларни тахлаш учун тахталар, қимматбаҳо идишлар учун ва ичимликлар учун сервантлар, мусиқа асбоблари (фортепиано), радиотелевизон аппаратлар. Бу зонани турлича ташкил этиш мумкин, лекин ҳар доим курсилар, диван ва столлар унинг марказий бўғинси бўлиб қолаверади (77-расм). Зонанинг




77 расм. Ҳар хил габаритли мебелларни умумий хона ва ошхонага жойлаштириш

ўлчамлари мебельлар ва махсус жиҳозни жойлаштиришнинг турли комбинацияларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Умумий хонада дам олишнинг энг кенг тарқалган тури бу оилавий ҳамжиҳатликда телекўрсатувларни кўриш ёки мусиқа тинглашдир. Шунинг учун курсилар, диван ва столлар телевизор ёки радионинг эгалланган жойига боғлиқ ҳолда гуруҳлаштирилади, яъни телевизор кўриш ва радио эшитишга қулай ҳолатда гуруҳлаб жойлаштирилади.

Дам олиш зонасини ташкил этишда эркин фазовий кенгликнинг ҳосил қилиниши жуда муҳимдир, чунки унинг мавжудлиги тоза технологик эҳтиёжлар билан белгиланади. Дам олиш зонасидан ухлаш жойи сифатида фойдаланилганда диван ёнига чойшаблар учун мўлжалланган махсус тушманинг қўйилишини кўзда тутиш тақозо этилади, бу тумба бир вақтнинг ўзида кечаси фойдаланиладиган стол вазифасини ҳам бажаради.

**4-илова**

## Овқатланиш зонаси

Умумий хонада бу зонанинг жойлаштирилиши овқат тайёрлаш хонасининг жойлашиш ўрни билан боғлиқ.

Овқатланиш столининг бевосита ошхона яқинига жойлаштирилиши маъқулроқ бўлади, бунда стол атрофида бемалол ҳаракатланишни ҳисобга олиш талаб этилади (79-расм). Столнинг хона ўртасида анъанавий жойлаштирилиши овқатланиш учун махсус хона ажратилган ҳолдагина ўзини оқлаши мумкин, чунки бу ерда зона фақат овқатланиш учунгина мўлжалланган бўлади.

Умумий хонада нонушта қилиш зонасини ташкил этиш қулай, бунда юзадан ютиш нуқтаи-назаридан ва эстетик талқин этишдан келиб чиқилади. Бир нечта функционал зоналарга эга бўлган умумий хонанинг замонавий ечимларида овқатланиш зонаси композицияда етакчи бўлсада, хонанинг марказий қисмини кам ҳоллардагина эгаллайди, асосан у девор яқинига жойлаштирилади. Овқатланиш зонасида овқат қабул қилишга мўлжалланган стол ва стуллардан ташқари идиш-товоқлар учун шкаф ёки тахмон сервант стол ҳам ўз ўрнини



78- расм. Умумий хонани функционал зоналаргатўсиқ (маскур ҳолда сурилувчи) билан ажратиш намунаси



79 - расм.Умумий хонани шаффоф материал ёрдамида функционал зоналарга ажратиш намунаси

топмоғи лозим. Яхши жиҳозланган ошхонага эга бўлинган ҳолларда идиш-товоқлар ва бошқа шунга ўхшаш анжомлар (буюмлар) ошхонада сақланилади.

Умумий хонада фақат декоратив кўринишга эга бўлган идишлар сақланади. Умумий хонанинг мутаносибликси жуда хилма-хил бўлиши мумкин: - энсиз томонига дераза жойлашган узун хона, квадрат ва квадратга яқин бўлган хоналар, узун томонига деразалар жойлаштирилган ва бўйи энига нисбатан узун бўлган хоналар.

Турли мутаносиблик ва эшиклар ораликларининг жойлашиш ҳолатига боғлиқ равишда умумий хонани режалашнинг мумкин бўлган вариантлари, унинг фазовий кенглигини функционал зоналарга ажратиш (83-расм, 170 б.). Узун хоналар кўриб белгиланадиган фазовий кенгликларга бўлиниши мумкин. Хонанинг деразалардан узоқда жойлашган қоронғироқ қисмини ёруғроқ қилиш мақсадида қисмларга ажратиш элементлари панжаралар кўринишида ялтироқ бўлиши керак. Хонани зоналарга ажратишда мебельлар паст буюмлари (диванлар, комодлар, тувакларга ўтқазилган гуллар ва ҳ.к).

Бўйи бўйича чўзилган хоналарни зоналарга ажратишда ажратувчи элементлар сифатида тўлиқ ясси тўсиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шипгача етиб бормайдиган ҳаракатланувчи (сурилувчан) пардеворлар, бунда ҳар бир зона яхши изоляцияга ва табиий ёруғликка эга бўлади. Хоналарнинг функционал зоналарга паст баландликка эга бўлган мебельлар буюмлар ёрдамида зоналарга ажратилиши узун хоналарга нисбатан анча қулай бўлган картинани намоён этади. Табиий ёруғлик билан бир текис ёритиладиган хоналар анча тўлиқроқ қабул қилинади. Яшайдиган сонига ва майдонига боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий хоналарнинг эни 3 метрдан кам бўлмаслиги зарур бўлган жиҳозларни жойлаштиришнинг қоидаси билан аниқланади. Квадрат шаклидаги хоналар ва унга яқин бўлган хоналар мебельларни гуруҳлаш орқали уларда асосланган хоналарни ажратиш ва ташкил этиш учун бир хил қулайликларга эга ёки қисмларга ажратишнинг қўшимча элементларидан фойдаланиб, уларга қандайдир изоляцияни бериш мумкин. Бунда ҳар бир зона яхши табиий ёритилишга эга бўлади. Шу сабабли квадрат шаклидаги хоналар ва улчамларининг нисбати 1:1,5 бўлган хоналар анча маъқулроқ бўлади.

Жойлашиши иккита сатҳда ечилган квартираларда хоналарни боғловчи ички зинапоялар умумий



80 расм.Икки сатҳли квартирада зипояни ўрнатишга мисол.

хонада жойлашади. Зинапояларнинг мавжудлиги умумий хона интерьерини бойитади. Унга қўшимча сифатлар боғлайди (86-расм, 175 б). Зинапояларга эга бўлган хона бошқа хоналардан кўркамлиги билан ажралиб туради. Зинапоялар ёпиқ ва унга бошқа хонадан кириладиган ҳолларда уни умумий хонага чиқариш мумкин ва бу ерда қулай тахмонни юзага келтириб, зоналардан бирини ташкил этиш мумкин. Умумий хона интерьерида сунъий ёруғлик ташкил этиш катта аҳамиятга эга.



81 расм. Турар-жой хоналарида қўлланиладиган турли хил лампалар

Бир томондан функционал заруриятдан келиб чиққан ҳолда ёруғлик манбаларининг ўрни ва сонини аниқлаш муҳимдир, иккинчидан чироқларнинг декоратив хоссалари ва уларнинг умумий хонадаги жойлашиш ҳолати интерьер композициясида катта рол ўйнайди. Бутун хонанинг яхши ва бир текисда ёритилиши хонанинг янада кенгроқ ҳис қилинишиниа таъминлайди, аксинча хонанинг контрастли ёритилиши туфайли унинг бир қисми ёрқин ёритилса, бошқа қисми сояда қолади, бу эса хонани тор ҳис қилиб, қабул қилинишига сабабчи бўлади. Шу сабабли ҳар доим умумий ёритилиш талаб этилади. У ҳар хил ечилиши мумкин. Бу умумий хонанинг бутун фазовий кенглигини нейтрал ифодаланган ёруғлик манбаи билан бирлаштирадиган, майин тарқаладиган ёруғлик бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда плафон кўринишидаги шип марказига ўрнатиладиган чироқлар шип периметри функционалли потенциал – кўп аҳамиятли тушунчаларнинг тармоқланган иерархиясини ўзида мужассам этган умумлаштирувчи термин [20]. Унинг асосий ташкил этувчилари орасидан “долзарб вазифалар” гуруҳини, яъни истеъмолчи тушунчасида объект шаклининг қимматли (энг муҳим) тавсифисткалари билан боғланган (алоқадор) вазифаларни ажратиб олиш мумкин. Долзарб вазифалар ўзига “ҳосил қилувчи функциялар” гуруҳини киритади, улар объектнинг бирламчи вазифасини аниқлаб беради. “Ҳосил қилувчи вазифалар” “туғиладиган” ёки “ишчи вазифалар”нинг










82.Умумийхонада қўлланадиган ёритиш жиҳозларга намуналар: А-марказий люстра; Б-пол устига

вужудга келишига шарт-шароит ҳозирлайди, яъни бу шундай вазифаларки, уларда архитектуравий объект қурилгандан кейин унда олдиндан кўзда тутилган хоссаларининг маълум бир қисми реаллашади. Ишчи вазифалар етакчи ва йўлдош вазифаларга бўлинади (улар объектнинг бутун экспуатацион даврининг ҳар бир пайтида юзага келиши мумкин).

Архитектуравий объектларнинг функционал жиҳатларини кўриб чиқишда қуйдагиларни ҳисобга олиш тақазо этилади- яратиладиган иншоотдаги жараён ёки ишчи вазифалардан келиб чиққан ҳолда қайта мослаштирилган иншоотда жараён ҳар доим ҳам қабул қилинган гипотезага мувофиқ ўтказилавермайди. Иккита; идеал ва реал вазифаларни фарқлаш тақазо этилади. Идеал вазифаларнинг талаблари бўйича объект шакиллантирилади, иккинчи яъни реал вазифалар бўйича эса, объект реал равишда вазифасини бажаради.

Ҳар бир лойиҳаловчи бу фарқни минимумга олиб келишга интилади, лекин реал ҳолатни олдиндан башорат қилиш (реал фойдалунувчининг қандай ўзини тутишини олдиндан башорат қилиш) жуда мураккаб, ҳаттоки идеал вазифа ҳам ўртача-статистик истеъмолчиларга таянади.

Архитектуравий интерпретация асосида шакл ва вазифанинг ўзаро таъсирлашуви билан боғлиқ бўлган нюанслар (тушунмовчиликлар)нинг юзага келишининг кенг спектори ётади. Н.А.Ладовский 1919-1921 йилларда ўзининг ижодий кредосини шундай ифодалаган эди: “Конструкция архитектурага шунча кирадики, у кенглик тушунчасини ўшанча аниқлаб беради” [21], “ техник конструкция-безатилган моддий элементларнинг маълум режа-схема бўйича куч эффектини эгаллаш учун бирикишидир”. М.Л.Гинзбург конструкция ҳақида “эстетик тизим” сифатида шундай деб ёзган эди: “ Конструцион тизим бизнинг қабул қилиш тажрибамиз ва инсоннинг психофизиологик жиҳатлари эвазига бошқа бир ўзини “кийинтирадиган” ва бир вақтнинг ўзида юзага келувчи ҳамда шаклнинг тинч ҳолатдаги конструкцияга боғлиқ бўлган бошқа бир тизимни ёки, тўғри қилиб айтганда, эстетик тизимни вужудга келтиради” [21. Т .2. 289, 290 б.]

Юқорида баён этилганларга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, бино бутун бир ҳолатда турли доминантлар билан турли сифатли тизимлардан ташкил топмоғи лозим. Бу турли сифатли доминантлар деганда биз вазифа, конструкция ва шаклни тушунамиз.Бўйича бўшлиқ ёки қисман бир чизиқ йўналишида ўрнатиладиган люминесцентли қирувчи шаклдаги чироқлардан фойдаланилади. Чироқларнинг бундай ўрнатилиши натижасида бир текис тарқаладиган ёруғлик ёритилади. Хона шипнинг марказига осилган чиройли қандил интерьер композициясининг муҳим бир элементига айланади. Алоҳида зоналарни янада интенсив ёритиш учун зарур ёруғликнинг маълум жойга ўрнатилган манбалари кўзда тутилади. Дам олиш зонасига таршер кўринишидаги чироқлар ёки жунаэллар столчаси устига паст қилиб туширилган чироқлар шинамлик бағишлайди. Овқатланиш зонасидаги нонушта столининг яхши ёритилиши учун унинг устида шипга осма чироқ ўрнатилади. Чироқлар тизими умумий хона интерьери композициясида фаол

рол ўйнаши мумкин, айниқса хоналарнинг катта юзага эга бўлган шипда чироқлар қаторининг ташкил этилиши интерьер композициясида муҳим ролни бажаради. Умумий хонада битта марказий қандилни ўрнатиш билан масала тўлиқ ўз ечимини топмайди. Умумий хона бошқа хоналар учун ҳам кўзни қамаштирмайдиган эффектлар бош ёритиш деб ҳисобланади. Бош ёритиш осма ёки қўшиб қуриладиган чироқлардан ёки ёруғликни қайтарадиган ёруғлик карнизларидан ташкил топиши мумкин. Фойдаланилаётган ёруғлик манбаларининг турига боғлиқ равишда ёруғлик ёруғликни ростлаш мосламаси ёрдамида тартибга солинади. Ёрдамчи ёруғлик (ёритишни) деворга ўрнатилган чироқлар ёки таршерларни таъминлаб беради, улар тинч атмосферани таъминлаб беради, масалан, телевизор орқали кўрсатувлар томаша қилинаётган пайтда улардан фойдаланиш мумкин.

Курси (кресло)да китоб ўқиш учун, ишчи бурчакни ёруғликнинг локал манбаидан фойдаланиб, ёритиш зарур бўлади. Бу мақсадга эришиш учун деворий чироқлар асқотади.

Ирсий зона. Бу зонага ухлаш хоналари ва болалар учун мўлжалланган хоналар киради. Қоидага кўра, бу хоналар бир ёки икки киши учун мўлжалланади.

**5-илова**

## Ухлаш хонаси

**Ухлаш хонаси** тинч ва осайишталикни талаб этадиган хонани намоён этади, бу ерда инсон тўлақонли дам олиш имкониятига эга бўлади. Бу хонада инсон ўзини атрофдаги шовқиндан ажрата олиши мумкин ва фақат шундай шароитлардагина дам олиш, уйқу ва иш бир маромда (хотиржам) ўтказилиши мумкин. Шу сабабли ухлаш хонасини шовқин зонадан (умумий хона, ошхона ва зинапоя ячейкаси) узоқроқда жойлаштириш маъқулроқ бўлади, бунда албатта санитар тугуни билан қулай боғланиш таъминламоғи ёки сақланмоғи зарур бўлади. Меъёрий талаблар ухлаш хонасида ўтиш жойларининг бўлишга йўл қўймайди. Ухлаш хоналарига қўйиладиган асосий талаблар уларда қулай шароитларнинг, айниқса биринчи навбатда меъёрий ҳарорат-намлик режими, ташқи шовқиндан ҳимоя қилиш, табиий ёруғлик билан ёритилишнинг ва шу кабиларнинг таъминланмоғи талаб этилади. Бундай шароитлар кўпинча деразаларнинг ёруғлик тушадиган тамонга қаратилиши ва ушбу хоналардаги ҳавонинг интенсив циркуляция қилиниши билан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган шароитлардан охиргиси айниқса Ўзбекистон учун хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлимда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Амалиётда бундай шароитлар шамоллатишнинг тегишли тизимининг қўлланиши билан таъминланади: тўғри йўналишда ва бурчакли шамоллатиш (85-расм). Тўғри йўналишли шамоллатиш асосан хоналарнинг қатор жойлаштирилишида, яъни ёток хона ўзининг бир томони билан ташқи

деворга туташган ҳолларда амалга оширилади. Бундай холда хона бевосита битта дераза орқали табиий ёритилади, яъни ён томондан ёритилади, унинг шамоллатилиши қўшни хоналарнинг қарама-карши томонга қаратилган деразалари орқали амалга оширилади. Бурчакли шамоллатиш бинонинг четки томонида жойлашган ётоқхона қўлланилади. Шамоллатишнинг бундай тизими шамоллатишнинг биринчи тизимига нисбатан кам самаралидир. Ётоқ хоналарини лойиҳавий ечишда уларнинг бактерияга қаршилик кўрсатиш хоссаларини ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда санитария-гигиеник меъёрларда уларнинг деразаларини жануб ва жанубий шарққа қаратиш тавсия этилади. Ухлаш хоналарининг бундай мўлжалланишида уларга кундузи уч соат давомида қуёш нурлари тушади, бу эса хавони касаллик тарқатувчи бактериялардан тозалаш учун етарлидир.




Хоналарнинг ўлчамлари ва нисбатларига боғлиқ равишда ётоқхоналарни ташкил этиш вариантлари: А- бир киши учун, Б- ота-оналар учун, В – ўрта ёшдаги иккита бола учун.

Ухлаш хоналарининг сони ва юзаси (майдони) оила аъзоларининг сонидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади ва қабул қилинади: бир киши учун 8 $м^2$ дан кам бўлмаган, икки киши учун эса 12-14 $м^2$ дан кам бўлмаган юза қабул қилинади. Бундай юза катта ёшдаги оила аъзоси учун ҳам, кичик ёшли болалар учун ҳам зарур бўлган қулайликни ҳосил қилади. Жихознинг жойлашиш ўрнини ўзгартириш имкониятига эга бўлиш ҳар қандай хона режаланишининг асосий сифатларидан бири ҳисобланади. Бундай талқин этишдан келиб чиқадики, бир киши учун мўлжалланган ухлаш хонасининг эни 2,2 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Эркак ва аёл (эр-хотин) жуфтлиги учун мўлжалланган ухлаш хоналарига икки кишилик кроват жойлаштирилиши кўзда тутилади, бу кроватнинг эни (икки кишилик кроватнинг эни 110 см дан 130 см гача бўлади) алоҳида турувчи иккита бир кишилик кроватнинг энидан кичик бўлади.

Бунинг натижасида ухлаш хонасида мавжуд бўлган эркин фазовий кенглик тўғрисида "ёлғон" тасаввур юзага келади.

Эр-хотин учун мўлжалланган ухлаш хонасининг мақбул эни 3 метрни ташкил этиш лозим, бундай ўлчов жиҳознинг ҳамма элементларини қулай жойлаштириш ва кроватларнинг жойлашиш ўрнини ўзгартириш имконини беради. Бу меъёрларда ота-она учун мўлжалланган ухлаш хоналарида эмизикли бола учун кроватчанинг жойлаштирилиши ҳам инобатга олинади. Кишиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда ухлаш хоналарининг параметрлари қабул қилинади (85-расм). Шундай қилиб икки киши учун

ухлаш хонасининг эни 2,4 м дан бўйи эса 5 м дан кам бўлмаслиги лозим. Ухлаш хоналари уларда бажариладиган вазифаларга жавоб берадиган мебельлар билан жиҳозланади.

Одатда ухлаш хоналари кроватлардан ташқари кроватлар олдида турадиган тумбочкалар, шифоньер, трюмо ва пуфик ҳамда стулчалар билан ҳам жиҳозланади. Зарур бўлган ҳолларда бу ерда катта бўлмаган ёзув столини ҳам жойлаштириш мумкин. Ухлаш хоналарида кроватлар ўрнида диван ёки диван-кроватлар ҳам ўрнатилиши мумкин, у ҳолда хонани жиҳозлашда кўрпа-тўшак ўрнида ишлатиладиган буюмларни сақлаш учун тумбочкалар ёки мебель тизимида улар учун махсус бўлимнинг ажратилиши кўзда тутилиши талаб этилади. Ухлаш хоналарини диванлар ва кушайкалар билан жиҳозлаш ёшлар учун хосдир. Бунда диван ўтириш учун хизмат қилиб, ухлаш хонасидан меҳмонларни кутиш учун фойдаланиш мумкин. Ухлаш хонасига иккита кроват жойлаштирилганда, ҳар бир яшовчи учун тенг кучли шароит яратилиши зарур. Ҳар бир кроватга эркин ҳолда етиб бориш таъминланган бўлиши лозим. Ухлаш хонасида кроватлардан ташқари санитария столи, чойшаблар, кийимлар ва пойафзаллар учун шкаф, иккита стул билан иш столи бўлади. Минимал жиҳозга китоблар шкафи қўшилиши мумкин. Ухлаш хонасининг вазифа, интерьернинг ташкил этилиши хонанинг мутаносибликси ва жиҳознинг тавсифига кўп жихатдан боғликдир. Мебельларни қулай жойлаштириш ва интерьерни ташкил этиш учун ухлаш хонаси томонларининг нисбати (мутаносибликси) 1:1 ёки 2:3 қилиб олинади. Ухлаш хонаси одатда тўпламли мебель билан жиҳозланади. Ухлаш хоналарининг бошқа турлари учун тўпламлар кам аҳамият касб этади. Тўпламга кирувчи планотли шкафлар, одатда оила эҳтиёжларини тўлиқ таъминламайди, унинг устига анча катта бўлади ва фойдаланиш учун



86 - расм.Ётоқхонани ётоқ гарнитура мебели билан безатиш намунаси.

ноқулайдир. Ухлаш хонасининг жиҳозининг энг яхши тури бу қўшиб қурилган шкафлардир. Уларнинг тизимида иш столининг ўрнини босувчи секретерлар, китоблар учун тахталар ва турли қутиларнинг бўлиши ҳисобга олинган бўлади. Икки киши учун мўлжалланган ухлаш хонасининг интерьерини ташкил этиш учун ҳар бир кишига ухлаш ва ишлаш жойи,




87 расм.Ота-она ётоқхонасига болалар кроватчасини жойлаштиришга вариантлари.

шахсий буюмлар, кўйлак, чойшабларни сақлаш шкафи учун жой бўлиши керак. Ота-оналар учун ухлаш хонасини лойиҳалашда унда болалар кроватини жойлаштиришни ҳам назарда тутиш талаб этилади, бунда бу жой яхши ёритилган ва етиб боришга қулай бўлмоғи тақозо этилади (91-расм, 182 б.).

Ташқаридан ухлаш хонасига тушадиган табиий ёруғликдан ташқари, соф функционал аҳамиятга эга бўлган сунъий ёруғлик (ёритиш) кўзда тутилади. Сунъий ёритиш икки турдан ташкил топади: умумий ва локал. Умумий ёритиш ёруғлик манбаининг ухлаш хонасининг ўртасига ўрнатилиши билан таъминланади ва бунда бутун хонага енгил бир текис ёруғлик берилади. Ёритишнинг локал тури иш столи атрофи, санитария столи яқини ва таршер туридаги қўшимча чироқлардан тарқаладиган ёруғликдир.

**6-илова**

## Болалар хоналари

Кўп болали оилалар яшайдиган квартираларда имкон қадар болалар учун махсус алоҳида хоналар кўзда тутилади. Бу хоналарни лойиҳалаш маълум даражада мураккаб масала, чунки бу хоналар эгаларининг боғча, мактаб ёшидан то кайтаргунга қадар жисмоний ривожланиш динамикасини ҳисобга олишга тўғри келади, бу эса ушбу хоналар интерьер муҳитини тез-тез алмаштириш муаммосини юзага келтиради. Уларнинг юзаси худди бошқа ухлаш хоналари юзаси каби аниқланади. Болалар хоналари енгил ва қувонч бағишловчи мазмунда безатилиши ва мебельлар билан жиҳозланиши лозим.

Уни мебель ва бошқа буюмлар билан ортиқча тўлдирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Мебельларни танлашда нафақат уларнинг кўринишига, балки сифатига ҳам эътибор билан ёндашмоқ керак ва бунда рангли, мустаҳкам ва оддий конструкцияли мебельларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар хонасининг жиҳозларини жамлаштиришда, бу жиҳозлар боғча ёшдаги болалар учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда уларнинг уйинлари ва

А



Б



В



88 - расм. Болалар хонасига икки ярусли кроватни жойлаштиришга намунаси: А – икки қаватли конструкция; Б – биринчисининг остига жойлаштирилган чиқариладиган кроватли конструкция; В –уч кроватли конструкция.

югуришлари учун кенгроқ юза ҳосил қилинишини ҳисобга олиш тақозо этилади. Шу сабабли бу хоналар йиғиладиган ва трансформациялашадиган мебельлар икки ярусни конструкциясига эга бўлган кравотлар билан жиҳозланиши мақсадга мувофиқ деб топилади (88 -расм). Бундай кроватларнинг габаритлари уларни хонанинг исталган жойига ўрнатиш имконини беради. Баъзида юқори кроват пастки кроват ярмисининг устига жойлаштирилади ва бунда битта кроватга нисбатан бир ярим баробар кўпроқ жой эгалланади.

Юқорида жойлашган кроват тагидаги бўш жойга шкафчалар ўрнатилиши мумкин. Бундай ечимни анча тежамкор деб ҳисоблаш мумкин. Учта кроватдан комбинация ҳам мавжуд. Икки ярусли кроватлар тизими

болалар ётоқхонасида уч ва тўрт бола учун нисбатан чегараланган юзани жойлаштириш имконини беради.

Болалар ётоқ хоналарини мебельга қўшиб қурилган буралиб ажратиладиган кроватлар, деворларига киритиладиган махсус тахмон кўринишидаги суриладиган кроватлар ёки шкафли пардеворларга сурилиб киритиладиган ва улардан чиқариладиган кроватлар билан жиҳозлаш ҳам мумкин. Бундан ташқари анча тежамкор вариантлар – учта кроватдан ташкил топган комбинация, бу комбинацияда ғилдиракли пастки кроват (учинчи) юқоридаги биринчи кроват тагига сурилиб киритиладиган ва зарур пайтларда тортиб чиқарилади (ухлаш пайтида). Болалар кўзида одатдаги стул самолёт, автомобил ва пароход ҳам бўлиш мумкин, стол эса эртакдаги каби уй, оддий чўп – севимли тойчоқ ҳам бўлиши мумкин.

Шунинг учун болаларнинг хоналарида кўп ҳолларда оддий шаклдаги мебельлар кўпроқ қўлланилади, улардан болалар таассуротидаги бой буюмтазия асосида ҳар хил комбинациялар тузиш мумкин. Мебелдан жароҳат олмасликнинг олдини олиш учун уларда ўткир бурчаклар ва чиқиб турган қисмлар бўлмаслиги керак. Мактаб ёшига етгач болалар хонасини қайта жиҳозлаш ва мебелиниянгилаш билан боғлиқ бўлган ташвишлар юзага келади. Улар дераза яқинига жойлашган, кундузи яхши ёритиладиган ва кечқурун ишлаш учун мос келадиган чироқ билан таъминланиши зарур. Бу бурчакни эни етарли катталикда бўлган тахтани иккита тумбочка устига қуйиш билан ташкил этиш мумкин, тумбочкалар ичига эса дарсликлар ва дафтарларни тахлаш мумкин.

Атрофдаги ташқи оламнингболалар томонидан қабул қилинишида ранг алоҳида муҳим рол ўйнайди. Олиб борилган қатор психологик изланишлар шундан гувоҳлик берадики, айниқса кичик ёшдаги болаларда ёруғлик спектрининг энг илиқ томонларига, масалан, қизил, сариқ, олов рангларга мойиллик бўлади. Кейинчалик эса яшил ва кўк рангларга ва улардан ҳосил қилинадиган ҳосилавий рангларга мойиллик сезилади. Рангли тасвирларни ҳаддан ташқари тўқ рангларда бажармаслик керак, акс ҳолда салбий эффект юзага келиши мумкин. Болалар ётоқхоналарини табиий ёритиш учун таршер ва деворга ўрнатиладиган чироқларнинг ўрнатилиши жудаям мақсадга мувофиқ келмайди, одатда чироқлар шипка осма равишда ўрнатилади, чунки бунда болалар қўлларини чироққа узата олишмайди. Агар бу чироқни хона ўртасидан хонанинг исталган жойига масалан, стол устига, дераза ёнига ёки кроват устига силжитиш мумкин бўса, у ҳолда янада яхшироқ қулайлик яратилади.

Болалар хонасининг полини тушакчалар билан қоплашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Пол тўшалмаси гигиеник талабларга қатъий жавоб бермоғи лозим, тўшалма юқори сифатга ва иссиқ сақловчанликка (иссиқбардошликка) эга бўлиши керак. Коврoланларнинг ҳар бир турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар маҳкам, унда чиқиб турган ўсимталар бўлмайди, у чангни ўзига ютмайди, букилганда унда тириш жойлар  ҳосил бўлмайди. Бинолар хонаси учун линолеумдан фойдаланиш

ҳам мақсадга мувофиқдир, чунки у жуда гигиеникдир ва енгил тозаланади. Фақат кроват ёнига (олдига) ёрқин токдаги кичик гилам тушашса янада яхшироқ бўлади. Линолеумни кўрпа-тўшак билан уйғунлаштириб, хонанинг маълум ҳаётийлигига эришиш мумкин.

Кичик ёшдаги ўғил бола ва қиз болалар вакт ўтиши билан улғаядилар ва уларнинг ўспиринлик даврида мустақиллик ҳисси ва дид шакллана бошлайди ҳамда улар шахсий ҳаётга қадам ташлайдилар. Улар ривожланишининг бундай даврида ўзининг хусусий "бошпанага" эга бўлиши ҳақиқий реалликка айланади. Натижада квартирани қайтадан мослаштириш, мебельларни алмаштириш, қайта ўрнатиш, янгисини харид қилиш ва оилада содир бўлаётган ўзгаришларни қониқтирадиган ечимларини излаб топиш зарурияти юзага келади. Бу зарурият оилада бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради, бу муаммолар ҳақида албатта олдиндан ўйлаш керак бўлади. Агар болалар хонасини келажакни ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаб борилса, у ҳолда бундай ҳолат кўп жиҳатдан ўсмирлар ва ёшларнинг эҳтиёжларига мос келиши мумкин. Агар оилада ўғил ва қиз улғаётган бўлса муаммо янада мураккаброқ тус олади. Бундай вазиятларда агар хона етарли даражада катта бўлса ва қарама-қарши жойлашган иккита деразага эга бўлса, у ҳолда бу хонани пардевор билан иккига бўлиш мумкин. Бундай пардевор сифатида енгил шкаф-девордан фойдаланиш кўп қулайликларга эга бўлган муҳитни ҳосил қилади, шкафга иккита кроватни ўрнатиш мумкин, унинг ҳар иккала томонидаги қолган қисмидан жовонлар ва кутубхона сифатида фойдаланиш мумкин. Ўсмир ва ёшлар хонасини мебельлаштириш одатда қуйидагилардан иборат: кроват ёки диван, катта бўмаган шкаф, иш столи (дарс тайёрлаш учун), китоблар учун бир нечта жовонли мосламас. Мебельларни ўспирин ёшлар ўзларининг дидидан келиб чиққан ҳолда танлайдилар.

Агар хонада бўш жой бўлса, у ҳолда у жойга енгил конструкцияга эга бўлган креслони қўйиш, хонани ёритишда таршер ёки осма чироқлардан фойдаланиш мумкин, полга катта бўмаган оддий нақшли гилам ва оригинал циновка тўшалади.

Хўжалик-коммуникация зонаси ошхона, даҳлиз, квартира ичи коридорлари, шюз ва кладовкадан ташкил топади. Одатда унинг хизмат кўрсатиш учун уни қулай бўлиши учун тантанавор зона яқинига жойлаштириш қабул қилинган. Бу зонани тантановар ва ирсий зона орасига жойлаштириш классик схема дейилади. Интерьерни ташкил этишда улардан ошхона ва даҳлиз муҳим рол ўйнайди.

**7-илова**

## Ошхона

Замонавий квартираларда ошхона унинг лойиҳаланишида муҳим элемент ҳисобланади. Квартира режасида ошхонанинг эгаллаган ўрни (ҳолати) квартира интерьерининг бутун фазовий боғланиш тизимига таъсир

кўрсатади. Яқингача одатдаги ошхонанинг фазовий кенглигининг юзаси 8-11 м$^2$ ташкил этади.

Бундай фазовий кенгликка ошхона жиҳозининг одатий тўпламини, телевизорни ҳам, гуллар, китобларни ҳам сиғдиришга тўғри келган. Техник таъминланган, шинам ошхона нафақат унинг эгаси уй бекасига, балки бошқа оила аъзоларига ҳам хушкайфият бағишлайди, уй бекаси эса ўз оиласи билан доимий мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади. шундай қилиб, ошхонанинг аҳамияти яшаш хонасининг мавқеигача кўтариляпти, унинг аҳамияти бутун квартира интерьери учун ҳам эстетик жиҳатдан ўсиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра ишлайдиган аёл ўз вақтини бир кунда 2 соатдан 4 соатгача ошхонада ўтказар экан, уйдаги хўжалик ишларини олиб боришга сарфланадиган вақтни тежашга ва ошхонадаги ишларни енгиллаштиришга қаратилган турли тадбирлар катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ошхоналарни лойиҳалашда асосий мақсад унинг фазовий кенглиги ва жиҳозланиши меҳнатни енгиллатишга ва вақт сарфини қисқартиришга хизмат қила олишини таъминлашга қаратилади.






89 расм. Ошхона жиҳо-зини бир қатор қилиб жойлаштиришга

Бу мақсадга эришиш учун ошхонани оқилона режалаш, унинг турини квартирага мос тарзда рационал танлаш асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолатда келиб чиққан ҳолда ошхонада рўй берадиган ҳамма функционал жараёнларни бириктирадиган ягона тизим ўрнатилади, бу тизим асосида жиҳозларнинг ҳамма элементлари ўрнатилади ва ошхона иккита зона-овқат тайёрлаш зонаси ва овқатланиш зонасига бўлинади. Овқатланиш зонасидан ошхонада ўтказиладиган бошқа жараёнлар учун ҳам фойдаланиш мумкин. Ошхона жиҳозлари ишчи юзасининг баландлиги 85 см (аёлларнинг ўртача бўйига ва тик туриб ишлаш шароитларига мос келади) қилиб қабул қилинади, уларнинг максимал эни 60 см ни минимал эни






90-расм. Ошхона жиҳозини бурчакли жойлаштиришга доир мисол.

эса 30 см ни ташкил этади. Турар-жойларни лойиҳалаштиришда ошхоналарни жиҳозлашнинг учта асосий усули қўлланилади:

-жиҳозларнинг алоҳида буюмлари (плита, ювиш идиши, совуткич, иш столи, осма шкафлар) тўплами билан билан жиҳозлар;

-пастки ва юқори қатор элементларига эга бўлган баланд шкафни намоён этувчи секцияли (бўлимли) мебель билан жиҳозлаш;

-уйни қуриш жараёнида монтаж қилиб ўрнатиладиган жиҳозлар билан жиҳозлаш.

Ошхона мебельларини бир қатор (бир чизиқ бўйича) қилиб жойлаштириш технологик талаблар натижаси ҳисобланади ва эстетик талабларга жавоб беради. Алоҳида элементларнинг композицион бирлаштирилиши билан интерьерда яхлитлик ва кўркамликка эришилади, ошхонадаги фазовий кенглик жиҳозларнинг алоҳида ҳажмда ўрнатиладиган ошхонадагига қараганда анча кенг ҳис қилинади. Жиҳозлар бир қатор қилиб, деворга тақаб жойлаштирилиши сунъий ёритишнинг янги ечимини талаб этади. Ошхонани сунъий равишда марказий чироқлар ёрдамида ёритишда иш столининг юзасига ишлаётган одамнинг сояси тушиши овқат тайёрлаш жараёнига салбий таъсирини кўрсатади, буни бартараф этиш мақсадида иш столи юзасини ёритиш кузда тутилмоғи лозим. Иш столи юзасини ёритиш паст текисликларда осма элементларни ташкил этиш ва деворга люминесцентли трубкалар (чироқлар)ни монтаж қилиш орқали амалга оширилади.

Ошхона ўлчамларининг нисбати, хона конфигурацияси, дераза ва эшик оралиқларининг жойлашиш ўрнига боғлиқ равишда жиҳозларни жойлаштиришнинг 4 та схемасидан бири қўлланилиши мумкин. Энсиз томонида битта деразага эга бўлган чузинчоқ шаклдаги ошхоналарда жиҳозларни деворнинг узун томонларидан бири бўйлаб жойлаштириш кенг тарқалган (89-расм).

Бу тизимнинг афзаллиги ишчи операцияларни функционал кетма-кетликда енгил бажарилишига эриш, инженерлик узатмаларнинг тежалиши ва жихозларнинг оддий тайёрланиши (бурчакли элементларнинг бўлмаслиги) билан изоҳланади. Тизимнинг камчиликларига иш фронтининг узунлиги ва хонанинг энсизлиги туфайли нонушта столини жойлаштиришда қийинчиликнинг юзага келиши киради. Жиҳозлар қисқартирилган таркибда қўлланилиши мумкин. Дераза оралиғи полдан 85 см баландликда жойлашиши лозим (90 – расм).

Бундай тизим фойдаланиш учун жуда қулай. Бу тизим ҳам чизиқли тизимдаги каби қатор устунликларга эга. Унда ҳам жиҳозларнинг узлуксизлиги кетма-кетлиги таъминланади. Агар бир қатор чизиқли тизимда иш фронтининг узунлиги




91-расм.Ошхона- тахмоннинг тархий ечимига доир мисол.

камчилиги бўлса, “Г” симон тизим бундай камчиликдан ҳоли бўлиб, унда хизмат қилиш йўли (масофаси) қисқаради, уй бекаси жиҳозларнинг ҳамма тугунларини кўрган ҳолда ўтириб ишлаши мумкин. Дераза орқали тушаётган ёруғлик ишчи юзани яхши ёритади. Ҳамма тизимнинг ихчамлиги барча ҳолларда нонушта столини қулай жойлаштириш имконини беради. Бунда ошхонанинг фазовий кенглиги ишчи зонаси ва овқатланиш зонасига пухта бўлинади. Жиҳозларнинг бурчакли жойлаштирилиши дераза орқаларидаги девор ёнига ҳам ўрнатилиши мумкин.

Бундай жиҳознинг бир томони табиий ёритилишга нисбатан ноқулай ҳолатда жойлашади. Жиҳозларнинг бурчакли жойлаштирилиши катта ва кичик юзага эга бўлган ошхоналарнинг шакли квадрат ёки бўйи узунроқ тўртбурчак, жиҳозлар таркибининг тўлиқ ёки қисқартирилишидан қатъи назар ҳар қайсиси учун ҳам қулайдир. Кухнларни лойиҳалашда иш жойларини табиий ёруғлик билан ёритишга катта эътибор қаратилади.

Тўғри ва ён томонлардан ёритилганда ошхонада ишлаш учун яхши шароит яратилади. Яъни жиҳозларнинг иш текислиги дераза ёнига ёки деразага туташиб кетган девор олдига жойлаштирилганда иш юзаси табиий ёруғлик ёрдамида яхши ёритилади. Ошхоналарни лойиҳалашнинг ёмон варианти бу жиҳозларнинг дераза оралиғига қарама-қарши турган девор ёнига жойлаштирилишидир.. бундай ечим фақат ошхонанинг ўлчамларидан бири анча узун бўлган ҳолда ва табиий ёритиш ушбу ошхона учун асосий деб ҳисобланмаган ҳолларда ўзини оқлаши мумкин.

Жиҳозларни дераза атрофига жойлаштириш, шубҳасиз, яхши усул ҳисобланади, лекин бунда осма шкафларни ўрнатишда қийинчиликлар юзага келади. Дераза ойналарининг ишчи текислик баландлигида жойлашиши ошхонани яхши ёритади ва осма шкафлар устидаги тасмасимон ойнали деразалар ошхонанинг бир текис ёритилишини таъминлайди. Интерьер ҳамда уй фасадининг кўриниши нуқтаи-назаридан бундай усул анча қизиқарлидир.

Замонавий лойиҳалаш-қурилиш амалиётида ошхоналарнинг учта асосий тури қабул қилинган: ошхона-тахмон (ниш); ошхона-ошхона, ишчи ошхона квартирани лойиҳалашда ошхоналарнинг у ёки бу турининг танланиши оила таркиби, уйда хўжалик юритиш хусусияти, турар-жойнинг шинамлик даражаси ижтимоий хизмат кўрсатишининг мавқеи билан белгиланади.




92 расм.Ошхона-ошхонанинг тархий ечимига доир мисол.

***Ошхона-тахмон*** катта бўмаган квартираларда ҳамда меҳмонхона туридаги уйларда қўлланади. Ўзининг кичик габаритлари туфайли у одатда яшаш хонасининг тахмони (нишаси) га жойлаштирилади ва идишларни ювиш учун раковина, катта бўлмаган иш столи ва электр ёки газ плитаси билан жиҳозланади (28-расм).

***Ошхона-тахмон***, одатда, умумий хонага ёки даҳлизга жойлаштирилади ва табиий ёритилишга эга бўлмайди. Ошхона тахмоннинг умумий хонага жойлаштирилишида албатта электр плита қўлланиши тақозо этилади. Бундай ошхонанинг майдони жиҳозларни фақат ишчи зонага жойлаштириш имконини беради. Тахмоннинг эни 70 см дан кам бўлмаслиги, узунлиги эса элементлар тўпламига боғлиқ бўлиб, 1,4 м ва ундан катта бўлиши мумкин. Тахмон сурилувчан (кўчириладиган) пардевор ёки тўсиқлар билан тўсилиши мумкин, бундай ҳолда ошхона жиҳозларига эга бўлган шкаф ҳосил қилинади (96-расм, 189 б.).

Айниқса бундай ҳолат қишлоқ жойларида ўзининг яққол тавсифини намоён этади. Ошхоналарнинг бундай қўшимча функционал жуда қулай бўлиб, бу ерда ҳамма нарса “қўл остида” бўлади идиш-товоқ ҳам, плита ҳам, стол ҳам, сув ҳам ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси фақат уй бекаси учун қулайдир, чунки кун давомида кўп ҳаракатланишининг олди олинади, ошхонадан ошхонага ва аксинча бўлган ҳаракатлар анча қисқаради. Лойиҳавий нуқтаи-назардан ошхона билан қўшма тарзда жойлаштирилади ва улар очиқ фазовий кенглик орқали ўзаро бирикади ёки суриладиган пардеворлар билан ажратилади.

Бундай ошхона одатда иш столи, раковина ва газ плитаси (ёки электр плита) билан қўчмас ҳолатда жиҳозланади. Ошхона-ошхонанинг минимал юзаси (энг кам майдони) – 8 м$^2$ ни ташкил этади. Квартирада хоналарнинг кўпайишига боғлиқ равишда унинг майдони 10 м$^2$ гача кенгайиши мумкин Ундай ошхонанинг эни жиҳозларнинг жойлашишига боғлиқ бўлади: жиҳозларнинг бир қатор жойлашишида ошхонанинг эни 2,4 мдан кам



Ошхона жиҳозини икки қатор қилиб жойлаштиришга доир мисол



бўлмаслиги, бурчакли ёки икки томонлама жойлашишида эса унинг эни 2,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Майдони 6 м$^2$ дан юқори бўлган ошхонада овқатланиш учун доимий зонани ташкил этиш мумкин, одатда бу зонадан бошқа оила аъзолари ҳам турли юмушларни бажаришда фойдаланишади. Ошхона-ошхона унинг функционал юкланганлигига мувофиқ равишда кенг таркибдаги жиҳозларга эга бўлади. Эни каттароқ (2,1 м дан кам бўлмаган) бўлган ошхоналар ва шакли квадратга яқин бўлган ошхоналарнинг иккита қарама-қарши томонлари бўйича ҳар бир томонга бир қатордан жиҳозларни жойлаштириш анча қулайдир. бундай жиҳозлар шундай тақсимланадики, унда бир девордан қарама-қарши томонга иш жараёнида ортиқча юришнинг олди олинган бўлиши керак. Ошхоналарда меҳнатни ташкил этишнинг умумий схемасидан келиб чиққан ҳолда жиҳозларни икки қаторли тизим асосида жойлаштиришда улар қуйидагича тақсимланади:

биринчи қаторда - иш столи, ювиш мосламаси (мойка) плита;

иккинчи қаторда – маҳсулотлар ва идиш-товоқларни сақлаш учун шкаф, совуткич, иккинчи ювиш мосламаси (мойка)ни жойлаштириш мумкин. Бу икки қаторли тизим ажабланарли даражада устунликларга эга. Бу ерда ишлаш зонаси қисқа бўлгани туфайли бир вақтнинг ўзида жиҳозларнинг иккала полосасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ошхонани иш зонаси ва ошхона зонасига енгил бўлиш мумкин. Деразага бемалол (эркин тарзда) етиб бориш имконияти мавжуд. Лекин нонушта столининг дераза ёнига жойлаштирилиши ошхона зонасига ишчи зона орқали ўтишга халақит қилади. Жиҳозлар жойлаштирилишининг икки қаторли тизими қўлланилган ҳолларда элементларни П ҳарфи шаклида жойлаштириш орқали бир-бирига туташтириш мумкин.





94 расм. Ошхона жиҳозини уч қатор қилиб жойлаш-тиришга доир мисол.

Бу тизимлардан ҳар бири ижобий ва салбий сифатларга эга. Бу усул иш жойининг компактлигини камайтиради, ошхонадаги фазовий кенгликни иш зонаси ва овқатланиш зонаси каби функционал зоналарга пухта қилиб ажратиб беради. Шароитдан келиб чиққан ҳолда жиҳозларнинг уч қаторли тизими ҳар хил ҳолатларни эгаллаши мумкин: учала қатор ҳам деворга П шаклида тақалиши мумкин ёки бир қатор алоҳида Г шаклида

бўлиши мумкин. Бундай ярим алоҳидалик нонушта столи, шкафли секциялар ёки униси ҳам буниси ҳам бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин. Баъзида жиҳозларнинг элементлари шипкача етиб бормайдиган шкафли пардеворларнинг ўрнатилиши уларнинг икки томонидан ҳам фойдаланиш имконини беради. Бундай пардеворга нонушта столини ҳам ўрнатиш мумкин.

Ишчи ошхона – бу жой фақат овқат тайёрлаш учун мўлжалланади, шунинг учун у бошқа хоналардан изоляция қилинган ҳолда жойлаштирилади (30-расм). Ошхона билан бевосита ягона алоқада бўладиган жой бу ошхонадир. Ошхонанинг юзаси 7 м$^2$ дан кам бўлмаслиги тавсиф этилади, унингўлчамларининг нисбати 2,0 х 2,2 м бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида ошхона универсал турдаги ёзги жой (айвон) билан бевосита боғланишга (алоқага) эга бўлиши лозим ёки миллий таомларни тайёрлашга мўлжалланган махсус очиқ жой билан узвий боғланган бўлиши тақозо этилади. Шу сабабли ошхона яшаш хоналари орқали шамоллатилишга эга бўмаслиги керак, чунки ошхона билан боғланиш лоджия ёки балкрнлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ишчи ошхона квартиралардаги табиий ёруғлик билан таъминланган мустақил изоляцияланган хоналарга жойлашрилилади.

Бундай ошхона асосан овқат тайёрлаш билан боғлиқ бўлган вазифалар ва овқат қабул қилингандан кейин йиғиштириш-тозалаш ишларининг бажарилишига мўлжалланади. Унда турли буюм ва нарсалар сақланадиган хўжалик шкафи, дазмоллаш учун мослама, йиғиладиган ёки кўчмас стол учун ҳам жой топилади. Бундай ошхона 4,5 дан 6 м2 гача бўлган майдонга эга бўлади, унинг минимал эни 1,8 м ни ташкил этади.

**8-илова**

## Дахлиз

Бу режавий элемент тақсимловчи кулуар вазифасини бажаради, ундан яшовчилар квартиранинг ҳамма хоналарига кирадилар (97-расм). Шунинг учун унинг яшаш уйининг тузилмасида эгаллаган ўрни муҳим аҳамиятга эга. Яшаш уйида (квартирада) ошхона, ошхона ва кабинет билан қулай боғланишни ҳисобга олган ҳолда даҳлиз жойлаштирилади. Унинг 1,4 м бўлган минимал эни меъёрлар орқали ўрнатилган. Даҳлизга одатда устки кийимлар учун мўлжалланган пойафзаллар тахлаб қўйиладиган тахталар ўрнатилган қўшма тарзда қурилган шкаф, тош ойнали тумбочка, телефон столи стули билан ўрин эгаллайди. Даҳлиз квартиранинг қоронғироқ қисмига жойлаштирилганда, ойнали эшиклар ёки қўшимча хоналарнинг деворнинг тепа қисмига жойлаштирилган ёруғлик оралиқлари орқали ёритилади. Бу қўшимча ёруғлик оралиқлари кўриш орқали қабул қилишда фазовий кенглик катталашгандек ҳис қилиниши билан интерьерни янада бойитади.даҳлиз квартирани зоналарга ажратадиган жой сифатида хизмат қилади, алоҳида хоналарнинг мустақиллигини таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида бу

хоналарни бир-бири билан боғлайди. Даҳлиз устки кийимларни ва пойафзалларни, хўжалик ва спорт буюмларини сақлаш учун ҳам хизмат қилади. Бу ерда квартирадан чиқишдан олдин кийинилади, квартирага киргандан кейин эса устки кийимлар ечилади ҳамда меҳмонлар кутиб олинади. Квартираларнинг интерьерида у муҳим рол ўйнайди. Интерьернинг композицияси худди шу ердан бошланади ва унинг ечими эстетик баҳоланади. Бу асосий вазифаларга мувофиқ равишда даҳлизнинг жиҳозланиши ҳам тақозо этилади.

Турар-жой бинолари режавий элементларининг меъёрий хужжатларида даҳлиз учун мўлжалланган жиҳозларнинг рўйхати берилган. Бу рўйхатга кийимларни осиш мосламаси (кийим илгич, вешалка), пойафзаллар қутиси, банкетка, журналлар столчаси, хўжалик буюмлари ва устки кийимлар учун шкаф, турли стеллажлар киради (98,99-расм). Кундалик фойдаланиладиган кийим илгич учун деворнинг эркин юзали текислиги зарур бўлади. Кийим илгич учун махсус тахмоннинг кўзда тутилиши анча қулайдир. Унинг юқори қисмидаги тахта бош кийимлар, зонтлар ва тростейлар учун мўлжалланган бўлади, пастки қисмига эса пойафзаллар тахланадиган тахталар ўрнатилади. Бундай тахмонни парда ёки йиғилувчи мослама билан тўсиш (ёпиш) мумкин. Тош ойна даҳлиз учун зарур бўлган жиҳоз бўлиб, у харакатланиш чизиғидан четроқда жойлашган девор текислигига ўрнатилади, унинг олдида эни 30 см дан кам бўлмаган бўлак қолдирилади. Тош ойнани кийим илгичнинг яқинига осиш ёки ўрнатиш маъқулроқ бўлади. Агар тош ойна бурчакка ўрнатилса, у ҳолда тегишли девор билан тош ойна орасидаги масофа 30 см дан кам бўлмаслиги керак. Тош ойна билан биргаликда гигиеник нарсалар учун мўлжалланган тахтали мослама ўрнатилиши ёки столчанинг жойлаштирилиши кўзда тутилади. Даҳлизга телефон ва журналлар учун алоҳида столча жойлаштирилади; стул ёки банкетка пойафзалларни ўтирган ҳолатда кийиш учун ва телефонда гаплашиш ва кутиш учун хизмат қилади.

Квартиранинг бошқа хоналари сингари даҳлизда ҳам асосланган зоналарнинг бўлиши ҳисобга олинган ҳолда лойиҳаланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг ҳар бир зонасида қулайлик шароитни таъминловчи даҳлиз энининг минимал ўлчамлари ўрнатилган. Даҳлизнинг эни ҳеч бўлмаганда 130см дан кам бўлмаслиги, мумкин қадар 150 см дан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Даҳлизнинг режавий сифатлари эшик оралиқларининг жойлашишига ва сонига боғлиқ бўлади. Даҳлизнинг 1,3 минимал энида квартиранинг даҳлизга ташқаридан кириладиган эшиги бир табақали бўлади ва квартира ичига қаратилиб очилади. Даҳлизнинг вазифа бажариши ва бошқа имкониятлари аввалом бор унинг юзасининг ўлчамларига боғлиқдир, ундан кейин даҳлизга қарата очиладиган эшиклар сонига боғлиқ бўлади. Агар даҳлиз етарли бўлмаган ўлчамларга эга бўлса, у ҳолда унинг вазифаларининг маълум бир қисми бошқа хоналар зиммасига ўтказилади, бу эса яшаш хоналаридан тўғри фойдаланиш тартиби (режими) га ўз таъсирини кўрсатади.

Даҳлизнинг функционал жиҳатдан ортиқча юкланганлиги унда кўплаб ҳар хил буюмларнинг тўпланишига олиб келади, оқибатда пала-партишлик,

буюмлар уюмининг ҳосил бўлиши квартира интерьерини ҳам бузади. Бундай ҳолда даҳлизга қўшиб қурилган шкаф унинг жиҳозланишининг энг яхши кўриниши намоён қилади (100-расм). Кийимлар ва пойафзаллар учун ўрнатилган шкаф қаторида турли хўжалик-рўзғор буюмлари, анжомлари сақлашга мўлжалланган шкаф, китоблар учун тахталар ҳам бўлиши мумкин.

Бунда даҳлиз жиҳозларнинг кўплаб элементлардан озод этилади, унинг сиғими эса кенгаяди. Қўшиб қурилган шкафли даҳлиз, алоҳида турувчи элементларга эга бўлган даҳлизга қараганда анча эркинроқ, кенгроқ қабул қилинади, унинг интерьери эса тугалланганлик ва бус-бутунликни намоён қилади. Бундай кўринишда у ҳақақатдан ҳам квартиранинг вестибюлига айланиши мумкин ва унинг квартирадаги композицион-эститек аҳамияти янада ортади.

Квартиранинг фазовий боғланишлари тизимида даҳлиз кўпинча умумий хона билан биргаликда ечилади, бунда у умумий хона билан ягона бутунликни ташкил этади. Икката фазовий кенгликнинг ягоналигига даҳлизни умумий хонага кенг ойнали эшиклар ёки йиғиладиган пардеворлар орқали максимал очиш билан эришилади (101-расм).бунда одатда табиий ёруғликдан маҳрум бўлган даҳлизнинг катта бўлмаган фазовий кенглиги лекин унинг умумий хона фазовий кенглигига қаратилганлиги туфайли унга ёруғликнинг “қуюлиши” квартирага киришда кенглик ва эркинлик ҳис қилинишини юзага келтиради. Бундан ташқари бундай керак бўлган пайтда (моментда) умумий хонага даҳлизни бириктириш (қўшиш) эвазига унинг фазовий кенглигини ошириш имконини беради. Баъзида даҳлиз умумий хонадан мутлақо шартли равишда шипкача етиб бормайдиган стеллажлар ёки бир томони шкафли бўлган секциялар билан ажратилади. Бундан вазиятлар (ҳоллар)да даҳлизнинг бадиий ечими умумий хонанинг ечимлари билан узвий боғланган бўлади – улар биргаликда квартиранинг бош композицион марказини ташкил этади (109-расм, 208 б.). даҳлизни ёритишга сунъий ва табиий ёруғликнинг турли тизимлари қўлланади. Даҳлизлар битта ёки иккита оқ плафон билан ёритилади, бу плафонлар обилное ёруғлик беради (тарқатади).Даҳлиз кўп жиҳозлани тиқиб жойлаштириладиган жой эмас, унинг безатилиши мебельлар ва жиҳозлар билан тиғиз тўлдирилмаган ҳолда жиддий ва сокин бўлмоғи тақозо этилади. Бироқ бу дегани юқоридан ёритишга мўлжалланган чиройли плафон ёки қандилдан интерьернинг композицион акценти сифатида фойдаланиш имконини инкор этмайди.

**9-илова**

## Санитар гигиеник зона

Бу зона ваннахона, ювиниш ва туалет хоналаридан ташкил топган хоналар гуруҳини ўз таркибига киритади. Квартиранинг турига боғлиқ равишда санитария тугунлари қўшма бўлиши яъни ҳамма жиҳозлар (ванна ёки душли паддан, ювиниш мосламаси ва унитаз) битта хонада жойлашиши (102-расм) ва ажратилган ҳолатда яъни ванна ювиниш мосламаси билан алоҳида хонада, унитаз эса хонада жойлашган бўлади (103-расм). Санитар тугуннинг биринчи

тури асосан ёлғиз инсонлар, кам таркибли оилалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар, меҳмонхона номерлари, ҳамда катта оилалар учун мўлжалланган квартираларда қўлланилади. Қўшма санитар тугунлар анча кам қулайликларга эга бўлади, шу туфайли уларнинг қўлланишига иқтисодий мулоҳаза юритишдан келиб чиққан ҳолда ва фақат кичик габаритли квартираларда йўл қўйилади. Кичик габаритли квартираларда бундай ноқулайлик айтарли даражада кучли таъсир ўтказмайди. Асосий жиҳозлардан ташқари санитар тугун хоналарига ёрдамчи жиҳозлар қатори: кир ювиш машинаси, кир чойшаблар қутиси, курси, тош ойна ҳамда сочиқлар ва кийимлар учун илгич (вещалка).

Ванна хонанинг ўлчамлари бу ҳамма жиҳозларнинг габаритлари ҳамда унга бемалол кириш ва харакатланишни таъминлайдиган эркин фазовий кенглик билан аниқланади. Унинг эни 1,4 м дан кам бўлмаслиги лозим. Санитар-техник меъёрларда ванна хонага кириш бевосита даҳлиздан ёки коридордан кириш тавсия этилади, лекин кириш эшигини ошхона-ошхона ёки яшаш хоналарига ўрнатишга мутлақо йўл қўймаслик лозим. Ванна хонага қўйиладиган мажбурий талаб бу унинг сўриб олувчи қурилма ёки фаол шамоллатиш учун ёруғлик ўтадиган оралиқ билан таъминланганлиги билан бажарилади. Мумкин қадар уни табиий ёруғлик билан ёритиш тавсия этилади.

Маблағни иқтисод қилиш, тежаш мақсадида санитар тугунларни ошхона ёнига жойлаштириш тавсия қилинади. Бундай йўл тутилганда сув узатиш қувурлари, тирсаклар ва вертикал канализация қувурларининг анча кам сарфланиши эвазига иқтисод қилишга, тежамкорликка эришилади. Бироқ, бундай режавий схемага фақат шундай вазиятларда йўл қўйиладики, қачонки ошхона бевосита ошхона билан боғланмаган бўлса.

Хожатхоналар. Хожатхоналарни режалашга ва жойлаштиришга ўта қатъий талаблар қўйилади. Уларнинг габаритлари асосан уларга қўлланадиган жиҳозларга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хожатхонанинг бўйи 1,2 м бўлганда эни 0,85 м дан кам бўлмаслиги лозим (агар эшик ташқарига очилганда) ва унинг бўйи 1,4 м дан кам бўлмаслиги тақозо этилади, агар унинг эшиги ичкарига очилса.Агар хожатхонанинг асосий жиҳозлари таркибига қўл ювгич ва биде киритилса, у ҳолда унинг габаритлари катталаштирилиши мумкин (104-расм). Худди ванна хонадаги сингари, унга кириш даҳлиз ёки коридор орқали амалга оширилади, лекин унга кириш эшикларини бевосита ошхонага ёки яшаш хоналарига ўрнатиш мутлақо ман этилади. Кўп хонали квартираларда (беш ва ундан ортиқ) санитар-гигиеник меъёрларда уларга иккита хожатхона жойлаштириш тавсия этилади: биттасини даҳлиз ёнига, иккинчисини ётоқхона яқинига жойлаштириш анча мақсадга мувофиқ келади. Худди санитар тугунлар каби хожатхоналар ҳам сунъий (сўриш вентиляторлари) ва табиий (ёруғлик оралиқлари) тизими ёрдамида яхши шамоллатилиши талаб этилади. Бу меъёрий талабнинг бажарилиши Ўзбекистон шароитлари учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

**10-илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. **Хоналарнинг интерьерлари қандай шакллантирилади?**
2. **Кўп хонали квартираларда хоналар қандай функционал зоналарга ажратилади?**
3. **Овқатланиш зонасига қандай талаблар қўйилади?**
4. **Ухлаш хонасига қандай талаблар қўйилади? Ухлаш хонасининг сони ва майдони қандай бўлиши керак?**
5. **Болалар хоналарига қандай талаблар қўйилади?**
6. **Ошхонага қандай талаблар қўйилади?**
7. **Ошхоналарни жиҳозлашда қандай асосий усуллар қўлланилади?**
8. **Ошхона мебеллари қандай бўлиши керак? Нима учун?**
9. **Ошхона-тахмон нима?**
10. **Даҳлиз қандай бўлиши керак?**
11. **Санитар-гигиеник зонага қандай талаблар қўйилади?**

| 16-**МАВЗУ** | САНОАТ БИНОЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

## 1.2.

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Саноат корхоналарини лойиҳалаш.<br>2. Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари.<br>3. Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ.<br>4. Саноат бинолари интерьери. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:***Талабаларни саноат бинолари ва корхоналари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Саноат корхоналарини лойиҳалаш билан таништиради | Саноат корхоналарини лойиҳалаш қандай амалга оширилишини билади |
| Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари ҳақида гапириб беради | Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари ҳақида фикр юритади |
| Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ аҳамияти ва ўрнини кўрсатади | Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ аҳамияти ва ўрнини тушунади |
| Саноат бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Саноат бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Саноат бинолари ва корхоналари интерьери” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Саноат биноларига қўйиладиган замонавий талаблар” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | \<br>“Эссе ёзадилар<br>Фикр алмашилади<br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Саноат корхоналарини лойиҳалаш билан таништиради (3-илова).<br>2.3.Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари ҳақида гапириб беради (4-илова).<br>2.4. Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ аҳамияти ва ўрнини кўрсатади (5-илова).<br>2.5. Саноат бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (6-илова) | Режани ёзиб оладилар<br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (7-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[9]

Янги мавзуга кириш сифатида “Саноат биноларига қўйиладиган замонавий талаблар” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

[9]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

**2-илова**

## Маъруза режаси

1. Саноат корхоналарини лойиҳалаш.
2. Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари.
3. Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ.
4. Саноат бинолари интерьери.

**3-илова**

## Саноат корхоналарини лойиҳалаш

Саноат корхоналарини лойиҳалаш қурилишининг асосий таркибий қисмидир. Лойиҳаларда бино ҳажми ва ишлаб чиқариш майдонларини кичиклаштириш, моддий жиҳатдан ва меҳнат ресурслардан кам сарф-ҳаражат қилиб, ишлаб чиқаришни қувватини, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сони ўсишини таъминлашга эришиш лозим. Яратилаётган корхоналарни маълум габаритга, бирон бир мақсадга қаратилган ишлаб чиқариш объектларини типовой инструкциялардан лойиҳалашга ўтиш амалга оширлимоқда.

Қуйидаги янги типдаги саноат бинолари кенг қўлланилмоқда: ўлчами тўсин узунлигига тенг келадиган панель қоплами, блоклардан йиғма қопламали, темир-бетон асбестоцемент ва бошқа материаллардан ишланган тўшамали; полга ўрнатиладиган кўприкли кранлар ўрнига консоль ва бошқа турдаги осма кранлар ишлатиладиган, цех ичкарисида ҳажм блоклардан ва йирик ўлчамли элементлардан ясаб ўрнатилган хоналари мавжуд; ертўласи йўқ қисмида ҳажм минимал беркитилган канал, туннел ва бошқа ер ости қурилмалари, коммуникациялари ер устки қаватида марказлаштирилган; заводда ишлаб чиқарилган ва умумий тарзда етказиб бериладиган маҳсулотлардан, тезда ремонт қилиш имконияти бўлган темир-бетон ёки енгил металл конструкциялардан ташкил топган.

Янги типдаги бинолар билан бир қаторда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор берилмоқда, бунда, металл ишлатиш мумкин қадар камайтирилган кам меҳнат сарфланган бўлсин, бино ва иншоатларни қурилиш массаси ихчамланган, ўзида иссиқ ҳароратни сақлаш қобилияти оширилган бўлсин. Шу борада албатта устунлик йирик ўлчамли заводда тайёрланган конструкцияларга берилмоқда.

Эффектли кундаланг кесимига эга бўлган ўта чидамли, олдиндан териштирилган кўтарувчи темир-бетон конструкциялар ва енгил бетон конструкциялар ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Кўп ҳолларда олдиндан териштирилган темир-бетондан, барча эгиладиган конструкциялар – қурилиш тўсинлари ва фермалари, кўп қаватли биноларнинг синч элементлари, қоплама плиталари ва қаватлараро қопламалари, қутисифат

кўпбўшлиқли тўшамалари, девор панелларини тайёрлаш мақсадга муовиқ бўлади.

Ҳозирги камёб материалларни (ёғоч, металлопрокат) ишлатишни имкони борича камайтиришга олиб келадиган, кўп тарқалаётган йўл, бу қурилишни кимёлаштиришдир. Бугунги кунда парвозлаш ва изоляциялаш ишлари учун полимерлар, витражларда, ажратиш деворларида ва осма шипларида, шунингдек тозаликка юқорироқ талаб қўйиладиган саноат биноларида, алюминий конструкциялари ишлатилмоқда. Бу материаллар асосан Европа ва Корея мамлакатларидан келтирилмоқда.

Ресурсларни тежаш саноатни ёқилғи энергия, хомашё ва материалларига бўлган талабини ўсишига сабаб бўлади.

Қисқа вақт ичида лойиҳалаштирилётган ва қурилаётган бинолар, тез-тез ўзгариб турадиган технология талаблари асосида бўлган иш ресурсларини тежаш ва уни социал аҳамиятини кўтариш шароитида кечиктириб бўлмайдиган талаб пайдо бўлди.

Лойиҳачилар, архитекторлар ва конструкцияларнинг биринчи навбатдаги вазифалари – қурилиш илми, шаҳарсозлик ва архитектурадаги илмий-техник прогрессив ютуқлари асосида, мавжуд тардицион ва умуман янги прогрессив лойиҳавий ечимлари билан лойиҳа ва қурилиш ишларини самарадорлигини оширишдир.

Янги авлод саноат биноларини кенг тавсиф этилаётган чоғда ғайриоддий фасадида тешик-тешиги йўқ ва ойнаванд қисмлар контрасти, суперграфика ва дизайн воситалари, ранг ечими ифодали бўлган услубларни актив ҳолда қўллаб, вариантларни таққослаб танлаш услуби билан архитектуравий-бадиий образларни яратиш имконияти пайдо бўлади.

**4-илова**

## Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари

XXI аср атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш нафақат регионал, балки халқаро аҳамият кашф этади. Шаҳарсозлик ва шаҳарни шакллантириш вазифаларини ва комплексларини ҳозирги шароитда рационал лойиҳалаш фақат атроф муҳитни қўриқлаш талабларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Район планини тузиш ва лойиҳалашнинг ривожи саноат районлари ва узелларини, саноат корхоналари комплекслари бош планларини ишлаб чиқиш, бино ва иншоатларни ҳажм-тарз ва конструкция ечимларини танлаш, уларни ички тарғиботи, чидамлилиги, узоқ вақтга етиб бориши ва фойдаланиш шартлари атроф муҳитни ҳимоя қилиш талаблари билан узвий боғланган.

Инсониятни буркираб авж олаётган хўжалик фаолиятининг натижаси атроф муҳит устига тушаётган оғир юк бўлаётир. Айниқса, корхоналарни атроф муҳитга таъсири орзуга зид бўлмоқда.

Саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаб ундан фойдаланиш ишлари, ердаги барча шаҳарларда тўплаётган қаттиқ чиқиндилар йилига 3 млрд.тонна ҳосил қилишилиги сабабли тобора жиддий муаммога айланди. Саноатни ва атом электростанцияларини радиоактив чиқиндилари миқдори тобора кўпайиб бормоқда. Катта шаҳар иқлими атроф-муҳит иқлимидан анчагина фарқ қилади. Уни шаклланишини физик асоси-иссивлик балансини ташкил қилувчиларини ўзгариши, янги тўшалаётган юза характерини ўзига хос хусусиятини боғлиқлигида деса бўлади.

Замонавий шаҳарларда шовқинга қарши кураш кўп мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Двигател ва механизимлар шовқини – ўраб турган муҳитни бўлак шакли бўлиб, ҳавони ва сувни захарлашга нисбатан камроқ емирадиган ва хавфли эмас, кўп ҳолларда бунга қарши курашиш қийинроқ ўтади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ривожланиши табиий муҳитни буғлашга сабаб бўлади деб қонунлаштириб қўйиш нотўғри. Илмий-техник прогрессини муваффақиятлари, фан ва техника ривожланишдаги ютуқлар, келажакдаги янада ривожини ўраб турган табиий муҳитга салбий таъсирни олдини олишга барча керак бўлган имкониятларни яратди. Бугунда инсон ўзининг ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётидаги фаолиятида учта приципларга амал қилишга мажбур: ҳеч бир лойиҳа жиддий экологик ассосиз тасдиқланмаслиги ёки кўриб чиқилмаслиги керак; иқтисодий талаблар биринчи навбатда экология билан мувофиқланиши керак; табиатга ёриб кириш минимал бўлмоғи керак. Бунинг учун лойиҳавий ечимда вайрон қилинган атроф муҳитни қайта тиклаш процессини олдиндан эътиборга олиб иш тутмоқ лозим.

Шаҳарсозлик фани архитектура – лойиҳалаш ечимлари ёрдамида шаҳар муҳити ўзгаришларини олдидан айтиб боради, шунинг учун атроф муҳитни яхшилашда уларнинг роли каттадир. Улкан шаҳар бу сунъий ландшафт, у бўлаётган процесслар фаоллиги билан ажралиб туради. Муҳитни соғломлаштириш масаласи шаҳарнинг ўзида – инсон истиқомат қиладиган муҳитга кескин бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки шаҳарларни инсон организимига зарарли таъсири хатарли чегарага яқинлашмоқда.

Лойиҳалаш жараёнига экологик ёндошишда икки йўналиш бор: биринчиси – саноат майдонларини уюштириш, саноат районлари ва узелларини лойиҳалаш, иморатларни ҳажм – тарз ва конструктив ечимларини ва ишлатиш шароитлари ечимларини танлаш. Иккинчиси – ташқи ва ичкари атроф муҳитга чиқариб ташланаётган саноат ва бошқа чиқиндиларни камайтира оладиган дастгоҳ ва янги технологик процессларни яратиш масаласи.

Ҳар қандай саноат объекти атроф муҳитга таъсир қилиш билан бирга, ўзи ҳам муҳит таъсирида бўлади. Бошқа экологик принцип – лойиҳалашни тўла ҳолда бажариш, яъни ҳаво ва сув хавзалари, майдон, иқлим, шовқин таъсири, тебраниш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа факторларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш.

**5-илова**

## Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ

Кўп ишлаб чиқариш биноларининг меъморий-бадиий ва эстетик сифати паст, бу йўл қўйиб бўлмайдиган даражада, хаддан ташқари архитектура ижодиётини фақат техник масалаларини ҳал қилинишига бўйсундирилиши, меъморий ифодалашни янгича йўлларни излаш ва унга эришишни чеклаш оқибатидир.

Саноат бинолари архитектураси – шакл ечими йирик масштабли ва жонлидир. У ҳар қандай шаҳар архитектурасини бойитишга қодир.

Бунинг учун муҳим бадиий воситалар қуйидагилардан иборатдир:

- Асосий бинолар ҳажмини гармония ва пропорция қонунларига асосан бўлиб чиқиш;
- Очиқдаги жиҳозлар ва муҳандислик иншоатлари қизиқарли ва турли хилдаги шаклларини қўллаш;
- Барча фазони бир бутун қилиб, бадиий жиҳатдан бирлаштириш.

Тутун қувурлари муҳим аҳамият кашф этади (зарарли чиқиндилар чиқмайдиган), градирналар, вентилацион шахталар, очиқдаги дастгоҳлар. Бу иншоотлар обшқа объекталр билан жўшқинликда саноат мажмуасини характерли қиёфасини яратади.

Шаҳарсозлик ҳолати қандай бўлмасин, лойиҳалаштирилаётган ишлаб чиқариш муҳитига эга комплекс ансамблга органик ҳолда мос бўлиб тушиши керак.

Саноат бинолар ичкарисини ташкил қилинишига нафақат ундаги технологик жараён аниқ таъсир қилади, балки бинонинг конструкцияси ечими ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Саноат бинолар фазовий композициясининг типик тизмлари – уларни бутун кўриниши, улкан меъморий бўлакларга бўлинганлиги. Бино олди томони ва қурилмалар пластикаси, шу томон фонидаги бўритиб чиқувчи ёки аксинча кириб турувчи элементларни бўрттириб кўрсатиш орқали эришилади, буларга бинога кириш жойи, ташқарига чиқариб қурилган тамбурлар (бино томининг гумбаз қилиб ишланган қисми), автомобил ёки темир йўл платформалари, зинапоя этаклари, технологик жиҳозлари элементлари киради.

Баъзи ҳолларда узун биноларда меъморий ифодаликга эришиш учун бино олд томони ва ён томони ёпиқ ва ойнабанд қисмлар контрастлик ечимини ишлатилиши орқали эришилади.

Саноат корхонаси архитектура мажмуаси яратилаётганда ишлаб чиқариш технологияси, унинг атрофидаги шаҳар бинолари ўзига хослиги, саноат майдони режаси ечимини ўзига хослиги, саноат майдони режаси ечимини ўзига хослиги ва ландшафт характеридан келиб чиққан ҳолда бир қатор қарама-қарши талабларни мувофиқлаштиришга тўғри келади. Атрофдаги бинолар ва лойиҳаланаётган бинони композиция –бадиий бирлигини

таъминловчи услубларидан бири – корхона майдони ва ундан ташқаридаги жойларни кўкаламзорлаштириши бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш биноларини меъморий-композиция ечимларининг усул ва услублари деганда қуйидаги масалалар ёртилиши керак:

1. Меъморий ансамблнинг чегаралари масаласи;
2. Майдонни ичкарисидан ва ташқарисидан идрок қилиниши;
3. Мунтазамлик (регулярность) принциплари;
4. Катта бўлмаган ва жамланган саноат комплексларни композициясини ташқаридан идрок қилиниши;
5. Меъморий доминант –асосий композиция элементи;
6. Меъморий бинода горизонтал ёки вертикал бўйича бўлиншлар;
7. Композицион схема – симметрияли, ассиметрияли ва нейтрал (ритмиялик) бўлиши мумкин;
8. Ишлаб чиқариш бинолари фасад ечимларини асосини ёруғлик ўтказиш учун қолдирилган эшик, деразалар ўрни ташкил қилади;
9. Фасад ечимида ранг ишлатиш.

**6-илова**

## Саноат бинолари интерьерЬ

Оптимал меҳнат шароитини яратилиш ва меҳнаткашларни иш қобилиятини оширишда хона эстетикаси ва хоналардаги ишлаб чиқариш муҳити алоҳида аҳамият кашф қилади. Бунга эса, интерьер архитектурасини такомиллаштириш, жиҳозларнинг бадиий-конструктив ечилиши, умуман меъморий композицион ва меҳнатни илмий ташкил қилиш орқали эришилади.

Интерьер яратиш қуйидагилар орқали бўлади:

- Замонавий композиция принципларини қўллаш;
- Ўраб турган бинолар маоқимини бирон бир мақсадга, ўйлаб бағишламоқ;
- Технология жиҳозларни ўзаро тўғри жойлаштириш;
- Ишлаб чиқаришда механизациялаш, роботизациялаш ва автоматлаштиришни кенг қўллаш;
- Ичкарида фзиологик муҳитда маиший қулайлик (комфорт) параметрларига риоя қилиш;
- Қурилиш конструкцияларт ва жиҳозлар сиртини юқори даражада пардозлаш;
- Ишловчига маълум психофизик ва эмоцинал таъсир қилувчи ва шунингдек хавфсизликни таъминлаш учун пардозлаш ишларида турли рангларда бўяш.

**7-илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Саноат корхоналарини лойиҳалаш қандай амалга оширилади?
2. Ҳозирги кунда қандай янги типдаги саноат бинолари қўлланилмоқда?
3. Ҳозирги камёб материалларни (ёғоч, металлопрокат) ишлатишни имкони борича камайтиришга олиб келадиган, кўп тарқалаётган йўл қандай?
4. Бугунги кунда парвозлаш ва изоляциялаш ишлари учун қандай конструкциялар ишлатилмоқда?
5. Лойиҳачилар, архитекторлар ва конструкцияларнинг биринчи навбатдаги вазифалари нималардан иборат?
6. Саноат корхоналарини лойиҳалашда атроф муҳитни қўриқлаш ишлари нималардан иборат?
7. Замонавий шаҳарларда шовқинга қарши кураш ишлари қандай олиб борилади?
8. Лойиҳалаш жараёнига экологик ёндошишда қандай йўналишлар мавжуд?
9. Саноат биноларини қурилишида меъморий-бадиий образ қандай яратилади?
10. Ишлаб чиқариш биноларини меъморий-композиция ечимларининг усул ва услублари деганда қандай масалалар ёртилиши керак.
11. Саноат бинолари интерьери қандай яратилади?

| 17-**МАВЗУ** | КАМ ВА ЎРТА ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ |
|---|---|

**1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

**1.2.**

| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
|---|---|
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Кам қаватли турар жой бинолари.<br>2. Ўрта қаватли турар жой бинолари.<br>3. Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари) |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни кам ва ўрта қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Кам қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради | Кам қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Ўрта қаватли турар жой бинолари қўйиладиган талабларни тушунтиради | Ўрта қаватли турар жой бинолари қўйиладиган талабларни билади |
| Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари) қўйиладиган талабларни тушунтиради | Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари) қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Кам ва ўрта қаватли турар жой бинолари интерьери” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Талабалар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ талабалари “Кам қаватли турур жой биноларининг афзалликлари” мавзусида, иккинчи гуруҳ талабалари эса “Кўп қаватли турур жой биноларининг афзалликлари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Кам қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни тушунтиради (3-илова).<br>2.3.Ўрта қаватли турар жой бинолари қўйиладиган талабларни тушунтиради (4-илова).<br>2.4. Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари) қўйиладиган талабларни тушунтиради (5 илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (5-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

## Беш дақиқали эссе[10]

Биринчи гуруҳ талабалари “Кам қаватли турур жой биноларининг афзалликлари” мавзусида, иккинчи гуруҳ талабалари эса “Кўп қаватли турур жой биноларининг афзалликлари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

## Маъруза режаси

1. Кам қаватли турар жой бинолари.
2. Ўрта қаватли турар жой бинолари.
3. Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари)

**3-илова**

## Кам қаватли турар жой бинолари

Бу хилдаги турар уй-жойлар шаҳар маҳалларида (кичик туманларда) кўп оилаларга мўлжалланган. 1 қаватли уйлар асосан қишлоқ жойларда ва туман марказларида фойдаланилган ҳозирги пайтда шаҳар четларида ва ниҳоят шаҳар марказларида ҳам шу усулдан фойдаланиляпти. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида яшовчи оилалар томорқадан унумли фойдаланилмаётгани туфайли блокли уйлар, яъни 2 қаватли хонадонлар ишлатиляпти. Ҳар бир хонадон учун (50-100 $м^2$ ) томорқа ажратилган, ёзнинг илиқ кунларида ўз вақтларини ўтказиш учун томорқада гулзорлар, ёзги соябонлар, ҳовузча, болалар ўйнаши учун қум яшиги ва ҳокозолардан иборат бўлиши мумкин.

Лойиҳа 2 қаватли томорқали уйлардан тубдан фарқ қилмайди, фарқи шундаки, бу уйлар фақат икки қарама-қарши томонга ёруғлик (томорқали уйларда эса 3-4 томони очиқ, ёруғликни ҳоҳлаган томондан) бериши мумкин. Хонадонга кириш, асосан, кўча томондан ташкил этилган бўлиб, йўлак билан умумий хона ва ошхонадон ҳовлига чиқишга қулай шароит яратилган бўлиши керак.

Ёзги (хона) айвон, асосан, ҳовли томонда жойлашган бўлиб. Умумий хона ва ошхона билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт.

Бу уйлар “қизил чизиқдан” 6 метр ташлаб қурилади. Уй олдига панжарали гулхона, кириш ва чиқиш учун дарвоза ёки эшик ўрнатилади. Томорқанинг орқа томони эса тор хўжалик кўчасига қаратилган бўлиб, унинг хўжалик хоналари шу томондан жойлаштирилган бўлади.

---

[10]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

Уй атрофига гулзорлар, ҳовузлар, ёзги ошхона, собонлар ва дарахатлар ўтказилади. Қолган ер сатҳи сабзавотлар ва мевали дарахтлар, узумзорлар учун учун ишлатилади. Гараж учун ҳам қулай жой танлаш зарур. У уй ичида ҳам бўлиши мумкин. Уйларни қулай жойлаштириш учун уларни бирлаштириш, яъни битта том остида жойлаштириш мумкин.

Турар уй-жойлар. Шаҳар ва қишлоқ уйлари 1-2 қаватли қилиб қурилади. 2 қаватли уйларда ҳовли билан тўғридан тўғри боғланиш уларни икки ярусга жойлаштириш ҳисобига эришилади. 2 қаватли уйлар бир қаватли уйлардан афзаллиги билан фарқ қилади, чунки улар ер сатҳини, том сатҳини, пойдевор ва сокол ҳамда уй ҳажмининг 2 марта қисқаришга олиб келади ва шу билан бирга уларнинг нархи арзонроқ бўлишига сабаб бўлади.

Лекин қишлоқ аҳолиси 1 қаватли уйларни қуришга мойилроқ бўлади, чунки улар ер билан узвий боғланган бўлади (горизонтал бўйича), бундан ташқари 1 қаватли уйларни тархи оиланинг ўсишига мос бўлиб, кўпинча уйларни қуришга қулайдир. Уй майдонини купайтириш учун шароит бўлса, бу жамоа хўжалиги учун ноқулайдир, чунки ўзлаштирилган ерни бошқа ерга алмаштириш қийин ва ноқулайдир.

Кам қаватли уйларни кўп томонга қаратилиши (оринтацияси) кўп қаватли биноларга қараганда унча катта аҳамиятга эга эмас, чунки паст қаватли бинони дарахт ва буталар билан ўраб уларни қуёшдан сақлаш мумкин. Шунинг учун бинони ғарбга қараб қуриш мумкин. Бундай уйларда фақат ётоқхоналарни шимол томонга қаратишдан сақлаш лозим, у ерда яхши санитария-гигиена шароитини яратиш лозим. Ваннахона ва хожатхоналарни табиий ёритиш тавсия этилади, чунки бундай биноларда бунга имконият бор. Икки қаватли уйларда ҳожатхонани даҳлизда (шлюзда), ваннахонани эса ҳожатхона билан бирлаштирилган ҳолда 2 қаватга жойлаштириш мумкин.

Кир ювиш, асосан, ваннахонада бажарилади. Ваннахонанинг 2 қаватда жойлашиши ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун энг қулайи ошхона энига махсус кир ювадиган хонага (кир ювиш машинаси, сув кетадиган жой, дазмоллаш ва кийимларнинг тахлайдиган жой, қуритиш шкафини) жойлаштиришдир.

Ҳовлили биноларни қуришда асосан маҳаллий, қиммат бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш керак: хом ғишт, пишган ғишт, тахта, ганч алебастр ва ҳокозолар. Аммо қишлоқ қурилиши индустриал ва механизация усули билан тез қуриш учун заводда тайёрланган элементлар: блоклар, панеллар, темир-бетон ёпчиқлар ва бошқаларга ўтишга тўғри келади ва булар ҳовлили уйларнинг лойиҳалари характерига таъсир қилади.

Аммо маҳаллий қурилиш материаллари ҳали ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ ва шунинг учун меъмор олдига уларни заводда тайёр бўладиган қурилиш материаллари билан арлаштириб ишлатиш вазифаси қўйилди.

**4-илова**

## Ўрта қаватли турар жой бинолари

3-5 қаватгача бўлган уйлар ўрта қаватли турар жой бинолари турига киради. Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз, фақат умуми зинапоя орқали боғланади. Уларнинг қурилмалари оддий бўлиб, завод қурилмалари ва индустриал бўлиши мумкин. Бу хилдаги турар жой замонавий қулайликни қурилиши зич қурилиш бўлиб, шаҳар энини кам эгаллайди. Ҳамма замонавий қулайликни ишлатиш мумкин, қурилиш иқтисодий фойдали ҳамда қулайдир. Ҳозирги вақтда бундай уйлар асосидаги турар жой қурилиши шаҳарларни ташкил этади. Секин аста бундай уйлар қишлоқларга ҳам тарқалаяпти.

Кейинги пайтда турар жой даҳаларининг ривожланиши натижасида Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида кенг миқёсдаги 4-5 қаватли турар жой бинолари қад кўтара бошлади, шундан сўнг қурилиш материали, қурилиш-техник базаси ташкил этилди, темир-бетон конструкторлик заводига ўхшаш, панелли уй қурилиши, уй қурилиш комбинатлари, бир қанча андозали ғиштли серияли, панелли, синч-панелли бинолар қурилиши йўлга қўйилди. Қурилиш жараёнида булар кенг кўламда ишлатилди ва кўпгина ишлар индустриаллашди ва механизациялаштирилди. Экспериментал лойиҳа ишлари қайтадан кўриб чиқилди ва яхши томонга ўзгартирилди.

1966 йил 26 апрел куни Тошкентда ер қимирлагандан кейин бу ишлардан кенг кўламда фойдаланилди. Ўрта қаватли турар жой бинолари қурилишида энг асосий ўринни эгаллади, турар жой қурилишида эса бутун республикамизда кенг ёйилди. Ўрта қаватли йларда лойиҳа туркумларининг бўлинмали (секцияли), бўлакли, коридорли, битта бўлимали, йўлакли (галереяли), бўлинмали-коридорли усулларни кенг кўламда ишлатиш мумкин.

Бўлинмали туркум лойиҳасида хонадонларни ҳар хил катталикда – бир хонали хонадондан тортиб, кўп хонали хонадонгача лойиҳалаштириш мумкин. Уларнинг афзаллиги шундаки, унда ўртача катталикда ва кўп хонали хонадонлаорни лойиҳасини жойлаштириш мумкин. Бўлинмали туркум лойиҳаси кенг миқёсда ишлатилади, чунки у амалиётда текшириб кўрилган бўлиб, унинг лойиҳаси одиий ва харажати кам.

Йўлакли туркум кам хонали хонадонларнинг қурилишида ишлатилади ва Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун йўлакли турар жой бинолари андозали турар жой бинолари таркибига киритилган.

*Коридорли туркум лойиҳа.* Йўлакли туркумга нисбатан бу туркум анaчагина арзонга тушади, чунки бу туркумда коридорнинг икки томонига хонадон жойлаштириш мумкин. Корпуси кенгаяди, коммуникация тежаламланади.

Ўзбекистон шароитида бу туркум нокулай, чунки бунда хонадонлар бир томонга қараб қолади ҳамда елвизакли шамоллатиш йўқолади.

Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ жавоб бера олмагани учун ундан кам кўламда фойдаланилади.

Бир бўлинмали ёки нуқтали туркумда бир қаватда тўлиқ 4 хонани жойлаштириш мумкин. Қулайлиги шундаки, унда кам ва ўрта хонали хонадонларни ҳам жойлаштириш мумкин. Шунинг учун бу туркум универсалдир. Ихчам жойлашган бўлиб, зинапоядан кейин унумли фойдаланилади. Кенглиги ҳам анча кўпаяди. Аммо 3-5 қаватли уйларда булар ўзини кўринишини йўқотади, нисбати (пропорцияси) кубга яқинлашиб қолади. Шунинг учун ундай туркум ўрта қаватли уйларда ўз қимматини йўқотади. Асосан бу туркум кўп қаватли уйлар қурилишида ишлатилади.

Коридорли-бўлинмали туркум бир қаватли уйларда ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун Ўзбекистон иқлим шароитида бундай уйлар тавсия этилмайди. Даҳалар қурилишида бир нечта тархий туркмлар тавсия этилади, лекин бўлинмали, йўлакли бўлинма туркмлардан кўпроқ фойдаланилади, чунки булар демографик талабларга жавоб беради ҳамда ка хонали ва кўп хонали хонадонларни унумли хал қилиш осон бўлади. Бундан ташқари, ҳар хил туркумдаги лойиҳалар қурилишида даҳалар ҳар бири ўзига хос, ҳар хил ва гўзал ансамблларни ташкил этади.

**5-илова**

## Ўрта қаватли уйларнинг асосий қурилмалари (конструкциялари)

Ўрта қаватли турар жой бинолари асосан 3 та қурилмадан иборат бўлиб:

- Ғиштдан кўтариб турадиган девор ва тўсиб турадиган қурилма;
- Йирик панели кўтариб турадиган девор ва тўсиб турадиган қурилма;
- Панелли ва синч ғиштли қурилма.

Кўп ишлатиладиган қурилма – бу ғиштли кўтариб турадиган девор бўлиб, уни тўлиқ, индустриал ишлатиб бўлмайди, шунга қарамай у жуда кўп тарқалган. Бу қурилма яхши ўзлаштирилган бўлиб, ҳар хил ихчам лойиҳани ечишга кучли ер қимирлашда ўзининг мустахкамлиги билан фарқ қилади. 5 қаватгача бўлган биноларда катта ғишт завод базалари республикани ғишт билан таъминлаб тура олади. Шунинг учун пишиқ ғиштдан бўлган қурилиш ҳали анчагача давом этади.

Тошкентда, Навоий, Фарғона, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда катта панелли бинолар қурилиши кенг кўламда қўлланилади. Катта заводлар қурилган жойларда панелли ва темир-бетон буюмлар уй қурилиши комбинати бўлса, тайёрлаш вақтини қисқартириши ва қурилиш нархининг камайиши, заводда тайёрлаш сифатини ошиши ўрта қаватли турар жой биноларини қуришда анча қўл келади.

Замонавий йирик панелли уйларнинг ҳам камчиликлари бор. Ундаги энг катта камчилик – иссиқлик сақлаши ва товушни ўтказиши. Ёзда уйларнинг

қаттиқ исиб кетиши, қурилиш натижасида даҳалар жуда зерикарли, бир хил кўринишда бўлиб колиши ҳам шу камчиликлар жумласидандир.

**6-илова**

**Блиц-сўров саволлари**

1. 1 қаватли уйларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг.
2. 2 қаватли уйларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг.
3. Кам қаватли уйларни кўп томонга қаратилиши (оринтацияси) кўп қаватли биноларга қараганда унча катта аҳамиятга эга эмас. Нима учун?
4. Ваннахонанинг 2 қаватда жойлашиши мумкинми?
5. Ҳовлили биноларни қуришда қандай қурилиш материалларидан фойдаланиш керак?
6. 3-5 қаватгача бўлган уйлар турар жой биноларининг қандай турига киради?
7. Уларнинг афзаллиги нимада?
8. Коридорли туркум лойиҳа қандай амалга оширилади?
9. Ўрта қаватли турар жой бинолари қандай қурилмалардан иборат бўлади?
10. Замонавий йирик панелли уйларнинг қандай камчиликлари бор?

| 18-**МАВЗУ** | КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ. ЁТОҚХОНАЛАР ИНТЕРЬЕРИ |
|---|---|

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Ўқув соати – 2 соат*** | Талабалар сони: 50 та |
| ***Ўқув машғулот шакли*** | Ахборотли маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Кўп қаватли турар жой бинолари.<br>2. Баланд қаватли турар жойлар.<br>3. Ётоқхоналар |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларни кўп қаватли турар жой бинолари, ётоқхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништириш | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Кўп қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Кўп қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Баланд қаватли турар жойлар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Баланд қаватли турар жойлар интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| Ётоқхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради | Ётоқхоналар интерьерига қўйиладиган талабларни билади |
| *Ўқитиш воситалари* | *маъруза матни, компьютер слайдлари, доска* |
| *Ўқитиш усуллари* | *ахборотли маъруза, блиц-сўров, эссе* |
| *Ўқитиш шакллари* | *жамоада ишлаш* |
| *Ўқитиш шароити* | *техник воситалар билан таъминланган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *оғзаки савол-жавоб* |

## 1.2. “Кўп қаватли турар жой бинолари. Ётоқхоналар интерьери” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Янги мавзуга кириш сифатида “Кўп қаватли турар жой бинолари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзиш топшириғини беради (1-илова).<br>1.2. Ёзилган эсселар муҳокама қилинади.<br>1.3.Талабаларни мавзунинг номланиши, мақсади ва кутиладиган натижалар билан таништиради. | Эссе ёзадилар<br><br>Фикр алмашилади<br><br>Тинглайдилар |
| 2 -босқич. Асосий қисм (40 мин) | 2.1.Маъруза режаси билан таништиради (2 - илова).<br>2.2. Кўп қаватли турар жой бинолари интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (3-илова).<br>2.3.Баланд қаватли турар жойлар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (4-илова).<br>2.4. Ётоқхоналар интерьерига қўйиладиган талаблар билан таништиради (5 илова) | Режани ёзиб оладилар<br><br>Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар |
| 3-босқич. Якунловчи (20 мин) | 3.1.Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун блиц-сўров ўтказади (6-илова) | Саволларга жавоб берадилар |

**1-илова**

### Беш дақиқали эссе[11]

Янги мавзуга кириш сифатида “Кўп қаватли турар жой бинолари” мавзусида беш дақиқали эссе ёзадилар

**2-илова**

### Маъруза режаси

1. Кўп қаватли турар жой бинолари.
2. Баланд қаватли турар жойлар.
3. Ётоқхоналар

[11]Беш дақиқати эссе қоидалари 6 маърузанинг 1 иловасида тўлиқ келтирилган. Эссени расмлар билан бойтиш ҳам мумкин.

**3-илова**

## Кўп қаватли турар жой бинолари

1. Кўп қаватли турар уй-жойларига 6 қаватдан 9 қаватгача бўлган уйлар киради. Ўрта қаватли турар жой уйлардан фарқи шуки, бу уйларда, албатта лифт жойлаштирилган бўлиши шарт. Лифт бўлгани билан зинапоя ўрнига ўтмайди, зинапоя вертикал йўналишда муҳим рол ўйнайди.

Шунинг учун зинапоя қурилишига катта аҳамият бериш керак. Ёнғиндан, сейсмик чидамлигига эътибор бериш керак, яъни зинапоя мустахкам ва чидамли материаллардан қилинган бўлиб, ҳаво айланадиган зинапоя бўлиши керак. Зинапоя майдонидан унинг икки томонига чиқадиган очиқ йўл бўлиши керак. Меъёр бўйича зинапоя майдони истилиши шарт эмас, лекин қулайлик бўлиши учун иложи бўлса, истиш керак. Зинапоялардан ташқари кўп қаватли турар жойларда бошқа чиқиб кетиш йўлларини, яъни икки қўшни орасидаги балконлар ёки айвонлар орқали бир-биридан ўтадиган йўлни ҳам эътиборга олиш керак.

Кўп қаватли турар жой бинолари қурилишида ҳам ҳамма лойиҳа туркумлари ишлатилади. Бўлинмали, йўлакли, йўлакли-бўлинма ва нуқтали (бир бўлинмали) кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши минорали деб аталади. Айниқса кўп тавсия этиладиганлари бўлинмали (секцияли), йўлакли туркумдир.

Бу туркум универсал бўлиб, кўп хонали ва кам хонали хонадонларни тўлиқ ечими каби, иқтисодий томондан ҳам ютиш мумкин. Кўп қаватли уйларнинг узунлиги кўп масофани эгаллаши билан бирга анчагина жойга ўз сояси билан ҳалақит беради, шунинг учун узунлигини камайтиришга тўғри келади. Буларни эътиборга олсак, бир бўлнимали уй кўпроқ тўғри келади.

Уйларнинг қаватлари кўпайиши хонадонларни табиат манзараларидан узоқлаштиради, шунинг учун бундай уйларда ёзги хонадонларга катта аҳамият бериш керак. Уларнинг майдонларини кўпайтириб ҳар хил гуллар билан кўкаламзорлаштириш кичик боғчалар ҳосил қилиш керак, икки баравар баланд айвонлар, яъни 2 қаватли баландликка эга бўлган ҳовлилилар бўлиши мумкин. Уларни кўкаламзорлаштиришнинг афзаллиги шундан иборатки, улар хонадонни кўчадан тўсиб туради. Яна ҳар хил чанг ва товушлардан асраб туради. Текис том устидаги очиқ майдонлар умумий майдонларга айланиб қолиши мумкин, бундан ташқари шу уйда яшовчи кишиларнинг дам оладиган жойига айланади.

Текис томонларни кўкаламзорлаштириш томларни ёзда исиб кетишидан сақлайди ва хонадонларнинг ҳавосини анча пасайтиради. Кўп қаватли уйларда келажак дастурида очиқ қаватлар ёки умумий фойдаланиш учун ҳар хил мақсадни кўзлаб, уйнинг бир тарафида очиқ ёзги айвонлар қолдириш кўзда тутилмоқда.

Юқорида кўрсатилган туркумдан ташқари коридорли ва йўлакли хонадонлар лойиҳаси ҳам қўлланилади. Бунда 2 қаватга бир хонадон жойлаштирилади.

Бир қаватга жойлашган коридорли хонадонларга нисбатан бундай хонадонларда елвизак масаласи осон ечилади, ҳамда тўғрима-тўғри шамоллатиш ҳал бўлади, булардан ташқари хонадонлар икки тарафга қараган бўлади. Бу билан ориентация масаласи ҳам ҳал бўлади. Бу хилдаги уйларнинг қурилишида ҳеч қандай қаршилик йўқ. Коридорли уйларда хонадонларни 3 қаватга жойлаштириш мумкин, бунда иқтисодий томондан анча ютиш мумкин. Аммо бу туркум фақат кўп хонали хонадонлар учун қулайдир. Йўлакли уйларда хонадонни 2 қаватга жойлаштириш анча йўлакни қисқартиришга олиб келади.

Ўзбекистонда кўп қаватли уйларни қуриш яқиндан бошланди. Биринчи бўлиб Навоий шаҳрида 9 қаватли йўлакли уй қурилди. Кейинчалик Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам қурила бошлади. Шаҳардаги ерларни тежаш натижасида Тошкент ва бошқа катта шаҳарларда кўп қаватли уйлар қурилиши авж олади.

**4-илова**

## Баланд қаватли турар жойлар

Кейинги пайтда Ўзбекистонда бу хилдаги уйлар қурила бошлади. Бу уйлар ерни тежаш жиҳатидан анча қулайдир. Кўп қаватли уйлардан фарқи шундаки, бу уйларда камида бир бўлинмага ва блокка 2 та лифт ўрнатилган бўлиши шарт (одам ташийдиган ва юк ташийдиган), жуда баланд уйларда тез юрадиган лифтлар ўрнатилади.

Ердан баландлиги туфайли бундай уйлардаги ёзги хоналарга катта эътибор бериш талаб этилади, яъни уларнинг майдони анча катта бўлиши керак. Шахсий ёзги хоналардан ташқари умумий ёзги хоналар бўлиши керак. Бир-икки бўлинмали уйлар оптимал вариант ҳисобланади. Бу типдаги уйлар даҳаларни ҳар хил кўринишга олиб келади. Булар даҳаларда кам қаватли уйлар ва ўрта қаватли уйлар орасида жойлаштирилади.

Кўп қаватли ва баланд қаватли уйларнинг асосий қурилмалари. Бу биноларни лойиҳасида асосий талаб: ишлатиладиган материалларнинг оғирлиги ва қурилмаларни иложи борича камайтиришдан иборат. Бу айниқса, зилзила тез-тез бўладиган жойларда аҳамиятлидир.

Шунинг учун кўп қаватли уйларда синч панелли қурилма, енгиллаштирилган панеллар ишлатилади. Темир-бетонли ёки пўлатдан синчли бўлиб, ҳажм элементи билан тўлдирилади. Бундай уйлар ўз афзаллиги билан ажралиб туради, яъни уларнинг қурилиши енгиллашади. Заводдан тайёр элементлар келтирилиб, иш ҳам осонлашади.

Уларни ҳар хил усулда жойлаштириш мумкин, бунинг оқибатида меъморий кўриниш анча бойийди. Охирги пайтда бундай уйларни Сирғали тумани даҳаларида жуда кўп учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда кўпгина уйлар қуйма темир-бетондан қурилаяпти. Бундай уйларда фақат тўғри шакл эмас, балки бошқа ҳар хил шаклларни ҳам ишлатиш мумкин, бу эса

меъморий кўринишни бойитади ва бинонинг кучли зилизилага бардош беришини таъминлайди.

**5-илова**

## Ётоқхоналар

Ётоқхоналар яшаб турадиган шахслар контингентига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: мактаб ўқувчилар интернати, талабалар ётоқхонаси ёки техникум ўқувчилари, якка ишчи ёшлар ётоқхонаси, қариялар уйи. Мактаб ўқувчилар интернати, асосан, қишлоқ жойларда қурилади, қачонки битта мактаб бир нечта аҳоли пунктларига хизмат қиладиган бўлса, 6 та ўқувчига 1 хона мўлжалланган бўлади. Ўқувчиларга маиший хизмат кўрсатиш хонаси керакми-йўқми, бинони хили аниқлайди. Ҳозирги пайтда талабалар билан ишчи ёшлар ўртасида маданий ва яшаш шароитлари орасида фарқ қолмади десак бўлади. Кўпгина ишчи-ёшлар олийгоҳ ёки билимгоҳларнинг сиртқи ёки кечки бўлимида ўқимоқдалар. Шунинг учун улар дарс тайёрлаш хонасига мухтождир. Талабалар ва ишчи ёшларнинг маданияти ошиши билан бир қаторда уларнинг талаблари ҳам ортиб боради. Улар орасидаги фарқ камаяди.

Ишчи-ёшларнинг кўпроқ куч талаб қиладиган меҳнатдан ақлий меҳнатга ўтиш, уларда катта ақлий ўсиш юз берганини кўрсатади. Шунинг учун ишчи ёшларга ва талабаларга алоҳида ётоқхоналар ташкил этишнинг ҳожати йўқ.

Ёши ва маълум бир ҳаётий йўли, одати ва маошининг миқдори, ҳир бир ёлғиз ишчи учун ётоқхона турига нисбатан талаблари орта боради. Бу шуни кўрсатадики, уларга хос ва мос бўлган турли хилдаги ётоқхона қуриш зарурияти пайдо бўлади. Кексалар ётоқхонаси алоҳида ўринни эгалалйди, чунки булар доимий маданий ва маиший тиббий хизматдан фойдалана олишлари керак. Охирги пайтда қариялар уйларига катта аҳамият берилаяпти ва бир нечта андозавий хилдаги уй лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Ишчилар ва талабалар ётоқхонаси ҳар хил турар жой бинолари ичида энг кўп қўлланиладиган туридир. Бу хилдаги хонама-хона жойлаштириш ётоқхона қурилишида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, чунки шаҳар кенгайиб бормоқда, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиши ишчи ва хизматчилар контенгентининг ошишига, қишлоқ жойлардан ёшларнинг шаҳарга кўплаб келишига олийгоҳ ва билимгоҳларнинг жуда кўпайиб кетиши асосий сабабдир. Умумий турар жой қурилиши ҳажмида ётоқхона қурилиши энг муҳим ўринни ташкил этади.

Ёппасига қурилишда ётоқхона биринчилардан ҳисобланади, янги хилдаги типик ётоқхоналар лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистонда биринчи ётоқхоналар, асосан собиқ Иттифоқ даврида қурилган, биринчи қурилган ётоқхоналар, асосан, бир қаватли бўлиб. Унча катта бўлмаган ва қулайликлар яратилмаган. Биринчи 5 йиллик даврида ишчилар ва талабалар учун 2-4 қаватли ётоқхоналар қулайликлари билан

қурила бошланди. Бу бинолар якка ҳолда бўлиб, шахсий лойиҳалар бўйича қурилган.

Биринчи андозали лойиҳа 2 қаватдан иборат бўлиб, 100 та ўринга мўлжалланган андозали серия бўйича турар жой бинолари 1946 йил, кейинчалик 400 ўринли тўрт қаватли андозали лойиҳа амалга оширилган.

Замонавий ётоқхоналарда турар жой хонаси: ёрдамчи хоналар ва умумий маиший хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат бўлиши керак.

Катта хилдаги ётоқхона биноларидан фойдаланиш қулайдир.

Ётоқхоналарни кенгайтириш қурилишда тежамкорликни ва фойдаланишда қулайликларни яратади, уларни ҳар хил уй комплексига айлантириш мумкин. Турар жой хоналарига бир хонада 1 ёки 3 та кроват жойлаштирилади. Битта одамга 6 $м^2$ майдон мўлжалланган, лекин битта кроватли хона 8 $м^2$ дан кам бўлмаслиги керак. Ётоқхона универсал аҳамиятга эга, шунинг учун бу хонада кроватга жой, стол ва стул қўйиладиган жой, кийим иладиган жой, китоб жавонини жойлашувини албатта эътиборга олиш керак. Кроватлар ойна олдидан ёки совуқ девордан 60 см масофада жойлаштирилиши керак. Токчалар ёки кўтариб қўядиган кроватлар ишлатилса, устма-уст кроват жойлаштирилса, жой анча кенгайиб қолади, лекин фойдаланишда қийинчилик туғилади.

Бир ўринли хона кенглиги камида 2,2 м, икки ўринли хона камида 2,4 м ва уч ўринли хона камида 3 м бўлиши керак. Хона узунлиги 3,5 дан 6 м гача бўлиши керак. Ётоқхона ориентациясига катта аҳамият бериш керак, қолган хоналарни бошқа оптимал қулай томонга қаратиш, елвизакка катта эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин ётоқхонада бу хона бир вақтда ҳам дам олиш учун, ҳам овқат ейиш учун, ҳам дарс тайёрлаш учун бўлганлиги сабабли бу хонанинг ориентациясига ва елвизакка жуда катта аҳамият бериш керак. Агарда бу қулайликлар бўлмаса, унда бундай ётоқхонадан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун қулай бўлмаган ориентацияга қаратиб қуриш керак эмас (шимол, шимолий-шарқ, ғарб ва жанубий-ғарб). Энг қулай ориентация бу жануб ёки шарқ ва жанубий шарқдир. Ойналарга қуёшга қарши тўсилмалар ўрнатилиши керак.

Ётоқхоналарда қулайлик яратиш учун хоналар ёнига даҳлизларни жойлаштириш керак ва бу ерда кийимлар илиш учун дорлар, қўл ювиш учун жиҳозларга эътибор бериш керак. Иложи бўлса, гардероб хонаси жойлаштирилиши керак ва шу даҳлиз бир нечта хона учун хизмат қилиши мумкин. Энг мукаммал лойиҳалардан бири, бу 2-3 хонали меҳмонхоналарга хос умумий даҳлиз ҳамда кийим илиш гардероби, санитар блоки, ванна ёки душ, қўл ювадиган жиҳозлар, аёллар хонаси бўлиши керак.

**6-илова**

## Блиц-сўров саволлари

1. Кўп қаватли турар уй-жойларига қандай уйлар киради?
2. Нима учун зинапоя қурилишига катта аҳамият бериш керак?
3. Кўп қаватли турар жой бинолари қурилишида ҳам ҳамма лойиҳа туркумлари ишлатилиши мумкинми? Нима учун?
4. Баланд қаватли турар жойлар кўп қаватли турар жойлардан қандай фарқ қилади?
5. Баланд қаватли турар жойларнинг қулайлиқлари қандай?
6. Ётоқхоналар яшаб турадиган шахслар контингентига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
7. Ётоқхоналарда қулайлик яратиш учун қандай ишлар амалга оширилади?

# “ИНТЕРЪЕР ВА  ЖИХОЗЛАШ ”

## ФАНИДАН

# ГЛОССАРИЙ

**Абсолют** ўлчам (мутлақ ўлчам) – фақат маълум чегаралардаги ўлчовларда бўладиган ўзгартиришлар.

**Анализ** – ҳамма сифатларни фарқини ажратиб кўриб чиқиш.

**Алоҳида ячейкали макон** – майда хажмли хоналар.

**Алоҳидатурувчижиҳозлар** – тўсиқлар конструкцияси билан боғланмаган жиҳоз.

**Ассоциация** – образни қаердадир кўрган ёки солиштириш аналогларига асосланиб шакллантириш ёки таниш ҳодисаларни акси сифатида кўриш.

**Ахроматик гамма** – ёруғлик бўйича бир макомга тенг бўлган кул ранглар.

**Бинолартипологияси** – аниқ бир ижтимоий жараёнларни ўтказиш учун оптимал шароитни яратишга мўлжалланган бино турлари.

**Болалар хонаси** – болаларнинг дам олиш, ухлаши ва ўйнаши учун ажратилган хона.

**Вестибюл** - бинони ташқи муҳит билан боғловчи макон.

**Дахлиз** – кийим шкафива кириш вестибюли учун ажратилган жой.

**Динамикформа** – инсоннинг бирор бир ҳаракатни кутишга, юксалишга, интилишга ундовчи меъморий форма.

**Ётоқхона** – дам олиш, ишлаш ва ухлаш шароитини яратиб берувчи хона.

**Ёруғликфронти** – хоналарга табиий ёруғлик тушишини таъминловчи деворларга қўйиладиган бўшлиқлар.

**Ёруғликлар ўрни** – квартиранинг хоналарини табиий ёруғлик билан ёритиш усули.

**Жойидақурилганжиҳозлар** – тўсиқлар билан конструкция орқали боғланган жиҳозлар.

**Интерьер** – ички макон муҳити.

**Интерьерда тизим** – ҳамма боғланишларнинг жами ва уни аниқловчиларнинг мантиқан тузилиши.

**Интерьеркомпозициясивоситаси** – макон тизимида ва унинг жиҳозлари

элементларида қатнашувчи материалларнинг декоратив-бадиий хусусиятлари.

**Ижтимоиймазмун** – жамоат ва турар жой биноларининг ички маконини жамият ривожланиши талаблари асосида шаклланиши.

**Ижтимоийдаража** – турар жойларга эхтиёжни келтириб чикарувчи жамиятнинг тузилишидаги уйларнинг урни.

**Иқлимшароити** – об-ҳавонинг табиатдаги ўзгариши.

**Иқтисод** – уйнинг ички макони ва унинг интерьерини ташкил қилишга таъсир қилувчи омил.

**Квартирамакони** – хоналарнинг сони ва уларнинг ўзаро боғланиши.

**Квартиранинг қисмлари** – хоналарнинг ўлчамлари, юзаси, конструкцияси ва ҳоказолари.

**Композициявийяхлитлик** –стилистик бирлик.Аниқ уйғунлик. Қисмлар бўлинишининг ҳарактери,элементларнинг умумий боғловчи белгиларнинг маълум бир ғояга бўйсундириб хизмат қилиши.

**Конструкция** – бино қисмларининг таркиби ва ўзаро жойланиши.

**Кескин форма** – мантикан ва рационал аниқланадиган бурчакли кескин формалар.

**Контрастмуҳит** – кескин фарқ қилувчи дам олиш муҳитини яратиш

**Контраст бирикиш** – алоҳида формаларнинг кичикдан каттага, пастдан баландга, тўғри бурчакдан айланага ўтадиган аниқ бадиий эффект берувчи формалар.

**Кийим хона** – кийим пойафзаллар, жомадонлар ва ҳоказолар сақланадиган хона.

**Кўпмарказликомпозиция** – хонадаги функциявий зоналар билан борликда яратилган композиция.

**Қабул қилиш** – ҳиссий акс формаси, ташқи ва ички дунёнинг кўринишларини қабул қилиш, ажратиб ўзлаштириш ва образга келтириш.

**Қисманўзгартириш** – ёнма-ён хоналарнинг силжийдиган тўсиқлар ёрдамида ўзгартириш.

**Мавзу** – бинонинг ички кўринишини бадиий композициясини ишлашда

танланган мавзу.

**Масштаб** (нисбий ўлчам) – бинонинг ички ва ташқи элементларини ўзаро боғловчи, уйғунлаштирувчи нисбий ўлчам.

**Маконнинг бирлиги ва ривожланиш** – маконнинг алоҳида қисмларининг ўзаро боғланиш қонуниятлари ва маконнинг ташқи муҳит билан умумий боғланишлари ҳисобланади.

**Маконни идроккилиш** – маконни идрок қилиш киришдаги таассурот, ҳаракат давомида ва охирги мўлжалга етгандаги ҳолатларда аксланади.

**Монохраматикгамма** – бир буёқ атрофида танланган ранглар тони.

**Моддиймакон** – ҳаётий жараёнларни ўтказиш учун чегараланган макон.

**Муҳит боғланиш** – квартиранинг атроф-муҳит билан ёруғлик орқали боғланиши.

**Меъморий элементлар** – бадиий образни яратишда фойдаланадиган ҳар хил форма ва деталлар.

**Нафосат** – интерьерда нозик дид билан ишлатилган санъат ва бадиий элементлар.

**Нейтралкомпозиция** – сокинликни берувчи бир маромда йиғилган жиҳозлардан ташкил топган композиция.

**Нисбий бўлиниш** – инсоннинг таққослаб баҳолай олиши мумкин бўлган элементлар ва инсоннинг ўзи билан тавсифланиши мумкин.

**Ошхона** – озиқ-овқатларни ва ошхона ускуналарини сақлаш, маҳсулотларни тозалаш, овқат тайёрлаш, овқатланиш ва йиғиштириш тугунларидан иборат бўлган хона.

**Ориентация** – кун давомида хонани қуёш нури билан таъминланиши.

**Пластик форма** – ҳиссиёт ёрдамида аниқланадиган, келишган чиройли форма.

**Пластика** – чиройли санъат асари.

**Принцип** – маконнинг алоҳида қисмларини бир тизимга йиғиш.

**Полихраматик** – кўп ранглилик.

**Ранг** – бирон нарсанинг ёруғлик тони, интерьернинг ички кўринишини

яратувчи ва унинг бадиий образини талқин қилувчи элементлардан бири.

**Ритм** – бир-бирига мос тушган тартибда қўйилган бир хил элементлар, устунлар қатори ёрдамида амалга ошувчи тузилиш.

**Ритмик бирикиш** – алоҳида формаларнинг тузилиши асосида бир хил принцип, бир хил қонуният.

**Рекреация**–хоналарнинг жойлашишини ва одамларнинг дам олишини ташкил қилувчи макон.

**Сунъиймикроклимат** – ички маконда қулай шароит яратиш.

**Синтез** – ҳамма сифатларни йиғиб мукаммал образга келтириш.

**Сунъийёруғлик** – атроф-муҳитни кўрадиган қилувчи нурли энергия, ёруғлик манбаи. Бино ички кўринишига бадиий мукаммалликни киритувчи воситалардан бири.

**Сунъий материаллар** – пластиклар, ҳар хил куйилмалар, картонлар, сунъий рангловчилар ва бошқалар.

**Стиль** (бадиий бирлик) – меъморий элементларни ва жиҳозларни бадиий ижодий бирликка келтириб ишланган якуний ҳолати.

**Статикформа** – маконда мувозанатга келтирилган форма.

**Синтез** – объектни ҳар хил элементларини мукаммал бир санъат турларининг бирикмаси.

**Солиштириш** – бино қисмларини ички макон билан ва меъморчиликни инсон билан таққослаш.

**Сифаттавсифи** – масштаб ёрдамида макон ва унинг образини ҳар хил талқин қилиш.

**Санъатсинтези** – меъморчилик, рангтасвир, скульптура элементларидан тузилган бирикма.

**Секциялижиҳоз** – бир типда ишланган ва умумий композицияга келтирилган жиҳозлар йиғиндиси.

**Стеллажлижиҳоз** – бир хил конструктив ечимда йиғилган жиҳозлар

**Табиий материаллар** – ёғоч, тош, гранит, мармар ва бошқалар

**Табиатэлементлари** – сув, ўсимлик, табиий материаллар (ишлов

берилмаган)

**Тонус** – одам организмининг бардамлик ҳолати.

**Тетиклантирувчи кўзғовчилар** – архитектуранинг кучли ёрқин образлари, совуқ ва иссиқ ранглар, совуқ материаллар, фактуралар ва ҳоказолар.

**Трансформация** (ўзгарувчанлик) – бино ва хоналарнинг ички ҳолатининг ўзгарувчанлиги.

**Тозалик тугуни** – тозалик ва гигиенани сақлаш жойи.

**Тектоника** – бино қисмларининг таркиби ва ўзаро жойлашишида бадиий мукаммалликка эришиши ва бинонинг ички кўринишида бадиий қатнашиши.

**Уй** - турар жой муҳитини асосий тузувчи ячейкаси бўлиб, у ерда яшовчиларнинг талабини қондирувчи ҳисобланади.

**Уйнингфункцияси** – индивидуал ҳаёт ўрни ва умумоилавий мулоқотлар жойи.

**Уйнингтузилиши** – уйнинг функциявий алоқалар тизими.

**Умумий хона** – оила аъзоларининг умумий мулоқотда бўладиган жой.

**Функция** – бинонинг ичида бажариладиган вазифа.

**Фойе** – томошабинларнинг танаффус вақтида дам оладиган макон.

**Форма** – бу функционал мазмунни меъморий композиция тилига ўтказиш.

**Фактура** – материал юзасининг ўзига хос хусусиятда ишланган сифати.

**Функция** – бу тураржой муҳитини ташкил қилувчи ва шакллантирувчи омил.

**Функционалзоналаш** – уйдаги асосий жараёнларни бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкил қилиш.

**Хона функцияси** – бир жараён учун аниқ макон шароитини яратиш.

**Ҳаракат оқими** – одамларнинг асосий жараён кечадиган хоналарга қараб йўналиши.

**Шаҳарнинг фазовий тузилиши** – шаҳар макони билан алоҳида бинолар ўртасидаги алоқалар шаклланиши.

**Шаҳарсозлик талаблари** – шаҳарнинг фазовий тузилишини аниқлашга йўналтирувчи шартлар.

**Элемент** – бинонинг таркибий қисми, компонент.

**Яхлит макон** – битта катта ҳажмда ечилган умумий макон.

**Tavsiya etilgan adabiyotar ruyxati**

**Asosiy adabiyotlar.**


1 Karimov I.A. O'zbekiston XXI – asr bo'sag'asida . Toshkent "O'zbekiston" 1997y

2. Karimov I.A. O'zbekiston – XXI asr busagasida «Tarixiy xotirasiz kelajak yuq». T.: O'zbekiston, 1998 y.

4 Лисициан М.В., Новиков Е.Б., Петунина З.В.Интерьеробщественныхижилыхзданий. Москва. Стройиздат 2004 г.

4. Ранеев В.Р. Интерьер. М., Высшая школа 2003 г.

5. Степанов Н.Н. Цвет в интерьере

8. Архитектурное проектирование жилых зданий Москва. Стройиздат 1995 г.

9. Ефимов А.В. и др.«Дизайн архитектурной среды»: Учебник для ВУЗовМ. Архитектура -С, 2005.

8. Нойферт П. Нефф Л.«Проектирование и строительство»,

9.Дом-квартира-сад, Иллюстрированный справочник, М., Архитектура-С 2005 г.

10. KMK2.08.01-94 «Turar joy binolari».

11. Лемешев С.К. «Сам себе дизайнер», М., Архитектура-С, 2004 г.


**Qushimcha adabiyotlar.**


12. Пономарева Е.С. «Цвет в интерьере» Стройиздат. 2006

13.Зингир Б.И. Встроенное оборудование для жилых зданий. М.Строиздат

14. Иконников А., Степанов Г. Основы архитектурной композиции . «Искусство», М. 2004

15. Binovainshootlarninginter'erlaribuyichadavriyjurnallar.

16.Periodik literatura – arxitektura jurnallari.


**Horijiy adabiyotlar**


4. Penny Drue Baird, The New French Interior, Monacelli Press, 2011.
5. Towards a New Architecture,byLe Corbusier, Frederick Etchells.
6. Philip Wilkinson ,50 Architecture Ideas You Really Need to Know, Quercus Publishing Plc, 2010.

## Internet va Zienet saytlari


7. http://www/ arhitekto/ ru/txt/2razv16/shtm1
8. http://gllazychev/ru/books/mur_architektury/glava8glava08-01/htm
9. http://www/ natlib/uz/rus/calendar 2006.pdf- Национальнаябиблиотека Узбекистана
10. http://www.archunion.com.ua/clovarik.shtm1- Архитектурнаяэнциклопедия
11. http://www.archidom.kiev.ua
12. http://www.city-arch.com